Biznes-Эксперт

№ 9-10, 2020

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МОЛИЯ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

Ушбу сонда:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали механизми сифатида 68

В этом номере:

Внедрение аппаратно-программного комплекса «Единая национальная система труда» 126

ПРИВАТИЗАЦИЯ ФИНАНСЫ ЦЕННЫЕ БУМАГИ НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

ДИҚҚАТ!

“Бизнес-Daily Медиа” ноширлик уйи МЧЖ ва EBSCO Publishing, Inc. (АҚШ) ўртасида 2017 йил 8 августда тузилган лицензия шартномасига асосан, “Biznes-эксперт” журнали жаҳоннинг энг йирик академик нашрлар электрон тизими ҳисобланган EBSCOhost маълумотлар базасига киритилган ва шу тизим орқали дунё бўйлаб тарқалмоқда.

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Мундарижа

Аутсорсинг

Салима ХАШИМОВА. Замонавий бизнес стратегиясида аутсорсингдан фойдаланиш моҳияти ва имкониятлари 3

Кластер

Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА. Ўзбекистон иқтисодиётида пахта-тўқимачилик кластерларини шакллантириш механизмини ишлаб чиқишда услубий ёндашувлар 7

Нигоҳ

Абдулла МИРЗАЕВ. Суғорма ерлардан самарали фойдаланишнинг экологик ва ҳуқуқий жиҳатлари 10

Реал сектор

Мунира СУЛТОНБОЕВА, Мохира ПУЛАТОВА. Реал сектор корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш 13

Менежмент

Абдувоси НАЗИРОВ, Зарина АШУРОВА, Равшан ХАЛИЛОВ. Уй-жой коммунал хўжалиги бошқарув муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари 17

Кичик бизнес

Рустам ИСРАИЛОВ, Абдулхамид ХОЛМИРЗАЕВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари 20

Корпоратив бошқарув

Гўзал ХАНКЕЛДИЕВА. Акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқаруви сифат даражасини баҳолаш 22

Услубиёт

Ирода НИЁЗОВА, Гулнора БОБОЕВА. Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион усуллар ва ёндашувлар 25

Хориж тажрибаси

Омонулло ҲАМДАМОВ, Шахноза МАДЖИДОВА, Зухриддин САНЖАРОВ. Корпоратив венчур молиялаштиришга доир хорижий давлатлар амалиётининг таҳлили 28

Савдо

Сардор ТУРСУНХЎЖАЕВ. Чакана савдо тизимида яширин иқтисодиётга қарши курашишда маркетингдан фойдаланиш 34

Қишлоқ хўжалиги

Мавлуда ТАИРОВА, Ботир ОБИДОВ. Замонавий шароитларда фермер хўжаликларини ривожлантириш масалалари 38

Кун мавзуси

Элнорахон МУМИНОВА. Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш хусусиятлари 41

Стратегия

Дилмурод ТАЖИБАЕВ. Корхона ва ташкилотларни бошқаришда стратегик вазифалар 45

Инновация

Умида БАЙМАТОВА, Собиржон ЮСУФЖОНОВ. Инновацион ривожланишга эътиборни кучайтириш – давр талаби 48

Тараққиёт

Бахтиёр МАВЛЯНОВ, Олмахон ПАРПИЕВА. Глобаллашув даврида иқтисодий ривожланиш – бош мақсадимиз 51

Банк иши

Зафаржон АБДУЛЛАЕВ. Банк йиғимининг муҳим жиҳатлари 54

Тадқиқот

Гулбуҳор СОЛИЕВА, Умиджон СУЛТОНБОЕВ. Ўзбекистонда тижорат банклари ва савдо субъектлари муносабатларини ривожлантириш муаммолари 57

Логистика

Барно КЕНЖАЕВА, Нилуфар ШАНАЗАРОВА. Йўловчилар ташишни ташкил этишда логистик ёндашув 62

Маркетинг

Бахромбек БОБОЖАНОВ. Фармацевтик товарлар бозорида истеъмолчилар билан ўзаро муносабатлар маркетинги 64

Бандлик

Анвар ХОДЖАЕВ, Лазиз ЖИЯНОВ, Азизбек ҚУРБОНОВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали механизми сифатида 68

Тадбиркорлик муҳити

Наргиза ХАМИДОВА, Мафтуна АМАНОВА. Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари 71

Банк хизматлари

Салохиддин РАЙИМНАЗАРОВ. Замонавий банк хизматлари кўрсатишнинг моҳияти ва турлари 74

Таҳлил

Собира УСМАНОВА. Пандемия. Туризм соҳасидаги молиявий тебранишлар 77

Рақамли иқтисодиёт

Даврон РАХМАТКАРИЕВ. Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимининг ривожланиш ҳолати ва таҳлили 81

Хизматлар соҳаси

Камолиддин ИБОДОВ. Ресторан хизматлари соҳасида мижозларнинг қониқканлик даражасини баҳолаш 84

Жараён

Дилфуза УМАРОВА. Йўловчи ташиш транспорт хизматлари маркетингининг ўзига хос хусусиятлари 89

Тадбиркорлик

Жамшид ЭРГАШЕВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси 94

Иқтисодиёт

Равшан КАЛАНДАРОВ. Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишида институционал ўзгаришларнинг хорижий тажрибаси 97

Саноат

Комила ХОНКЕЛДИЕВА. Ўзбекистонда тўқимачилик кластерларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асослари 102

Хусусий шерикчилик

Шахзод МАКСУДОВ. Ўзбекистон иқтисодиётини корпоратив бошқариш, миллий бойлик, инсонлар саломатлиги ва ижтимоий фаровонликни ривожлантиришда стратегик ташаббуслар 105

Содержание

Корпоративное управление

Мухамаджон ТОЛИПОВ, Шахноза АБДУЖАББАРОВА. Немецкая модель корпоративного управления и её особенности 111

Автомобильная промышленность

Дильдар ЯКУБОВА, Нозима КАСЫМОВА. Основные направления развития автомобильной промышленности Республики Узбекистан 114

Экономика транспорта

Аяттилло ШАРУСТАМОВ. Развитие транспортного комплекса Республики Узбекистан 118

Развитие туризма

Сардор ХАМИДУЛЛАЕВ, Мамурахон УММАТҚУЛОВА. Принятые меры и перспективы развития индустрии туризма в Узбекистане 121

Цифровая экономика

Шерзод КУДБИЕВ. Внедрение аппаратно-программного комплекса «Единая национальная система труда» 126

Страхование рисков в туризме

Умида МАКСУДОВА. Классификация рисков в туризме 130

Энергетический сектор

Хуснорахон ХАСАНОВА. Современное состояние электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан 133

2020 йил 9-10 (153-154)-сон

№9-10 (153-154) 2020 год

Biznes-Эксперт

ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ
ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.
Georgian international University президенти (АҚШ)
Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMEYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)
доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)
доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)
доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ
ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)
доктор экономических наук, профессор (Россия)

Игорь БУТИКОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ
иқтисодиёт фанлари доктори,
доктор экономических наук

Адҳам БЕКМУРОДОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Муҳиддин ПЎЛАТОВ
иқтисодиёт фанлари доктори
доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Замонавий бизнес стратегиясида аутсорсингдан фойдаланиш моҳияти ва имкониятлари
Сущность и возможности использования аутсорсинга в современной бизнес-стратегии
The essence and possibilities of outsourcing in modern business strategya

Салима ХАШИМОВА,
ТДТУ доценти, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада аутсорсинг тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти ёритилган. Замонавий бизнес юритишда аутсорсингнинг турлари, ижобий ва салбий жиҳатлари ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти кўрсатилган.

В статье описаны сущность и значение аутсорсинга. Освещены преимущества, недостатки и значение аутсорсинга в ведении современного бизнеса и развитии экономики.

This article reviews the essence and importance of the concept of outsourcing. Together with this, the article also describes types, advantages and disadvantages of outsourcing in modern business and its role in the development of the economy.

Бозор иқтисодиёти шароитида акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа турдаги корпоратив корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни бевосита бошқариш, шунингдек хўжалик механизмларини оптималлаштириш каби вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши аввалambор корпоратив бошқарув стратегиясига боғлиқ бўлиб, энг долзарб масалалалардан бўлиб қолмоқда.

Глобаллашув шароитида кўплаб компаниялар учун барча керакли ресурсларни ўзи томонидан ишлаб чиқаришнинг зарурати йўқ. Барча диққатни компаниянинг ўзи ҳаммадан яхши ишлаб чиқарадиган маҳсулотга (бажарадиган ишларни, кўрсатадиган хизматларни) ташқаридан сотиб олиш мақсадга мувофиқдир. Бизнесни бошқаришнинг бундай стратегияси "аутсорсинг" деб аталади [1].

Бизнес жараёнлари аутсорсинги, бу мижоз корхона ўз ичидаги айрим доимий иш ёки вазифаларни, шу соҳага ихтисослаштирилган ташкилотга бутунлай ёки қисман топширишдир.

Аутсорсинг – бизнесни бошқариш стратегияси бўлиб, компаниянинг ресурслари, менежерларнинг диққат-эътибори ва саъй-ҳаракати бизнес учун энг муҳим вазифаларни жамлаб, иккинчи даражали вазифаларни ихтисослаштирилган бизнес-провайдерларга, яъни аутсорсер компанияларга бухгалтерия ҳисоботи ҳамда уни қайта тиклаш, маркетинг, кадрлар бўлими, мижозлар билан ишлаш, информацион технологиялар ва бошқаларни топширишга қаратишдир [2].

Аутсорсинг компаниялар ихтисослашган фаолият турларидан келиб чиқиб, унинг мустақил турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– ахборот технологиялари аутсорсинги;
– ишлаб чиқариш аутсорсинги;
– логистикага доир функциялар аутсорсинги;

Калит сўзлар: аутсорсинг, стратегия, аутсорсинг турлари, ахборот технологиялари, бизнес жараёнлари, ресурс, бизнес, самара.

– ходимларни бошқариш функциялари аутсорсинги;

– маркетинг функциялари аутсорсинги;

– маркетинг функциялари аутсорсинги;

– молияга доир функциялар аутсорсинги.

Кўриниб турибдики, замонавий компаниялар фаолиятининг барча соҳаларини аутсорсингга бериш мумкин.

Аутсорингнинг фойдали томонлари шундаки, компаниянинг ортиқча харажатлардан ва қийинчиликлардан халос бўлади:

– ишчи ёки бўлим учун ойлик маошдан тўланадиган даромад солиғидан озод бўлади;

– менежерлар учун мобиль алоқа, тушлик, йўлкира харажатлари ва таътил пулидан озод бўлади;

– иш жараёнидаги хавфларни аутсорсинг ташкилотга юклайди.

Статистик маълумотларга кўра, дунё мамлакатларида аутсорсинг хизматларига қилинган умумий харажатлар 1 трлн. АҚШ долларидан ошган. АҚШда барча федерал солиқларни йиғиш аутсорсинг тизимига юклатилган бўлиб, бу юзага келаётган кўплаб муаммоларнинг ечими бўлиб келмоқда. Европада кичик ва ўрта бизнес вакилларининг 80 фоиздан ортиғи, хусусан, АҚШда 90 фоиздан, Исроилда 94 фоиздан ортиғини аутсорсинг компаниялари ташкил этади. Асосан, бу давлатларда бухгалтерия хизмати тўлиқ аутсорсер компанияларига топширилган.

Аутсорсинг компаниялар барча муаммоларни ҳал қилувчи сеҳрли таёқча эмас, бор йўғи бизнес инструмент ҳисобланади. Аутсорсингдан олинадиган самара компания олдига қўйилган мақсад, мавжуд ресурслар ва тўпланган тажрибага асосланади.

Бизнес-жараёнларини аутсорсингга берадиган компания, яъни буюртмачи турли мақсадларни белгилайди:

– Аутсорсингдан фойдаланишни асосий сабаби таннархни пасайтириш ҳисобланади, экспертлар фикрича, таннархни пасайтириш ўртача10-25 фоизни ташкил этади;

– харажатларни камайтириш ҳисобига корхонанинг молиявий барқарорлигини яхшилаш;

– ўзида мавжуд бўлган барча ресурслар: хусусан, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оператив фойдаланишга эришиш;

– инновацияларга йўл очиш, ташқи мутахассисни жалб этиш янгиликлар киритиш учун имконият яратади.

XX асрнинг 30 йилларида автомобиль саноатида икки гигант компания Генри Форд ва Альфред Слоуном ўртасидаги зиддиятлар ечими сифатида аутсорсинг намоён бўлди. Альфред Слоуном компанияни инқироздан олиб чиқишда бизнес жараёнларни бошқа компанияга бериш орқали ютиб чиқади. Бу аутсорсингнинг моҳиятини очиб беради.

Жаҳон аутсорсинг индустрияси анча ривожланиб, аутсорсинг хизматлари бозорида унинг турлари кенгайиб борди.

Қуйидаги жадвалда аутсорсинг хизматлари бозорида мавжуд бўлган турларининг моҳияти берилган [3].

1-жадвал.

Аутсорсинг турлари

Тури	Моҳияти
Ахборот технологиялари аутсорсинги	Ахборот технологиялари аутсорсинги – корхонани ахборот технологияларини хизматларини бошқаришни махсус провайдерларга бериш
Бизнес жараёнлари аутсорсинги	Бизнес жараёнлари аутсорсинги – бизнес жараёнларини бошқариш ва аутсорсинг каби икки бизнес жараёнлари уйғунлигини ифодалайди
Билим – сиғимли аутсорсинг	Билим – сиғимли аутсорсинг – махсус билимларга йўналтирилган бизнес жараёнларини бошқариш ҳисобланади

Бизнеснинг турли жараёнларини ташкил этишда аутсорсингдан фойдаланишга қараб махсус аутсорсинг моделлари намоён бўлади [3].

2-жадвал.

Аутсорсинг моделлари

Номи	Моҳияти
Тактик аутсорсинг	Тактик аутсорсинги моделини қўллашнинг ягона мақсади асосан харажатларни камайтириш ҳисобланади. Одатда тактик аутсорсинг "лойиҳа аутсорсинги" маъносини англатади.
Ўтиш даври аутсорсинги	Ўтиш даври аутсорсинги-бу моделнинг моҳияти мавжуд бўлган бизнес жараёнидан янгисига ўтиш даврида қўлланилади. Ўтиш даври аутсорсинги одатда ахборот технологиялари соҳасида қўлланилади.
Трансформацияли аутсорсинг	Трансформацияли аутсорсинг-бизнесда инновацияларни қўллашда ёки янги бизнес-моделида фойданилади.

Ўзбекистон компаниялари аутсорсингдан фойдаланишнинг дастлабки босқичида бўлиб, асосан ишлаб чиқариш аутсорсингидан фойдаланмоқда.

Ишлаб чиқариш аутсорсингида ишлаб чиқариш жараёнларининг бир қисми ёки бутунлай бошқа компанияларга берилади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш бўлинмалари аутсорсинг доирасида бошқа компанияларга сотилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш аутсорсинги компанияга қуйидаги имкониятларни тақдим этади:

1. Технология ва талаб шиддат билан ўзгараётган кескин рақобат шароитда корхона рақобатбардошлик мавқеини оширишда янги турдаги маҳсулот ва хизматни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

2. Ишлаб чиқариш қайишқоқлигини таъминлайди, яъни ишлаб чиқаришни диверсификациялаш имкониятини келтириб чиқаради.

3. Бизнес юритишда арзон ишчи кучидан фойдаланиш учун қўшимча имкониятга эга бўлади.

Аутсорсингнинг асосий афзалликлари эса қуйидагича:

1. Аутсорсингнинг барча шаклларини қўллашдан олинадиган самарага эга бўлади. Компания юқори малакали кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга вақт ва маблағ сарфламаслиги сабабли стандарт самарага эришади.

2. Малакали кадрлар ёрдамида ишлаб чиқариш географияси кенгайиб, янги техника ва технологиядан фойдаланишга ортиқча маблағ сарфланмайди.

Бизнингча, аутсорсингдан фойдаланишнинг афзалликлари компания рақобатбардошлиги оширилиши ҳисобига даромад келтирадиган фаолиятга айланишининг таъминланиши ҳисобланади. Илғор ютуқлардан фойдаланиш имконияти, харажатларнинг аниқлиги ва уни иқтисод қилиш, унумдорликни бошқариш, сифат яхшиланиши ва қалтисликларни аутсорсингга ўтиши ҳисобига компания даромади ошиши унинг иқтисодий самарадорлиги таъминланади.

Ҳар қандай компания аутсорсингни қўллашда қуйидаги таваккалчиликларга йўл қўяди:

1. Айрим ишлаб чиқариш жараёнлари аутсорсингга берилганда ахборотлар хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

2. Муваффақият бошқа компанияга боғлиқ бўлиб, банкротликка учраш хавфи мавжуд.

3. Ҳар икки томон мақсадлари мос келмаслиги натижасида бошқарув устидан назорат қўлдан кетиши мумкин.

4. Аутсорсер компаниялар хизматлари сифати паст бўлса, компания имиджига таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли кўпчилик компаниялар аутсорсингдан фойдаланишга шошилмайдилар. Бизнес соҳасини аутсорсингсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

1. Барча замонавий компаниялар истеъмолчи эҳтиёжига жавоб берувчи янги фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади.

2. Аутсорсинг хизматларини кўрсатувчи компаниялар замонавий технологиялар, билимлар ҳамда тажрибалардан фойдаланиб ўзига ва мижозга хизмат кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу эса иккала томон учун манфаатли ҳисобланади, ҳар бири мавжуд ресурслари ва ўз кучли томонлари билан истиқболли фаолиятни амалга оширади. Бунинг натижасида қўшимча куч ва ресурсларни жалб қилмаган ҳолда янги фаолият турини ўзлаштириш учун имконият яратилиши қулай нархда сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариши истеъмолчи манфаатларига мос келади.

XXI аср бошларида АҚШ, Япония ва Европада иқтисодий марказда шаклланган юқори самарали ва рақобатбардош ташкилотни яратиш замонавий методологияси аутсорсинг ҳисобланади.

Рақобат – аутсорсингни озиқлантирувчи муҳит ва асосий ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Ҳозиргача айрим мамлакатларда тадбиркорлар хом ашё ва арзон ишчи кучи борлигига ишониб режа тузадилар. Бундай вазиятда харажатларни камайтириш ва маҳсулот сифатини оширишга умид қилмаса ҳам бўлади.

Барча ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, билим-қобилият ва ижодий қарорлар қабул қилиш рақобат устуворлигини келтириб чиқаради.

Лекин бу устуворликлар абадий эмас, чунки, янги технологиялар ва билимлар доимий равишда рақобатчиларда ўзгариб туради.

Замонавий бизнес муҳити қуйидаги омиллар билан характерланади:

– истеъмолчи позициясининг ўзгариши;
– ресурсларга бўлган рақобатнинг ўсиши;
– бизнеснинг байналминалашуви;
– илмий техник тараққиётнинг ривожланиши;

– ахборот тармоқларининг ривожланиши.

Демак, аутсорсинг – бу жаҳон иқтисодиётини анъанавий ривожлантиришнинг замонавий маҳсулоти бўлиб, монополлашувга қарши восита ҳисобланади. Бу ташкилотларни бозор талабларига мослашган бошқариш методологияси бўлиб, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектларни янги бизнесга ўтиш жараёни ҳисобланади [4].

Жаҳонда янги минг йиллик аутсорсингни ривожлантириш йўлидан борилмоқда ва танилмоқда. Барча компаниялар бизнесни бошқаришда аутсорсинг устуворликларини баҳолаб, ундан фойдаланмоқдалар. Айрим савдо маркаларига эга бўлган компаниялар ўз бизнесида эътиборни асосий фаолиятига қаратиб, ёрдамчи жараёнларини қарийб 90 фоизни аутсорсингга бериши натижасида молиявий ҳолатини яхшиланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда аутсорсингдан фойдаланиш давр талаби бўлиб, бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Перезидентининг 2017 йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги, 2017 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонларида тартибга солинган.

Фикримизча, Ўзбекистон компанияларда аутсорсинг имкониятларидан фойдаланишда бизнес инструменти сифатида эмас, балки ундан кенг миқёсда фойдаланиш давр тақозоси ҳисобланади. Замонавий бизнес соҳасини ривожлантириш ва рақамли технологиялар шароитида янги иқтисодиётга ўтишда жаҳон стандартларига мос келадиган аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашда энг самарали восита ҳисобланади.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Абуталипов М. Компания фаолиятида аутсорсирнгдан фойдаланиш. //Корхонани бошқариш. 12-сон, 2018 й.

2. Никулина О.В., Мурадян С.Г. Направления развития аутсорсинга в практике международного бизнеса// "Экономика и предпринимательство". 2013 г., №8.

3. Аутсорсинг как практика корпоративного управления. https:// storage.piter som.so

4. Маркееева Г.А., Михнева С.Г. История возникновения и этапы развития аутсорсинга.//Известия высших учебных заведений. Поволжский регион.Экономические науки. 2014 г.

УЎТ: 677.03

Ўзбекистон иқтисодиётида пахта-тўқимачилик кластерларини шакллантириш механизмини ишлаб чиқишда услубий ёндашувлар

Методологические подходы к разработке механизма формирования хлопково-текстильных кластеров в экономике Узбекистана

Methodological approaches to developing the mechanism for forming cotton and textile clusters in the economy of Uzbekistan

Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА,
ФарДУ доценти, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кластерларнинг ривожланиш муаммолари, хорижий давлатларда кластернинг назарий ва амалий аҳамияти, хорижий муаллифларнинг асарлари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон агросанат мажмуасини, айниқса пахта-тўқимачлик кластерини янада такомиллаштириш тўғрисида фикр юритилган.

В статье анализируются проблемы кластерного развития в сельскохозяйственном производстве Республики Узбекистан, теоретическая и практическая значимость кластера в других зарубежных странах, работы зарубежных авторов, а также рассматриваются вопросы дальнейшего совершенствованияя агропромышленного комплекса, особенно хлопково-текстильного кластера.

The article analyzes the problems of cluster development in agricultural production of the Republic of Uzbekistan, the theoretical and practical significance of the cluster in other foreign countries, the work of foreign authors, and also discusses the issues of further improving the agro-industrial complex, especially the cotton-textile cluster.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг инновацион ғояларидан бири – аҳоли фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кластерлар тизими Ўзбекистонда кенг жорий этилмоқда ва қишлоқ хўжалигида ижобий натижаларни бермоқда.

Мамлакатнинг ривожланиши ва кучини белгиловчи кўплаб омиллар мавжуд. Бироқ, тинчлик ва фаровонликни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Сўнгги уч йил ичида Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар ва янгиланишлар бугун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинмоқда. Алbatta, буларнинг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳаётий тажрибаси, унинг адолатли сиёсати, халқ интилишлари асосида яшаши – буларнинг барчаси эришилган ғалабалар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Кластер ҳақида мулоҳаза юритган рус олими, кластер ўзаро рақобат хусусиятларига, шунингдек, унинг иштирокчиларининг ҳамкорлигига, минтақада ноёб компетенцияларнинг шаклланишига ва муайян ҳудудда корхона ва ташкилотларнинг концентрациясига эга эканлигини таъкидлайди. А.А. Михеев ўзининг илмий ишларида у ҳудудларнинг

Калит сўзлар: пахта-тўқимачилик кластери, ҳудудий ривожлантириш, минтақа, инновация, Индорама компанияси, инфратузилма.

кластерли ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиялари, минтақа тармоқлари ва бошқа стратегик ҳужжатлар асосига қурилганлигини таъкидлайди. Кластерлар фойдали инвестиция қарорларини қабул қилиш учун интеграл ишлаб чиқариш ва технологик пакетларни шакллантиради, устувор инвестицияларини аниқлайди ҳамда саноатни қайта жиҳозлаш учун шароит яратади.

Бугунги кунда вазият тубдан ўзгарди. Пахта толасидан мамлакатимизнинг ўнлаб замонавий корхоналари ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодиёт, хусусан, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик соҳаси тубдан ўзгармоқда.

Ҳудудни ривожлантириш ва кластер ташаббусларини бошқаришда кластерли ёндашувнинг шубҳасиз афзалликлари ҳудудни режалаштириш ҳужжатларини инобатга олади, улар бутун мамлакатни ва унинг ҳар бир минтақасини стратегик ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, ҳудудни кластерли ривожлантиришнинг стратегик устуворликларини ҳисобга олишнинг асосий муаммоси кластернинг аниқ чегараларини белгилаш ва бунинг учун алоҳида саноат майдончасини ажратиш қобилиятининг йўқлиги ҳисобланади.

Бунинг сабаби шундаки, кластер аниқ чегараларга эга бўлган маълум бир ҳудуд эмас, балки тармоқ тузилишидир. Саноат кластерининг чегараларини аниқлаш муаммосини ҳал қилиш учун минтақанинг ҳудудий ривожланиши бўйича турли хил стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқишда кластер ривожланишини ҳисобга олиш кераклигини ва қандай даражадаги батафсил маълумотни ҳисобга олиш керак.

Жаҳон тажрибаси корхоналарнинг рақобатдошлигини оширишда кластер технологиясининг юқори самарадорлигини кўрсатмоқда. Кластерли ёндашув миллий иқтисодиётнинг бирортасини бошқа соҳалардан алоҳида кўриб чиқиш мумкин эмаслигини англатади ва ишлаб чиқарувчилар – етказиб берувчилар ва истеъмолчилар – ишлаб чиқарувчи тармоқлар ўртасидаги яқин алоқаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Т.В.Цихан ўз асарларида уч хил кластерларни аниқлайди ва у уч хил кластерлар борлиги тўғрисида батафсил ёзади:

– саноат (чамбарчас боғлиқ тармоқлар гуруҳи);

– минтақавий (тегишли соҳаларнинг географик бирлашмаси ва ёрдамчи муассасалар);

– инновацион (илмий билимлар ва бизнес ғояларни биргаликда яратиш учун корхоналар уюшмаси). Бу ёки бошқа усулда, кластер тушунчаси, туридан қатъи назар, синергистик таъсирга эга бўлиш ва умумий мақсадларга эришиш учун саноат корхоналари, ўқув ташкилотлари, илмий марказлар ва капитал эгалари уюшмасини назарда тутади.

Сўнгги уч йил ичида қишлоқ хўжалигида дастурлар ишлаб чиқилиб, йўл хариталари изчил амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усули кенг қўлланилмоқда. Кейинги икки йил ичида пахта етиштириладиган тўқимачилик кластерларига ажратилган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг 52 фоизини ташкил этди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида биз пахта толасининг атиги 6-7 фоизини қайта ишлаган бўлсак, бугунги кунда камида 80 фоизини қайта ишлаш имконига эгамиз. Бу шунчаки рақамлар эмас, уларнинг орқасида одамлар фаровонлиги ва турмуш даражасини янада яхшилаш каби эзгу мақсадлар турибди.

1) Инфратузилма – инновацион кластер маҳсулотни кафолатланган истеъмол қилиш тизими атрофида шакллантирилади, мавжуд инфратузилма ишлатилади, аммо мутлақо янги технологик ечимларни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

2) Инновацион кластер мутлақо янги ўхшаш инфратузилмалар асосида шакллантирилди. Ушбу кластерда маҳсулотга кафолатланган талабни ҳисоблаш мумкин эмас ва ушбу кластерни шакллантириш фақат давлат кафолати остида амалга оширилади.

3) Ультратузилмавий ёки мета-саноат кластери мавжуд саноатни ўзгартириш асосида шаклланти-рилади ва энг илғор технологиялар яратилиб, унинг атрофида корхоналарнинг зарур тизими шакллантирилади.

4) Қарзга олинган кластер технологияларни қўллаш бўйича хорижий тажрибалар мисолида шаклланади ва импорт ўрнини босувчи технологияларга асосланади.

Муайян кластер стратегиясини танлаш кластерларнинг қуйидаги асосий хусусиятларининг комбинациясига боғлиқ:

– географик – иқтисодий фаолиятнинг фазовий кластерларини қуриш;

– горизонтал – бир нечта тармоқларнинг битта йирик кластерга уланиши;

– вертикал – инновациялар ташаббускори ва якуний ижрочисини аниқлашда ишлаб чиқариш жараёнининг қўшни босқичлари кластерларида бўлиши;

– латерал – миқёс тежамкорлигини таъминлайдиган турли секторларнинг комбинацияси;

– технологик – бир хил технологиядан фойдаланадиган тармоқлар бирлашмаси;

– марказий – битта марказ атрофидаги корхоналар бирлашмаси – корхона, илмий-тадқиқот институти ёки ўқув муассасаси;

– юқори сифатли – инновацион жараёнларни бостириш ва ҳимоя ҳаракатларига ёрдам берадиган фирмалар ўртасидаги ҳамкорлик қилишга қаратилган.

Пахтамиз ўзининг ранги, толаси узунлиги, кучи ва микронейр кўрсаткичлари билан жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу унинг жаҳон бозорида талабини таъминлайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз ўзимиз пахта етиштиришни ва ундан тайёр маҳсулотлар билан жаҳон бозорига чиқишни таъминлашимиз зарур. Бундай ҳолда, табиийки, фойда бир неча баравар кўпаяди. Бундан ташқари, пахтадан юзлаб турдаги маҳсулотларни олиш мумкин ва уларнинг барчаси биргаликда иқтисодий самарани бир неча бор оширади. Энг муҳими, янги иш ўринлари яратилади.

Сирдарё вилоятида агросаноат соҳасида тажриба сифатида биринчи кластер – "Бек кластер" масъулияти чекланган жамияти шаклида Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси ташкил этилди. Ушбу тажриба бутун мамлакат бўйлаб тарқалди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётидаги янги тузилма – пахта-тўқимачилик кластерлари юқори натижаларга эриша бошлади.

Шу муносабат билан кластер тизимларининг хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– бутун тизимнинг узоқ муддатли иқтисодий, инновацион ва бошқа стратегиясини белгиловчи йирик корхона – раҳбарнинг мавжудлиги;

– кластер тизимининг иштирокчилари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий қисмини ҳудудий локализация қилиш;

– тизим иштирокчиларининг ишлаб чиқариш дастурлари, асосий бошқарув тизимларининг инновацион жараёнлари, сифат назорати ва бошқалар доирасида ўзаро таъсирини узоқ муддатли мувофиқлаштириш;

– кластер маҳсулотларини экспорт ёки импорт ўрнини босишга йўналтириш.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президентининг ғояси хорижий мамлакатларнинг нуфузли компаниялари томонидан қўллаб-қувватланди ва ушбу соҳада ҳамкорлик қилишни бошлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, пахта-тўқимачилик кластерлари нафақат енгил саноатни, балки озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика, қурилиш материаллари ва бошқа кўплаб соҳаларни қамраб олади. Тизимнинг пировард мақсади "Ўзбекистон" бренди остида сифатли маҳсулотларни яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлик, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва бошқа муҳим вазифалар киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 20 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

3. Қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини ривожлантириш. Халқ сўзи. 2020 йил 5 февраль.

4. Янг Л.Э. Технопарки и кластеры фирм. – Киев: ПЕРУ, 1995 г. – С. 5.

УЎТ: 631.6723(575.15)

Суғорма ерлардан самарали фойдаланишнинг экологик ва ҳуқуқий жиҳатлари
Экологические и правовые аспекты эффективного использования орошаемых земель
Environmental and legal aspects of the effective use of irrigated land

Абдулла МИРЗАЕВ,
ТерДУ доценти, и.ф.н.

Аннотация

Ҳозирги кунда Орол атрофи, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг экологик ҳолатини яхшилашда Орол денгизини сақлаб қолиш ҳар қачонгидан ҳам тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Мазкур мақолада сугорма ерлар кенг тарқалган жойларда сув ресурсларидан фойдаланишнинг экологок жиҳатлари атрофлича ўрганилган.

В настоящее время особо стоит проблема спасения Аральского моря, имеющая важное значение в экологической обстановке Приаралья, в частности Республики Каракалпакстан и Хорезмской области. В данной работе рассмотрены экологические аспекты использования водных ресурсов.

Currently, there is a particular problem of saving the Aral Sea, which is important for the ecological situation of the Aral Sea region and in particular, in the Republic of Karakalpakistan and Khorezm region. This paper discusses the economic aspects of the use of water resources in areas of widespread.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириб бориш, шубҳасиз экин майдонларини кенгайтириб бориш билан бир қаторда, ҳар бир гектар экин майдонидан етиштирилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсиб боришини тақозо этади. Экин майдонларининг маҳсулдорлигини оширишнинг энг муҳим усулларидан бири бу ерларини суғоришдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш, ирригация ва мелиорация объектларини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқришнинг интенсив усулларидан, айниқса, замонавий сув ресурсларини тежайдиган агротехнологиялардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, юқори унумдор қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланган [2].

Суғориш, суғориладиган экин майдонлардан ташқари, унга яқин жойлашган ҳудудларга, йирик сув олиш иншоотларига, сув омборларига, каналлар жойлашган ерларга ҳам таъсир қилади. Суғориш майдонларини кенгайтириб бориш фойдали томонларидан ташқари, шундай муаммоларни пайдо қилмоқдаки, унинг кескинлиги мазкур фаолиятни ривожлантириш билан ошиб боради. Суғоришнинг салбий оқибатлари (шўрланиш ва ерларнинг ботқоқланиши, сув манбалари сифатининг ёмонлашуви ва бошқалар) яқин ўтмишда ҳам кузатилган. Лекин бу оқибатлар ҳудудий характерга эга эди.

Суғориш амалиётида техник ва технологик ечимларини қабул қилишда ҳар доим ҳам табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит-

Калит сўзлар: экология, жиҳат, суғориш, муаммо, Орол денгизи, фойдаланиш, сув ресурслари, Сирдарё, Амударё, қолдиқ тамойил, сув тақсимлаш.

ни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилинмаяпти [7].

Ҳозирги даврда Орол муаммоси битта мамлакат доирасида ҳал қилиб бўлмайдиган катта экологик масала бўлиб қолмоқда. Ҳаддан ташқари **хўжасизларча** сувдан фойдаланиш (устувор даражада суғориш учун) Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида чучук сув ресурсларининг кескин камайиб кетишига олиб келди. Эндиликда Орол денгизи ва Орол атрофини ишонч билан бемалол экологик зона деб аташ мумкин [8].

Суғориш кенг ривожланган ҳудудларда, хусусан, Орол денгизи ва унинг атрофида экологик мувозанат бузилишининг асосий сабабларидан бири сифатида суғориш тизимларини лойиҳалаштиришнинг такомиллашмаганлиги, уларнинг сифатсиз бажарилиши, суғорма сувлардан тежамкорлик билан фойдаланмаслик деб кўрсатилмоқда [7].

Фикримизча, Орол денгизи ва унинг атрофидаги, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятидаги нохуш иқтисодий-ижтимоий ҳамда экологик муҳит нафақат юқорида кўрсатилган сабаблар оқибатида, балки, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи меъёр ва қонунларнинг такомиллашмаганлиги туфайли ҳам содир бўлмоқда [6]. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" Қонунида сувдан фойдаланиш вазифаси, сув муносабатларини мувофиқлаштириш, сувнинг ифлосланишини муҳофаза қилиш, сувнинг зарарли таъсиридан огоҳ этиш ва ундан халос этиш, сув объектлари ҳолатини яхшилаш, шунингдек, корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар келтирилган [1].

Йирик сув объектларига сувдан фойдаланувчи юридик ҳуқуқини бериш (корхона, ташкилот, муассаса кабилар билан бир қаторда) умрини яшаб бўлган "қолдиқ тамойили" асосида уларга сув тақсимлаш қоидасини бекор қилади.

Ҳозирги кунда мамалакатимизда экинларни суғориш, қишлоқ хўжалиги сув таъминоти, саноат ишлаб чиқариши, аҳоли ичимлик суви ва бошқа субъектларнинг сувга бўлган эҳтиёжлари қондирилгандан сўнг табиий сув объектларига сув берилмоқда [11].

Суғорма ерлар билан боғлиқ сувдан фойдаланишнинг юридик масалалари кўплаб олимларнинг асарларида ёритилган: М.Атаев[3], О.С.Колбасов[5], Н.Б.Сторожев[9], С.Г.Струмилин[10], Ю.П.Балически[4], М.М.Шедова[4] каби олимларнинг тадқиқотларини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Сув истеъмолчиларининг ҳуқуқий муносабатларига муҳим аҳамият берган М.Атаев қуйидагиларни таъкидлайди: "Аҳоли, саноат ва қишлоқ хўжалиги табиатнинг гидрогеологик режими ва унинг табиий ҳолатига таъсир этиб ўз истеъмоли учун ҳар куни республиканинг ягона сув фондини ташкил этувчи сув объектларидан катта миқдорда сув оладилар. Масалан, сувдан фойдаланувчилар томонидан Амударё ва Сирдарёдан катта миқдорда сув олиш натижасида кейинги йилларда Орол денгизига келиб тушадиган сув ҳажми камайиши оқибатида унинг сатҳи кескин камайди. Бу эса Орол ҳудудлари табиий шароитига салбий таъсир кўрсатди [3].

Мазкур ҳудудда кейинги вақтларда сув истеъмолининг ортиб бориши билан бир қаторда табиий сув манбаларига келиб қўшиладиган оқава сувлар миқдори ҳам сезиларли даражада кўпайди. Ҳозирги кунда "қолдиқ тамойил" асосида сув тақсимоти Орол денгизи ва унинг атрофидаги Амударё, Сирдарё дельталарига кафолатланган дарё сувларини келишини таъминламайди.

Сув истеъмолчиларининг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида О.С. Колбасов қуйидагиларни қайд этган: хўжалик, турли тармоқлар ва аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб кўплаб сувдан фойдаланувчилар битта объектдан – денгиз, кўл, сув омбори, канал ва бошқа сув манбаларидан фойдаланишдан манфаатдор бўлишади. Кўп ҳолларда бир пайтнинг ўзида коммунал хўжалиги, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, балиқ хўжалиги, транспорт ва шу кабилар ўз эҳтиёжлари учун битта сув объектидан фойдаланишади. Бундай ҳолларда турли тоифадаги сувдан фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари адолатли ва аниқ ҳал этилмаса, улар ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келиш мумкин [5].

Бир томондан сув истеъмолининг ўсиши, иккинчи томондан сув сифатининг бузилиши, истеъмолчиларнинг сув манбаларига муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштирувчи сув фойдаланишнинг қонунчилик меъёрларини яратишни тақозо этади. Йирик сув манбаларига сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, жорий ва истиқболли сув тақсимлашни режалаштириш амалиётини тубдан ўзгартиради. Бундай ҳолатда йирик сув объектлари (бизнинг мисолимизда Орол денгизи) сувдан фой-

даланишда қишлоқ хўжалиги, саноат, коммунал хўжалиги, маиший сув таъминоти ва бошқа субъектлари билан тенг ҳуқуқли бўлиши лозим.

Йирик сув объектларига келиб қуйиладиган сув ҳажмини сув сифатини сақлаш тамойилига кўра оқиб келувчи ҳамда буғланиш ва фильтрация ўртасидадаги баланс асосида режалаштириш мумкин. Сув сифатини сақлаш сув объектларида балиқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Бундан ташқари сув тақсимлаш ишларида сув объектининг рекреатацион хусусияти, сув транспортида унинг ўрни ва аҳамияти ҳисобга олиниши даркор.

Айрим ҳолларда суғоришни кенг ривожлантиришнинг салбий оқибатларини суғоришда қабул қилинган технологиялар, мелиоратив тадбирларда қарорлар қабул қилишда хатоликлар билан эмас, балки олиб борилаётган хўжалик фаолияти тури билан боғлашади. Бундан суғоришни кенг ривожлантириш атроф муҳитни муҳофаза қилиш мувофиқ келмаслиги ҳақида нотўғри хулоса чиқармаслик лозим. Суғоришни тўғри амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиатга ижобий таъсир этишда муҳим роль ўйнайди.

Юқорида баён этилганлар асосида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Суғоришга ҳозирги ва келажак авлодлар манфаатлари учун аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ер-сув ресурсларидан асраб фойдаланишга, экологик мувозанатни сақлашга қаратилган комплекс тадбир сифатида қараш лозим.

2. Ҳозирги пайтда йирик сув объектларига сув тақсимотини режалаштириш "қолдиқ тамойил" асосида амалга оширилмоқда. Шунга кўра, Орол денгизига бошқа сув истеъмолчиларининг сувга бўлган эҳтиёжини қондирилгандан кейин сув келиб тушмоқда.

3. Суғориш кенг ривожланган ҳудудларда экологик муҳитнинг кескин ёмонлашуви сабабли, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва теварак-атрофни муҳофаза қилишнинг аҳамияти (долзарблиги) ошиб бормоқда. Мазкур муаммони ижобий ҳал қилишда техник, технологик ва ташкилий тадбирлардан ташқари, йирик сув объектларига сувдан фойдаланишда (белгиланган ҳажмда ва сифатда сув билан таъминлаш мақсадида) бошқа сув истеъмолчилари (қишлоқ хўжалиги, саноат, маиший ва ичимлик сув таъминоти) билан тенглаштирилган ҳуқуқ берадиган юридик меъёр (қонунчилик) ўрнатилиши муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни, - Т.: Ўзбекистон, 1993 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича *Ҳаракатлар стратегияси* тўғрисида"ги Фармони.

3. Атаев М. Водные правоотношения. - Ашхабад. - Илым. 1981. С. 91-92.

4. Балическо Ю.П., Шедов М.М. Рациональное использование и охрана водных ресурсов.- М.: Россельхозиздат, 1980. - 324 с.

5. Колбасов О.С. Теоретические основы права пользования водами. - М.: Наука,1972. -227с.

6. Мирзаев А.К. Повышение экономической эффективности водопользования в зоне хлопководства. Дисс. на соискание уч. степ.к.э.н. М.: ВНИИГи М, 1989. - 146.

7. Мирзаев А.К., Бобомуродов И.И., Шарифи Абдул-Фатах.Қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурларидан фойдаланиш кўрсаткичлари// "Иқтисодиёт ва таълим" 2019,- №3,- 182-185 б.

8. Мирзаев А.Қ., Шарифи Абдул-Фатах. Қишлоқ хўжалигида суғорма сувлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари // Агроиқтисодиёт, 2019, №2.-101-103 б.

9. Сторожев Н.В. Правовой режим мелиорированных земель. - Минск: "Наука и техника", 1986. - 136с.

10. Струмилин С.Г. К оценке даровых благ природы // Избранные произведения. Т.l. - М.: Соцгиз. 1963. - С.5-50.

11. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. Статистик тўплам. -Т.: Давлат Статистика қўмитаси. 2000-2019 й.

УЎТ: 338

Реал сектор корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш

Совершенствование организационно-экономического механизма поддержки деятельности предприятий реального сектора

Improving the organizational and economic mechanism to support the activities of real sector enterprises

Мунира СУЛТОНБОЕВА,
Тошкент шахридаги Турин политехника университети доценти, Dsc
Мохира ПУЛАТОВА,
Тошкент молия институти доценти PhD

Аннотация

Мақолада мамлакатимиз реал сектор корхоналари салоҳиятидан самарали фойдаланишда муаммоли вазиятларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимининг илмий-назарий асослари тадқиқ этилган. Мазкур муаммоли вазиятлар тизимли, таққослама, статистик таҳлил усуллари орқали баҳоланган. Шунингдек, таҳлил натижаларига мувофиқ реал сектор корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

В статье исследуются проблемные процессы в процессе эффективного использования потенциала предприятий реального сектора страны и научно-теоретические основы системы мероприятий, направленных на их устранение. Существующие проблемные процессы оценивались методами системного анализа, сравнительного анализа, статистического анализа. По результатам анализа даны научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию организационно-экономического механизма поддержки деятельности предприятий реального сектора.

The article examines the problematic processes in the process of effective use of the potential of real sector enterprises of the country and the scientific and theoretical basis of the system of measures aimed at their elimination. Existing problem processes were evaluated through the methods of systematic analysis, comparative analysis, statistical analysis. According to the results of the analysis, scientific proposals and practical recommendations for improving the organizational and economic mechanism to support the activities of real sector enterprises are given.

Кейинги йилларда мамлакатимиз саноат сиёсатида институционал ислоҳотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Саноат ишлаб чиқаришни модернизация ҳамда диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини тизимли қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалиётга жорий этилиши саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг етакчи омилига айланиб бормоқда. Бу борада ислоҳотларнинг амалий натижалари хусусида Президент Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек: "Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайти-

Калит сўзлар: реал сектор корхоналари, саноат сиёсати, саноат кооперацияси, саноатни ривожлантириш дастури, рақобатбардошлик, инновацион салоҳият.

риш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди"[2].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш [1] билан боғлиқ чора-тадбирлар таъсирида миллий товар ва хизматларнинг рақобатдошлигини таъминловчи ташқи омиллар миқёси ва таркибида салмоқли ўзгаришлар юз берди. Умумий натижа аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тартибда ошишига таъсир кўрсатди.

Хусусан, республика бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми 2016-2019 йилларда қарийб 3 баробарга ортган. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми ҳар йилда ўртача 38 фоизга қўшимча ўсиш суръатини қайд этган.

Таҳлил натижаларига кўра, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг юқори ҳажми, Навоий вилояти, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Андижон вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Иккинчи гуруҳни Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Бухоро ҳамда Қашқадарё вилоятлари ташкил этади.

Фарғона, Самарқанд, Наманган, Жиззах каби вилоятлар аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича республикада қуйи кўрсаткичларни қайд этмоқда. Бунга асосий сабаб, ушбу ҳудудларда яшовчи аҳолининг кўплиги билан бирга, истеъмол товарлари таркибида тайёр саноат маҳсулотларининг етакчи аҳамият касб этмаслигидан далолат беради. Мазкур жараён ўз навбатида, ҳудудлар ўртасида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми бўча кескин тафовутнинг ортишига сабаб бўлмоқда *(1-жадвал)*.

1-жадвал.

2016-2019 йилларда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўзгариши (минг сўмда)[5].

	2016	2017	2018	2019
Ўзбекистон Республикаси	3512,6	4594,7	7141,0	9604,9
Қорақалпоғистон Республикаси	2364,2	3701,4	5879,3	6759,9
вилоятлар:				
Андижон	2712,6	4442,4	9033,2	10694,0
Бухоро	3044,6	3458,6	4569,0	7750,3
Жиззах	1553,1	1941,2	2675,6	3354,4
Қашқадарё	3150,7	3509,9	4568,0	6270,9
Навоий	11395,1	13755,1	23629,7	44963,4
Наманган	1322,6	1724,8	2416,0	3169,9
Самарқанд	2058,1	2507,4	3587,7	4112,3
Сурхондарё	903	947,0	1272,4	1627,7
Сирдарё	4420,5	4702,3	6274,3	8702,0
Тошкент	5998	7624,6	13099,2	18315,4
Фарғона	2274,6	2708,0	3728,0	5019,6
Хоразм	1590,8	2272,9	3547,3	4612,7
Тошкент ш.	9761,2	12460,5	17397,3	20760,0

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришни инновацион лойиҳалар асосида ривожлантириш, мамлакатнинг балки, ҳар бир ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг туб манфаатларини кўзда тутади. Бу борада янги техника ва технология кўламидан самарали фойдаланиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятини ривожлантириш орқали ички рағбатлантиришнинг ўзига хос йўналишларини шакллантиришга асос яратади.

Саноат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг муҳим хусусияти, маҳаллийлаштириш замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, янги иш ўринларини яратиш каби масалаларни ҳал этади. Диверсификациялаш эса корхона ва тармоқларнинг фаолият соҳаларини ўзгартириш ҳамда кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни кўпайтириш ва уларнинг хилма-хиллигини таъминлайди [3].

Мамлакатимизда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигининг ташқи омилларига; макро-иқтисодий муҳит, ривожланишнинг инновацион йўлини танлаш, миллий институтлар ҳамда инфратузилмаларнинг ҳолати,

инсон капиталининг сифати, миллий иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ жиҳатдан баланслашганлик даражасига боғлиқлигини ифода этади.

2016–2019 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий фаолият тури бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари саноатни трансформациялаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга йўналтирилган модернизация ва диверсификация жараёнларини такомиллаштириш, саноат тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда мазкур йўналишнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири эканлигини кўрсатади. Натижалар, ишлаб чиқарилган, қайта ишланган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорлардаги улуши салмоғи сезиларли бўлсада, уни янада ошириш имконияти мавжудлигини намоён этмоқда. Бу эса ички бозорни тўйинтириш ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратишнинг долзарб эканлигини кўрсатади.

Барқарор ривожланишга эришиш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш илғор иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни талаб этади. Бунга эришиш учун эса барча товар ишлаб чиқарувчилар учун ички бозорда тенг рақобат имкониятларини, яъни қулай макроиқтисодий муҳит яратиш, миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичида давлат миллий манфаатлардан келиб чиқадиган ва жаҳондаги вазиятни ҳисобга оладиган узоқ муддатли рақобат сиёсатини ишлаб чиқиши лозим.

2016-2019 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий фаолият тури бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларида асосан, инвестицион ва талаб ҳажми юқори бўлган саноат маҳсулотлари ҳисобига ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин *(2-жадвал)*.

Таҳлиллар, мамлакатимизда ичимликлар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кимё ва фармацевтика соҳаларида саноат ишлаб чиқаришнинг юқори фоиз кўрсаткичларига эга эканлигини қайд этади. Саноатнинг ушбу соҳаларида ишлаб чиқаришнинг йиллик суръатлари 4 фоиздан юқори эканлигини кўриш мумкин.

Фикримизча, бу каби қатор муаммоли ҳолатлар, мамлакатимиз реал сектор корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий

2-жадвал.

2016-2019 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий фаолият тури бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари (фоизда) [5].

	2016	2017	2018	2019
Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд. сўм	106,2	108,0	116,6	105,0
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	101,0	115,8	132,4	99,4
Ишлаб чиқарадиган саноат	106,4	108,3	115,6	106,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	112,3	95,6	94,9	110,9
Ичимликлар ишлаб чиқариш	105,2	100,3	114,6	112,7
Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	97,5	97,8	110,7	105,4
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	108,8	102,1	113,3	105,3
Кийим ишлаб чиқариш	110,9	114,9	104,9	108,7
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	117,3	123,0	102,1	78,0
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	140,0	104,4	169,8	85,3
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	148,5	116,3	110,4	111,6
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	119,8	107,7	94,2	98,1
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	97,1	97,5	104,1	91,8
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	138,3	101,7	99,1	102,3
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	140,3	111,7	103,6	108,5
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	125,2	118,4	138,1	92,3

механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

– иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ва энергия сиғимини 2 баробар пасайтириш ҳисобига реал сектор корхоналари экспортида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сарф-харажатлар қисмини пасайтириш;

– саноат корхоналарини модернизация қилишнинг биринчи навбатдаги объекти инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир таркиблар, давлат стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмаси ривожланиши учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элементларини тизимлаштириш;

– инновацион маҳсулот турлари ва юқори технологияларни ишлаб чиқишни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

– саноат ишлаб чиқаришда; биотехнология, информатика ва нанотехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ҳамда сув тежайдиган технологияни жорий этиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

3. Исаков М., Рўзиева Д. Ўзбекистон саноатидаги таркибий ўзгаришлар. Монография. - Т.: ТДИУ, 2019 й.

4. Турсунов Б.О. Экспорт рақобатбардошлиги: назария ва амалиёт. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2020 йил.

УЎТ: 332.6

Уй-жой коммунал хўжалиги бошқарув муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари
Проблемы управления домохозяйством и их решения
Housing and communal services: problems and solutions

Абдувоси НАЗИРОВ,
доцент, и.ф.н.
Зарина АШУРОВА,
Равшан ХАЛИЛОВ,
илмий тадқиқотчилар.
Тошкент архитектура-қурилиш институти

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда уй-жой ва коммунал хизматларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида фикр юритилган, ушбу соҳада юзага келадиган асосий муаммолар аниқланган. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг қатор истиқболли йўналишлари таклиф этилган бўлиб, бу мазкур муаммоларни, хусусан, оқилона давлат сиёсати асосида бартараф этишга ёрдам беради.

В статье рассматривается современное состояние жилищно-коммунального хозяйства Узбекистана и его основные проблемы. Повышение конкурентоспособности сектора жилищно-коммунальных услуг выявило ряд многообещающих областей, особенно в контексте подхода к разработке политики рациональных государств

The article reviews current state of housing and communal services of Uzbekistan and its basic problems. A number of perspective directions of increasing efficient development of the sector will allow to overcome the problems, in particular, when working out a concept of a rational state policy.

Уй-жой коммунал хўжалиги жамият ижтимоий-иқтисодий тузилишининг энг муҳим соҳаси ҳисобланади. Мулкчилик барча шаклларининг ушбу соҳада тенг ҳуқуқлилик асосида фаолият юритиш сифати уй-жой ва коммунал хизматлар эгалари ўртасида иқтисодий муносабатлар сифати ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамойилларини амалга ошириш учун тармоқ муҳитини яратиш имконини тақдим этади.

Ўзбекистонда уй-жой ва коммунал хизматларни ўз ичига олган мураккаб инфратузилма элементларининг ёмонлашуви 60-70 фоизни ташкил этади ва йилига 2-3 фоизга кўпайиш давом этмоқда. Уй-жой коммунал хўжалиги асосий фондларининг 30 фоизга яқини норматив муддатларга тўлиқ хизмат кўрсатган. Уй-жой коммунал хўжалигининг замонавий ривожланиши кенг кўламдан интенсив, юқори сифатли ривожланишга бир неча босқичларни босиб ўтди. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш йўналишида ривожланиш амалга оширилаётган ҳозирги давр 2017-2021 йилларга мўлжалланган уй-жой коммунал хўжалиги ислоҳоти концепциясини қабул қилишдан бошланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 4 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати 32,4 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатмоқда. Уй-жойларни, аввало, ипотека кредити асосида қуриш ва реконструкция қилиш кўлами кенгаймоқда. Бу

Калит сўзлар: уй-жой ва коммунал хизматлар, бозор, тариф, хизматлар, хусусий инвестиция, моддий-техника таъминоти, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, инфратузулма, реконструкция, ипотека кредити.

ўтган давр мобайнида аҳоли сони муттасил ўсиб боришига қарамасдан аҳолини уй-жой билан таъминлаш даражасини киши бошига 1991 йилдаги 12,4 кв. метр ўрнига ўртача 15,2 кв. метрга етказиш имконини берди[1]. Бугунги кунда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида рақобат устунлигини қўлга киритиш учун хизмат кўрсатиш технологиясини такомиллаштириш, уларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда.

Уй-жой коммунал хўжалиги фуқаролар учун ҳаётни қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим вазифасини бажаради. Мамлакат иқтисодиётида ушбу соҳанинг аҳамияти ниҳоятда юқоридир. Фақат самарали ва жадал ривожланаётган саноат мамлакат аҳолиси учун энг муҳим вазифани муваффақиятли ҳал қилиши мумкин. Бундай шароитда уй-жой соҳасидаги ижтимоий лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги уй-жой коммунал инфратузилмасининг қолоқлиги билан чекланади. Замонавий шароитларда бундай уй-жой ва коммунал хизматлар ислоҳоти долзарб бўлиб, у ҳақиқатан ҳам одамлар манфаатига қаратилган. Вазият истеъмолчилар уй-жой ва коммунал хизматлар ҳамда таъмирлаш талаб тармоқларда, энергия ишлаб чиқариш харажатларини тўлаш учун, шартли белгиланган истеъмол стандартларига мувофиқ коммунал хизматлар учун тўловлар эскирган тизим билан сақланиб қолмоқда. Иқтисодиётнинг фойдага йўналтирилган тармоқларига мос келадиган бозор тамойиллари ва қоидалари уй-жой-коммунал хўжалиги каби ижтимоий аҳамиятга эга соҳада мақбул эмас, бу эса юқоридаги ҳолатни шаклланишига олиб келди. Саноатнинг самарадорлиги учун асосий мақсад ва тегишли мезон бевосита саноатнинг асосий мақсади билан боғлиқ бўлиши лозим, хавфсиз яшаш учун зарур шарт-шароитларни узлуксиз таъминлаш бошқа сўзлар билан айтганда, бу жуда муҳим ижтимоий муаммони ҳал қилиш заруратини талаб этади.

Уй-жой секторининг ўзига хослиги шундаки, бу соҳада рақобат муносабатларининг ривожланмаганлиги аксарият ҳолларда бозоргача бўлган даврда ривожланган субъектив сабаблар, уй-жой фондини сақлаш ва маъмурий бошқарув тизимининг қиммат иқтисодий тузилиши билан боғлиқ. Ўзбекистон уй-жой ва коммунал хизматлар молиявий механизми тизимида замонавий шароитларда, ҳар бир элемент жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий-меъёрий қўллаб-қувватлаш энг муҳим ва муаммоли элементлардир, чунки, улар турли молия ҳамда саноат-коммунал ташкилотлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Намоён бўлиш ва тариф сиёсатининг турли шаклларида ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масаласи туради.

Уй-жой ва коммунал хўжалиги корхоналари учун талаб қилингандан кўра бюджетдан анча кам миқдорда молиявий қўллаб-қувватланганлиги натижасида уларга қарздорлик юзага келиши ҳолати кузатилмоқда. Натижада, корхонада хизматлар ва ишлар тўлиқ бажарилмайди, барча молиялаштириш иш ҳақини тўлаш ҳамда аппаратни сақлаб қолиш учун маблағ етмайди. Бундай муносабатларнинг натижаси уй-жой-коммунал мажмуасининг моддий-техник базасини кенгайтира олмасликка олиб келади. Ҳозирги шароитда бу соҳани бошқаришга концептуал ёндашувларни ўзгартириш лозим, жумладан: биргаликдаги мулкни бошқаришда мулкдорлар ташаббусини ривожлантириш; бошқарув жараёнида ташкилотларни бошқаришни такомиллаштириш ва ҳоказолар туради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тажриба тариқасида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида ташкил этилган Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш компаниялари ҳозирча нормал ҳолда ишлаётгани ва бозор иқтисодиётининг талабларига асосан шартнома билан ишлаётганлиги мулкдорлар томонидан этироф этилмоқда. Бунинг асосий сабаби, компанияга хориждан ва ички хусусий инвестиция киритилиши, натижада компанияларда моддий-техника таминоти тўлиқ, ишчи кучи ва тажрибали мутахассислар етарли, диспетчер ҳамда навбатчилар 24 соат ишлаши таминланган. Шундай корхоналардан бири Юнусобод туманида 15-16-кварталлардаги 102 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатаётган "Мадали сервис" корхонасидир. Корхонанинг очиқ ошкора ишлаши мулкдорларни рози қилмоқда. Чунки, давлат корхоналарга ҳар томонлама ёрдам кўрсатаётганлиги мулк эгаларига манзур бўлмоқда.

Бу ишларни амалий тасдиқлаш масаласида, Тошкент архитектура қурилиш институтининг "Қурилишда менежмент" кафедраси, "Мадали сервис" кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш корхонаси билан шартнома асосида кафедра филиали очил-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

ган бўлиб, унда 3-4 босқич талабалари ҳафтада 2 кун мобайнида 6 соатдан амалий дарслар ўтилиши, бу дарсларни ўша корхонада хизмат фаолиятини юритаётган тажрибали мутахассислар билан ҳамкорликда ўтилаётганлиги катта самара бермоқда. Бунинг учун корхонада барча шароитлар яратилган. Демак, уй-жой ва коммунал хизматлар бозори ва бозор нархлари, янги вазифаларга мувофиқ уй-жой ва коммунал хизматлар меъёрий базасидаги ўзгаришларга сабаб бўлади. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини узоқ муддатда ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уй-жой коммунал хўжалиги фаолият юритиши учун оптимал шароит яратиш ҳамда инновацион ғояларни уларни амалга ошириш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шунинг учун, айниқса, уй-жой ва коммунал хизматларга хусусий инвестицияларни жалб қилиш, шу жумладан, механизмларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Моддий техника воситалари коммунал компанияларга ўз бизнесини ривожлантиришда максимал самарадорликка эришиш имконини берадиган кенг қамровли маҳсулот бўлиб, улар хусусий инвесторлар учун жозибали бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки: тарифларни тартибга солиш, концессия шартномаси бўйича томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг мумкин бўлган шаклларини кенгайтириш, қурилиш (реконструкция), давлат инфратузилмаси объектларини таъмирлаш ва сақлаш бўйича узоқ муддатли шартномалар тузиш, шунингдек, хусусий инвестицияларни жалб қилиш муаммосининг инновацион тизим ечимлари сифатида уй-жой ва коммунал хизматлар бозорини ривожлантириш воситалари мажмуи – консепция, инвестиция дастури ва тариф (инвестицияланган капитал усулини қайтариш ёрдамида ҳисобланган тариф) ечимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

3. Ёдгоров В.У. "Коммунал хўжалиги иқтисодиёти" 1-қисм. Ўқув қўлланма. –Т.: ТАҚИ, 2007 й.

4. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. "Коммунал хўжалиги иқтисодиёти" 2- қисм. Ўқув қўлланма. –Т.: ТАҚИ, 2007 й.

5. Графов А.А. Направления улучшения жилищно-коммунального хозяйства на основе новостей // «Экономика и управление». - 2010. - № 2.

6. Болдырева И.А. Реформирование финансового механизма ЖКХ в меняющейся экономике России. - Ростов-на-Дону: Изд-во СКНЦ ВШ, 2006. - 120 с.

7. О финансовых результатах организаций. Агентство консультаций и деловой информации - : http: // www. akdi.ru / akdi.htm.

8. Лисица В.Н. Правовые проблемы жилищно-коммунальной реформы в России // «Жилищное право». - 2002. - № 3. - с. 26-36.

УЎТ: 334

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари
Перспективы развития малого бизнеса и частного предпринимательства
Prospects for small business and private entrepreneurship development

Рустам ИСРАИЛОВ,
и.ф.н., доцент
Абдулхамид ХОЛМИРЗАЕВ,
катта ўқитувчи.
Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация

Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муҳим аҳамиятли бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янада юксалтиришда кичик бизнеснинг имкониятларидан фойдаланиш объектив зарурат ҳисобланади. Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни амалда ривожлантириш омиллари бўйича тавсиялар берилган.


Субъекты малого бизнеса и частного предпринимательства играют важную роль в развитии нашей национальной экономики, и использование возможностей малого бизнеса для дальнейшего ускорения социально-экономического развития страны является объективной необходимостью. В статье даны рекомендации по факторам развития малого бизнеса и частного предпринимательства на практике.

Small business and private entrepreneurship play an important role in the development of our national economy, and it is an objective necessity to use the opportunities of small business to further enhance the socio-economic development of the country. The article provides recommendations on the factors of practical development of small business and private entrepreneurship

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида бизнес юритиш тартиб-таомилларини сезиларли даражада соддалаштириш, инфратузилмани яхшилаш ва молиявий манбааларни кенгайтириш орқали тадбиркорликнинг изчил ўсиши таъминланмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламларини, шу жумладан, ёшлар, кам таъминланган, ҳимояга муҳтож фуқаролар ва кичик корхоналарнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда ҳамда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида"ги 2019 йил 13 августдаги фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги "Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 2019 йил 13 августдаги қарорига мувофиқ "Ўзбекистон Респуб-

Калит сўзлар: компания, ихчам ишлаб чиқариш. кичик бизнес, тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолияти, бизнес, кичик бизнес, корхона, хусусий мулк, имтиёзли кредитлар.



1-чизма. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сони[1].



2-чизма. Кичик корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар сони[2].

даги низомларни тасдиқлаш ҳақида 2020 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ВМК-28-рақамли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистонда 2019 йилда жами 353900 та кичик корхоналар (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) рўйхатга олинган бўлса, шундан 334800 таси фаол ҳолатда хўжалик фаолиятини амалга оширган. Кичик корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича ўрганадиган бўлсак қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 28800, саноатда 70000, қурилишда 36000, савдода 100600, ташиш ва сақлаш хизматларида 15200, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 25500, ахборот ва алоқа хизматларида 7600, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда 6400, бошқа турдаги иқтисодий фаолиятларда эса 44700 та кичик корхоналар фаолият юритишган. Буни биз қуйидаги 2-чизма орқали келтириб ўтамиз.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, ишчи кучи бандлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш билан миллий иқтисодиётимизни ривожланишига хизмат қилди.

ликаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғриси-

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. 2020 йил 16 январь.

3. Роберт Шер. Сильный средний бизнес: как справиться с семью основными препятствиями роста. // MightyMidsizedCompanies. How Leaders Overcome 7 Silent Growth Killers. - М.:Альпина Паблишер, 2016 г. - 248 с.

4. М.Р. Болтабоев, М.С. Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, Б.К. Ғойибназаров, А.Н. Самадов, Ш. Отажанов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Тошкент-2012 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқаруви сифат даражасини баҳолаш
Оценка уровня качества корпоративного управления в акционерных предприятиях
Assessment of the corporate management quality level at joint-stock companies

Гўзал ХАНКЕЛДИЕВА,
Фарғона политехника институти и.ф.д.

Аннотация

Мақолада корпоратив бошқарув тизимини ҳалқаро стандарт ва тамойиллар асосида такомиллаштириш, иқтисодиётда балансланштирилган корпоратив бошқарув механизмларини яратиш, корпоратив бошқарув жараёнларини моделлаштириш, сифат даражасини баҳолаш, корпоратив бошқарув самарадорлиги ва механизмини шаклантиришга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш каби муаммолар ечимига қаратилган.

Данная статья посвящена совершенствованию корпоративного управления на основе международных стандартов и принципов, созданию сбалансированных механизмов корпоративного управления в экономике, моделированию процессов корпоративного управления, оценке уровня качества, выявлению взаимосвязи между факторами, влияющими на эффективность формирования механизма корпоративного управления.

This article is devoted to the issues of improving corporate governance based on international standards and principles, creating balanced mechanisms of corporate governance in the economy, modeling corporate governance processes, assessing the quality level, and identifying the relationship between factors affecting the effectiveness of forming up corporate governance mechanism.

Жаҳон иқтисодиётида корпоратив бошқарув мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири бўлиб, ҳозирда ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистонда сўнгги йилларда корпоратив бошқарув тизимидаги ёндашувларни тубдан ўзгартириш, бошқарувнинг адолатлилик, жавобгарлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик каби халқаро эътироф этилган тамойилларига амал қилиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, мамлакат рақобатбардошлигини ошириш жараёнларини жадаллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш”[1], “корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини халқаро тажрибани инобатга олиб жорий этиш”[2] бўйича устувор

Калит сўзлар: корпоратив бошқарув, бошқарув сифати, акциядорлар, инвесторлар, акциядорлик жамияти, корпорация, корпоратив принциплари.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // www.lex.uz.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. // www.lex.uz.

вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Миллий корпоратив бошқарув тизимини шаклланиши ва ривожланишининг муайян ижобий жараёнларига қарамасдан, мазкур тадқиқот доирасида корпоратив бошқарув соҳасида айрим муаммолар ва ҳанузгача ҳал этилмаган масалалар мавжудлиги аниқланди. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– корхоналарни бошқаришда эскирган маъмурий-режали ёндашувлар сақланиб қолиниши оқибатида акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув шартларини бажаришга ҳанузгача расмиятчилик билан қаралмоқда;

– акциядорлик жамиятларида кузатув кенгашларининг фаоллиги (айниқса, давлат иштирокдаги АЖларда), уларнинг корхонани стратегик ривожлантиришдаги роли деярли сезилмайди, кузатув кенгашлари аъзолари етарли билим ва малакага эга эмас;

– устав капитали ва ҳажмига нисбатан ортиқча ва самарасиз талабларнинг мавжудлиги (масалан, устав капитали энг кам миқдори 400 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлмаслиги, хорижий инвесторлар улуши устав фондининг камида 15 фоизни ташкил этиши кераклиги) АЖлар ривожланишига тўсқинлик қилган, уларнинг мулкчилик шаклини ўзгартиришга сабаб бўлган;

– акциядорлик жамиятларида миноритар акциядорларнинг қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлашнинг таъсирчан механизми йўқлиги туфайли, у миноритарларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини тўла рўёбга чиқара олмаяпти;

– республика фонд бозори ва корпоратив бошқарув ўртасидаги узвий боғлиқлик йўқ, фонд биржасининг самарали корпоратив бошқарувни ривожлантириш, корпоратив бошқарув стандартларини тарғиб қилишдаги роли сезиларсиз;

– акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлиги пастлиги туфайли, уларнинг акция пакетларини, шу жумладан, давлат улушларини сотишда хорижий инвесторларни жалб қилишнинг қийинлигини айтиб ўтиш мумкин.


Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамизда амалга оширилган ҳуқуқий, тартибга солувчи ва институционал тадбирлар натижасида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос тизими шаклланди. Корпоратив бошқарувни ривожлантиришга оид қабул қилинган ҳукумат қарорлари асосида республика АЖлардаги вазият шундай тенденцияга олиб келдики, иқтисодиётдаги АЖлар сонини камайиб бориши билан уларнинг устав фонди ҳажми тескари пропорционалликда ортиб бормоқда. Бундан ташқари, АЖларнинг фонд бозори ривожланишига таъсири, оқибатда, фонд бозори ҳажмининг мамлакат иқтисодиёти кўламига нисбати жуда паст. Хусусан, 2017 йил якунларига кўра, листингдаги АЖлар бозор капитализациясининг ЯИМга нисбати коэффициенти 5,94 фоизни ташкил этди. Халқаро амалиёт ўлчовларига мувофиқ, бундай кўрсаткич билан Ўзбекистон фонд бозори сезиларли даражада қадрсизланган, деб баҳоланади.

Биз томонимиздан йирик АЖда корпоратив бошқарувнинг сифат даражасини комплекс баҳолаш алгоритми таклиф этилди.

Бу алгоритм баҳолашнинг сифат ва миқдор усулларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Бунда эса корпорациянинг ривожланганлигини қай даражада эканлиги ва уни корпорация қийматига қандай таъсир этишини ифодалайди ва корпоратив бошқарувнинг самарадорлик даражасини таққослаш ҳамда таҳлил қилиш учун сифат усуллари орасидан корпоратив бошқарув даражасига Кузатув кенгашининг тузилмаси, аъзолари сони, йиғилишлар мунтазамлиги, менежер ва мулкдорлар манфаатлари яқинлашиши даражаси инобатга олинади. Миқдор усулларда эса АЖнинг молия-хўжалик фаолияти, сотувлар ўсиш суръати ва рентабеллиги, инвестицион самарадорлик омилларини баҳолаш юқори ўрин тутади. Бунда АЖда корпоратив бошқарув сифат даражаси баҳоси уни молиялаштириш коэффициентига тўғри пропорционал бўлиб, унинг корпоратив бошқарувини миқдорий баҳолаш қийматларидан келиб чиқади.

Корпоратив бошқарувнинг сифат даражасини комплекс баҳолаш алгоритми АЖда бошқарув самарадорлигини яхшилаш учун бошқарув жараёнини молиялаштиришга боғлиқ бўлиб, бунда молиялаштириш коэффициенти қуйидаги $1 \geq \pm \Delta F \geq 0$ шартни қаноатлантириши керак ва шундагина уни корпоратив бошқариш муносабатлари ўз сифат даражасига эга бўлган деб қараш мумкин.

АЖда корпоратив бошқарув механизмини институционал асосини мустаҳкамлаш, республикада амалга



1-чизма. АЖда корпоратив бошқарувнинг сифат даражасини комплекс баҳолаш алгоритми.

ошириладиган жадал иқтисодий ислоҳотлар шароитида ва тармоқ ривожланиш дастурларини йўналишига ўзаро боғлиқ бўлиб, амалдаги ва шаклланган бошқарув тизимини ривожланиш изчиллигига таянади.

Таклиф этилган корпоратив бошқарувнинг сифат даражасини комплекс баҳолаш алгоритми корпорация томонидан самарали ва рақобатбардош хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун етарли шароитларни яратишга, бошқарувнинг дастак ва усуллари ёрдамида корпорацияни иқтисодий самарадорликка етаклайдиган корпоратив бошқарувни амалга оширишга, шунингдек, корпоратив бошқарув жараёнидаги заиф бўғинларни аниқлаб, уларни бартараф этишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ханкелдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқариш муаммолари // Иқтисодиёт ва таълим. 2007 й., №2. Б.44-47.

2. Ханкелдиева Г.Ш. Жаҳон молиявий -иқтисодий инқирози шароитида корпорациялар бошқаруви самарадорлигини ошириш масалалари //Иқтисодиёт ва таълим 2009 й. №3. Б.64-67.

3. Хамидуллин М.Б. Концепция построения национальной модели корпоративного управления // "Рынок, деньги и кредит". - Ташкент, 2007. - №5(120). - С.28-36.

4. Хашимов А.А. Корпоратив бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари. //Жамият ва бошқарув. – 2005 й. - №1. – б. 80.

УЎТ: 330.1

Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион усуллар ва ёндашувлар
Инновационные методы и подходы в предподавании экономических дисциплин
Innovative methods and approaches in teaching economics

Ирода НИЁЗОВА,
Гулнора БОБОЕВА
Бухоро давлат университети
Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчилари.

Аннотация

Мақолада иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган ҳамда мавзунинг назарий ва услубий жиҳатлари кенг тарзда очиб берилган. Шунингдек, мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда олинган натижалар кенг ёритилган бўлиб, иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланиш орқали талабаларда назарий билимлар бериш, уларда амалий кўникмаларни шакллантириш ва инновацион усул элементларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш йўллари тавсия этилган.

В статье подчеркивается важность использования инновационных методов в преподавании экономических наук, а также теоретических и методологических аспектов предмета. В статье также описываются проведенные исследования по данной теме и полученные результаты. В статье предложены способы предоставления студентам теоретических знаний за счет использования инновационных методов в преподавании экономики, формирования практических навыков и эффективного использования элементов инновационных методов в процессе обучения.

The article emphasizes the importance of using innovative methods in teaching economic sciences, as well as the theoretical and methodological aspects of the subject. The article also describes the research carried out on this topic and the results obtained. The article proposes ways of providing students with theoretical knowledge through the use of innovative methods in teaching economics, the formation of practical skills and the effective use of elements of innovative methods in the learning process.

Мамлакатимизда изчил амалга оширалаётган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий ғояси баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутади. Баркамол шахснинг муҳим сифатлари бўлган мустақил ва ижодий фикрлаш, ишлаш қобилиятларини тарбиялаш, таълим муассасаларининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Миллий моделнинг марказида шахс сифатлари турар экан, таълим методларини шу асосда танлаш ва қўллаш ишларини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, таълим муассасаларида ўқитиладиган иқтисодий фанлар ўқувчиларнинг дунёқараши шаклланишида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, кейинги йилларда соҳада ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш масалалари алоҳида таъкидлаб ўтилган [1]. Замонавий шароитларда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб этилмоқда. ОТМларда таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш муаммоларига қаратилган бир неча диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатдан янгилаш ҳамда замонавий

Калит сўзлар: танқидий фикр, даъват, англаш, мулоҳаза, кластерларга бўлиш, синквейн, тоифалаш жадвали, Б/БХ/Б жадвали, инсерт жадвали.

ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш асосий ва бош мақсад бўлиб қолмоқда [2]. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар ва фаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ этиш, талабаларни кўпроқ танқидий фикрлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Танқидий фикр – бу қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён этиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишга асосланган-дир. Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида танқидий ривожлантирувчи стратегиялардан фойдаланишнинг асосий вазифаси – ўқувчиларда фанга оид билимлар тизимини ва ақлий фаолият усулларини самарали ўзлаштиришларига ёрдам бериш, уларда олган билимларини касбий фаолиятларида пайдо бўладиган янги вазиятларда ижодий қўллай олиш, иқтисодий фанга оид масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ҳамда сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишдан иборатдир [9].

Демак, пировард мақсад талабаларга танқидий ривожлантирувчи стратегия ҳақида назарий билимлар бериш, уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун, улар билан якка ҳолда шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мустақил ишлаши, мустақил билим олишлари учун кенг йўл очиб беришда танқидий ривожлантирувчи стратегия элементларини қўллаш шу куннинг заруратига айланиши даркор.

Танқидий фикрлаш масалаларини тадқиқ этиш билан кўплаб замонавий олимлар, педагоглар, психологлар ва методистлар шуғулланади. Хусусан, В.В. Давидовнинг ишларида муаммоли таълим тамойилларида умумлаштириш турлари ва уларнинг тузилиши орқали ўқув жараёнини ташкил этиш очиб берилади [3].

И.Й.Лернер эса танқидий фикрлашининг тузилишлари, ақлий фаолиятнинг умумлашган усулларини шакллантириш йўлларини белгиловчи алоҳида компонентларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этган [4].

М.И. Маҳмутов ўзининг олиб борган илмий тадқиқот ишларида танқидий фикрларнинг аҳамияти жамоа ҳамкорлиги асосида, ахборотларни қабул қилиш, уларга ўз муносабатини билдириш, хатолик ва номувофиқларини излаш, ўз мулоҳазаларида хатоликка йўл қўймасликка интилиш, ўз тушунмовчиликларини англаш, фарқлаш, аниқ хулосалар чиқаришга йўллашдан иборат эканлигини қайд этган [6].

А.М. Умронхўжаев тадқиқотларида мактабнинг бош мақсади сифатида бола шахси оёққа туришини таъминлаш, унинг қобилиятларини очиб бериш, ўқишга истак ва ўқувни шакллантириш, талабаларнинг танқидий фикрлашининг барча компонентларини эгаллашга йўналтириш асосида тизимли таълимга тайёрлаш ва шахсни ҳар томонлама фаоллаштириш масалалари ёритилган [10].

Ўқитиш жараёнида танқидий ривожлантирувчи стратегиялардан фойдаланишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлашини ўрганишда замонавий дидактика ўқиш жараёнида ўқувчилар психик танқидий фикрлаши билан шуғулланувчи таълим психологияси ютуқларидан фойдаланади. Ўқув материали ёш ва мазмунга боғлиқ ҳолда бу фаолиятнинг ўзига хослиги таълим жараёни психологик қонуниятларини ўрнатади ҳамда ўқувчиларнинг танқидий фикрлашида индивидуал ва типик хусусиятларини кўриб чиқади. Танқидий фикрлашнинг асосини қуйидаги уч фаза ташкил этади: даъват, англаш, мулоҳаза (ДАМ) [8]. Даъват фазасининг аҳамияти шундан иборатки, унда янги билимлар, ўзи мустақил танлаган мақсад учун интилиш ўқувчида анчагина кучли бўлади. Англаш – ифодалаш фикрлашнинг иккинчи фазаси ҳисобланади. Унда янги ахборот даъват фазасида фаоллаштирилган ахборот билан боғланади. Янги ўқув материалининг тушунилишига эришиш бу фазанинг энг муҳим вазифасидир. Бу фазада ўз тушунчаларини "орқасидан кузатиб" бориш муҳимдир. ЎЁТФнинг учинчи фазаси мулоҳаза қилиш деб аталади. Бу фазада билимлар мустаҳкамланади ва ўрганилаётган масала бўйича олдинги фазаларга нисбатан бошқача (тўлароқ) тасаввур шаклланади ҳамда у "ўқиганлик"нинг ортишига олиб келади. Талаба ўз ўқув мақсадига эришгандагина бундай ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.

Кластерларга бўлиш. Бу педагогик стратегия бўлиб, талабаларни у ёки бу мавзу бўйича эркин ва бемалол ўйлашга ёрдам беради. У фикрлашнинг оддий шакли бўлмай, балки мия фаолияти билан зич боғланади [9].

Синквейн. Ахборотларни қисқача тарзда баён этиш, мураккаб ғояларни, сезгиларни, тасаввурларни бир неча сўзлар воситасида ифодалаш имконияти муҳим малакадир. Синквейн французча сўз бўлиб, беш деган маънони англатади. Демак, синквейн беш қатордан иборат шеърдир [9].

Инсерт жадвали. Мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради [9].

Тоифалаш жадвали. Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён этувчи (умумий) аломат. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради [11].

Б/БХ/Б жадвали. Биламан/ билишни ҳоҳлайман/ билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради ҳамда таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. "Мавзу бўйича нималарни биласиз" ва "Нимани билишни хоҳлайсиз" деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади) [11].

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, барча ўқитувчилар талабаларга билим беришнинг энг самарали йўли, дарс ўтишда турли методларни қўллаш зарур деган фикр тарафдори. Та-

лабаларнинг танқидий фикрлашини педагогик бошқариш муаммосининг аҳамиятини аниқлаш учун Бухоро давлат университетида мутахассислик йўналишидаги фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар орасида анкета сўровнома ўтказилди.

Амалиёт сўровномаси натижалари амалиётда ўқитувчиларнинг ўзлаштириш жараёнини фаоллаштириш йўлларини яхши билишларини кўрсатди. Бу ўқитувчиларнинг ушбу муаммони ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаларни яхши тушунишлари билан боғлиқдир. Ўқитувчилар 1-саволга берган жавобларнинг таҳлил кўпгина ўқитувчилар таълим муаассасасида замонавий етук мутахасисларни тайёрлашда махсус фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг танқидий фикрлаш, мустақил изланувчилик кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг аҳамиятини юқори баҳолаганликларини кўрсатди.

Кўпчилик ўқитувчилар (41,9 фоиз) биринчи ўринга савия, танқидий фикрлаш, нутқ, хотира, ижодий ва мажмуали кўникмалар, ўқувчиларнинг истак-хоҳиш ва танқидий фикрлашини ривожлантиришда ўзлаштириш жараённи фаоллаштириш аҳамиятини илгари сурдилар.

Бизнинг тажриба-синов ўтказишимизнинг асосий мақсади ОТМ талабаларининг танқидий фикрлашининг бугунги кундаги ҳолати ва интерфаол методлар ёрдамида талабаларни танқидий фикрлашга ўргатиш бўлиб ҳисобланади. Тажриба-синовидан олинган натижалар математик-статистик усул билан ишлаб чиқилди. Берилган натижаларга математик-статистик усул билан ишлов бериш ҳам таълим бериш жараёнида талабаларда танқидий фикрлаш бўйича билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш ўзининг самарадорлигини тасдиқлади ва тадқиқотда ифодаланган фаразининг тўғрилигини исботлади.

1-жадвал.

Назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасида танқидий фикрлаш бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражалари

Гуруҳлар	Сони	Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси, фоизда		
		Қуйи	Ўрта	Юқори
Назорат	47	14	18	15
Тажриба	47	8	21	18

Олинган натижалардан назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасида танқидий фикрлаш бўйича билим, кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланганлик даражаларини тажриба гуруҳида юқори эканлигини кўриш мумкин. Бундан, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги ойдинлашади.

Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг танқидий фикрини шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

– иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабалар танқидий фикрини шакллантириш учун назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлашлари учун ўқитувчилар педагогик технологиялардан кўпроқ ва самарали фойдаланиш;

– иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабалар танқидий фикрини шакллантириш учун мустақил изланувчанлик кўникма ва малакаларини шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш;

– ўқитувчилар таълим бериш жараёнида замонавий таълим методларидан самарали фойдаланиш;

– ОТМ талабалари танқидий фикрлашини шакллантиришда таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш;

– ўқитувчилар таълим бериш жараёнида талабалар танқидий фикрини шакллантириш учун самарали бўлган ўқув лойиҳаларни ишлаб чиқиши лозим ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.

3. Давидов В.В. Деятельностная теория мышления. – М.: 1995 г.

4. Лернер И.Й. Развитие мышления учащихся в процессе обучения истории. Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1982 г. -191с.

5. Матюшкин А.М. Мышление. Обучение. Творчество. М.: 2001 г.

6. Махмутов М.И. Теория и практика проблемного обучения. – Казань, 1972 г. -365 с.

7. Мурадова Н.К., Мажидов Р.Р., Хайитматов У.Т., Махмудова Б.А. Касбий таълим услубиёти: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2006 й.

8. Мурадова Н.К., Мажидов Р.Р., Хайитматов У.Т., Махмудова Б.А. Касбий таълим услубиёти: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2006 й.

9. Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н.Х., Мадьярова С.А., Эшчонов Э.У. «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» Дарслик. Т.: 2012 й, 116-б.

10. Умронхўжаев Д. Черчение. Учб.для 8 кл.сред. – Т.: 2006 й.

11. Файзуллаева Д.М. "Инновацион таълим технологиялари" модулидан амалий машғулот ишланмалари. Т.: 2015 й.

УЎТ: 658.15(575.1)

Корпоратив венчур молиялаштиришга доир хорижий давлатлар амалиётининг таҳлили

Анализ зарубежной практики венчурного финансирования корпоративных структур

Analysis of foreign countries practices of corporate venture financing

Омонулло ҲАМДАМОВ,
доцент, PhD
Шахноза МАДЖИДОВА,
Зухриддин САНЖАРОВ,
магистрантлар.
Тошкент молия институти

Аннотация

Мазкур мақолада корпоратив венчур молиялаштириш амалиётини ривожлантириш орқали акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш имкониятлари тадқиқ этилган. Бундан ташқари корпоратив венчур молиялаштириш бўйича кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган давлатларнинг амалиёти таҳлил қилинган. Мамлакатимизда корпоратив венчур молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

В статье исследуются возможности решения проблем, связанных с финансированием деятельности акционерных обществ, за счет развития практики корпоративного венчурного финансирования. Кроме того, был проанализирован многолетний опыт зарубежных стран в области корпоративного венчурного финансирования. Были разработаны рекомендации по совершенствованию механизма корпоративного венчурного финансирования в нашей стране.

This article investigates the possibilities of solving the problems associated with financing the activities of joint-stock companies through the development of corporate venture financing practices. In addition, the practices of countries with many years of practical experience in corporate venture financing are analyzed. In our country, recommendations have been developed to improve the mechanism of corporate venture financing.

Халқаро капитал бозорининг такомиллашуви алоҳида мамлакатлар молия бозори ва унинг асосий сегментларини мос равишда ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Хорижий давлатлар амалиётида корпоратив сектор давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги асосий манбалардан бири бўлиб аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда алоҳида ўринга эга. Жумладан, АҚШда жами компанияларнинг 5 фоизи корпоратив секторга тўғри келса, мамлакатдаги маҳсулот сотиш ҳажмини 80 фоизи, ЯИМнинг таркибида 88 фоизини, жами банд бўлган аҳолининг 53 фоизи айнан ушбу сектор ҳиссасига тўғри келади. Канадада эса, мамлакат ЯИМ таркибида корпоратив секторнинг улуши 81,0 фоизини ташкил этадиган бўлса, аҳолининг 63,6 фоизи

Калит сўзлар: венчур инвестиция, корпоратив молиялаштириш, фонд бозори, рақамли иқтисодиёт, молиявий технология, инновация, старт-ап.

айнан ушбу секторда иш билан банд ҳисобланади. Россия Федерециясида мамлакат ЯИМни шакллантиришда корпоратив секторнинг улуши 76 фоизини ташкил этадиган бўлса, аҳолини иш билан таъминлашдаги улуши 54,8 фоиздан иборат [1].

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг корпоратив секторига миллий ва халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш, акциядорлик компанияларнинг молиявий барқарорлик ҳолатини сақлаб қолиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, молиялаштиришнинг янги молиявий инструментларини амалиётга жорий қилиш кабилар айниқса жаҳон пандемия шароитида долзарб масалалардан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида капитал бозоридан иқтисодиётнинг корпоратив секторига молиявий ресурсларни жалб қилишнинг замонавий инструментларини жорий қилиш, молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнида эконометрик моделлаштиришнинг замонавий усулларини қўллашга доир илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим саналади.

Халқаро амалиётда капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурслар жалб қилишда, асосан компанияларнинг янги инновацион ғоялари, кам энергия сарфланувчи ва замонавий технологияларни ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этиш ва стартапларни молиялаштириш каби соҳаларга кўпроқ эътибор қаратиб келинмоқда. Бу каби молиялаштириш амалиёти корпоратив венчур молиялаштириш, деб аталади. Венчур капитали асосида компаниялар фаолиятини молиялаштириш механизми дастлаб 1950 йилларда АҚШда вужудга келган ҳамда 19801990 йилларда ривожланиш фазасига кирган. Венчур сўзи инглиз тилидаги "venture" сўзидан олинган бўлиб, "юқори рискли янги корхона, фаолият тури" деган маънони билдиради [2]. Бунда ўрта ёки юқори хавфли активларга инвестиция киритиш назарда тутилади.

Венчур молиялаштириш дейилганда, бу янги маҳсулот ёки хизматни бозорга чиқариш ва юқори даромадга эга бўлиш мақсадида инновацион технологияга эга бўлган янги яратилаётган корхонага юқори риск асосида инвестиция киритишдир. Бунда иқтисодий фаолиятнинг турли-туман кўринишларини амалга оширишда вужудга келувчи рисклар назарда тутилади. Венчур фондни янги ишланмаларга маблағ киритишга тайёр ягона инвестор, деб ҳам айтиш мумкин.

Халқаро амалиёт таҳлили натижаларига кўра, 2019 йилда компаниялар томонидан молиялаштириш бўйича тузилган битимларнинг умумий сонида корпоратив венчурли молиялаштиришнинг улуши 28 фоизни ташкил этган ҳамда ушбу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 6 фоизга ошганлигини таъкидлаш мумкин. Халқаро экспертларнинг прогнозларига кўра корпоратив венчурли молиялаштиришнинг улуши 2025 йилга келиб 35 фоизга ўсиши баҳоланган. Жаҳон амалиётининг таҳлил натижалари кўрсатадики, 2019 йилда корпоратив венчур инвестицияларни амалга оширишда ёки инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда 941 та венчур фондлар, жумладан, 259 та янгидан ташкил этилган фондлар иштирок этган. Бу эса, ушбу кўрсаткични 2018 йилга нисбатан 38 фоизга ўсганлигини англатади (1-чизма).




1-чизма. 2014-2019 йилларда дунё бўйича иқтисодиётнинг корпоратив секторида венчурли молиялаштириш ҳажми ва шартномалар сони [3].

Айтиб ўтиш лозимки, айрим иқтисодий манбалар ёки илмий мақолаларда йиллар кесимида дунё мамлакатлари бўйича венчурли молиялаштириш амалиёти ҳажми биз томондан келтирилган 1-чиз-

ма маълумотлари билан фарқ қилиши мумкин. Биз таҳлил қилаётган маълумотлар тадқиқ этилаётган мақоланинг мавзуимиздан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётнинг корпоратив секторига капитал бозоридан венчур инвестиция кўринишида жалб қилинган молиявий ресурслар ҳажми акс эттирилган.

Дунё амалиётини таҳлил қилар эканмиз, 2018 йилда сўнгги 18 йил ичида кузатилган энг юқори венчурли молиялаштириш амалиёти амалга оширилганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин. 2018 йилда дунё бўйича 14247 та битим бўйича жами 207 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган бўлса, бу 2017 йилга нисбатан 21 фоизга кўп демакдир. Бир йилнинг ўзида АҚШда корпоратив сектор компаниялари фаолиятини молиялаштиришнинг умумий ҳажми 30 фоизга ошди ва 5536 та битим бўйича 99,5 млрд. долларни ташкил этди. Йил давомида тахминан 382 та фонднинг молиялаштириш ҳажми (шундан 184 таси АҚШда) 100 миллион доллардан ортиқ маблағни ташкил этган бўлса, 2017 йилда уларнинг сони 266 тани ташкил қилган эди. АҚШда 53 та ташкил этилган янги венчур компаниялар 2018 йилда капитал бозоридан 1 млрд. доллардан ортиқ молиявий ресурсларни жалб қилган бўлса, 2017 йилда уларнинг сони 29 тани ташкил қилган. Биргина 2018 йилнинг 4-кварталида 21 та шу каби компания рўйхатдан ўтган бўлиб, бу венчурли молиялаштириш амалиётидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

АҚШда капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишни соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, инвестициялар асосан корпоратив секторнинг сунъий интеллект, рақамли соғлиқни сақлаш ва молиявий технологияга ихтисослашган компаниялари томонидан жалб қилинган. Шундан сунъий интеллект билан боғлиқ маблағлар 72 фоизга ўсиб, 9,3 млрд. долларни ташкил этган. Биргина Сан-Франциско штатида венчурли молиялаштириш 55 фоизга ўсиб 28 млрд. долларга етган бўлса, ушбу кўрсаткич Нью-Йоркда 13 млрд. долларни ташкил этган. 2014-2019 йиллар мобайнида АҚШ алоҳида штатларида компаниялар бўйича корпоратив венчурли молиялаштиришнинг энг кўп улуши, яъни 80 фоизи Силикон водийсига (Silicon valley) тўғри келмоқда (2-чизма).




2-чизма. АҚШ нинг турли ҳудудларида корпоратив венчурли молиялаштириш билан боғлиқ битимлар сони динамикаси, (дона) [4].

АҚШда 2019 йил мобайнида жами корпоратив венчурли молиялаштириш таркибида рақамли соҳаларнинг улуши (молиявий технологиялар, сунъий онг (интеллект), рақамли соғлиқни сақлаш, кибер хавфсизлик) 51 фоизни ёки 29,1 млрд. АҚШ долларни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 14 фоиз ошганлигини таъкидлаш мумкин.

2019 йилда Осиё минтақа давлатлари орасида Ҳиндистоннинг Udaan компанияси 585 млн. доллари миқдорида B2B e-commerce платформасини молиялаштирганлиги билан юқори ўринларни эгаллаган. Ушбу инвестицион лойиҳа Citigroup банки томонидан ташкил этилган Citi Ventures компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган. 2019 йилга келиб Осиё минтақасида венчурли молиялаштириш ҳажмини ошиши кузатилган бўлсада, бироқ Хитой Халқ Республикасида шартномалар сони 19 фоиз ва молиялаштиш ҳажми эса 41 фоизга камайганлигини кўриш мумкин (3-чизма). Экспертлар томонидан бунга асосий сабаблардан бири сифатида, мамлакатдаги йирик корпоратив фонд Baidu Ventures компаниясини мамлакатдаги фаолиятини кескин қисқартирганлиги билан изоҳланмоқда.

Мазкур компания 2016 йилда Baidu компанияси томонидан Alibaba ва Tencent компаниялари билан рақобатлашиш мақсадида ташкил этилган эди. Дастлаб компания ташкил этилаётганда молиялаштиришнинг умумий ҳажми 3 млрд. доллар-

га тенг бўлган. Хитойнинг корпоратив венчурли молиялаштириш амалиётини таҳлил қилишда давом этар эканмиз, Хитой биринчи маротаба 2018 йилнинг 2 чорагида молиявий технологияларни ривожлантиришга ихтисослашган Ant Financial Services Group компанияси томонидан 14 млрд. доллар маблағ жалб қилиш натижасида Шимолий Американи венчур капитал ҳажми бўйича ортда қолдирди. Crunchbase молиявий экспертлар порталининг маълумотларига кўра, 2018 йилнинг апрель, май ва июнь ойларида Хитой дунёдаги венчур капиталнинг 47 фоизни жалб қилган бўлса ушбу давр мобайнида АҚШ ва Канада эса 35 фоиз молиявий ресурсларни жалб қилган.



3-чизма. Минтақалар бўйича капитал бозори орқали корпоратив секторни венчурли молиялаштиришга оид битимлар сони (фоизда) [5].

Хитойга инвесторлар томонидан "қизиқиши"нинг ўсиши Ant Financial Services Group компаниясига рекорд даражадаги инвестициялар билан боғлиқ бўлиши табиий. Маблағларни жалб қилишда янги инвесторлар, жумладан, Сингапурнинг GIC va Temasek Holdings венчур фондлари, Американинг Warburg Pincus va Silver Lake компаниялари шунингдек, Канада пенсия жамғармасининг инвестицион кенгаши ва Хитойлик акциядорлар ҳисобланади. 2018 йилнинг 4-чорагида Ant Financialдан ташқари Хитой компанияларининг "стартап"ларига киритилган инвестициялар ҳажми йил бошига нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлиб, дунё бўйича жами корпоратив венчур капиталининг 36 фоизни ташкил қилди. Crunchbase молиявий экспертлар порталининг ҳисоботига кўра, 2018 йилнинг якунларига кўра биргина Ant Financial Services компаниясининг бозор баҳоси (қиймати) 150 млрд. АҚШ доллардан ошган. Хитой "стартап"ларни молиялаштириш ва уларнинг сони бўйича юқори суръатлар билан ривожланган давлатлар қаторида бормоқда. Бунга асосий сабаблардан бири, Ҳукумат мамлакатни рақобатбардошлигини ошириш мақсадида инновацион ривожланиш стратегияларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бундан ташқари Хитой ҳукуматининг ривожланиш стратегиялари бўйича муҳим йўналишлари сифатида Интернет, Big Data ва сунъий интеллект кабилар алоҳида келтириб ўтилган.

Юқоридаги фикримизнинг давоми сифатида таъкидлаб ўтмоқчимизки, 2020 йилда нафақат Хитойда балки бутун дунёда пандемия шароитида инвестициялаш ҳажми камайиб кетаётганлиги билан бирга иқтисодий пасайиш деярли барча мамлакатларда 10 фоизгача ва ундан ортиқ фоизларни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Корпоратив венчурли молиялаштириш амалиётини Европа мамлакатлари бўйича таҳлил қилар эканмиз, Европада корпоратив сектор томонидан капитал бозоридан венчурли молиялаштириш усули бўйича молиявий ресурсларни жалб қилишда Буюк Британия ва Германия етакчилик қилиб келмоқда. Европа мамлакатлари орасида корпоратив венчурли молиялаштириш улуши асосан Швеция ва Швейцария давлатларида барқарор ҳолатда сақланиб қолмоқда (4-чизма).

Таъкидлаш лозимки, Ғарбий Европа мамлакатлари орасида Франция ҳам корпоратив венчурли молиялаштириш бўйича иқтисодиётда кенг кўламли ислоҳотлар олиб бориши натижасида сўнгги беш йил ичида 15 фоиздан 20 фоизгача ўсишга эришган. Strategy тадқиқотлар марказининг маълумотларига кўра, Шарқий Европа мамлакатларида орасида йирик иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Россия Федерациясида корпоратив венчур молиялаштириш соҳасида фаоллик унчалик сезилаётган йўқ. Бироқ Европа мамлакатлари билан эмас Осиё минтақасининг бошқа давлатлари билан солиштирганда Рос-



4-чизма. Европа мамлакатлари бўйича корпоратив венчурли молиялаштириш билан боғлиқ битимлар тузилиши [6].

сияда ҳам корпоратив секторни молиялаштиришда венчурли инвестициялар соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш мумкин.

2019 йилнинг ярим йиллик ҳисоботлари бўйича, Россияда венчур капитал бозори ўсиш тенденциясига эга бўлган, аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг ушбу даврига нисбатан 160 фоизга ўсиб, 348 млн. долларни ташкил этган. Молиялаштириш бўйича тузилган шартномалар сони 87 тадан 129 тага ошганлини ўзи венчур капитал бозорида ижобий "силжиш"га эришилганидан далолат беради. Соҳалар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, венчур капитал бозорида йирик улушни IT-тармоқларида юқори технологик лойиҳалар таклиф қилаётган компаниялар эгалламоқда. Россияда 2019 йилнинг 6 ойи мобайнида иқтисодиётнинг ушбу тармоғида 219 млн. долларлик 73 та битимлар имзоланган бўлса, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 78 млн. доллар ҳажмида бўлиб шартномаларнинг сони 53 тани ташкил қилган. Айниқса, инвесторларни асосий жалб қилган соҳа электрон савдодаги "стартап"лар бўлиб, улар бўйича киритилган венчурли инвестициялар жами капиталдаги улуши 32 фоизни ташкил этган ҳолда 137 млн. АҚШ долларни ташкил қилган.

Россияда иқтисодиётнинг корпоратив секторида венчурли молиялаштириш манбаларини жалб қилиш бўйича иккинчи ўринда, бизнес учун юқори технологик хизматлар (14,6 млн. доллар, жами капиталдаги улуши 7 фоиз), учинчи ўринда эса бошқа хизматлар ўрин олган (11,5 млн. доллар, жами капиталдаги улуши 5 фоиз). Бироқ таъкидлаш лозимки, Россияда Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан биотехнологиялар секторидаги инвесторларни жалб қилиш ҳажми нисбатан кам улушга эга бўлиб, ушбу секторнинг жами тузилган шартномалардаги улуши 5 фоизни, капитал ҳажми эса 8,8 млн. долларни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, ушбу маблағларнинг ярмидан кўпи – 4,7 млн. АҚШ доллари – айрим турдаги касалликларни даволаш учун дори-дармонларни етказиб бериш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган PM&HM стартапига киритилган сармоялар ҳисобига амалга оширилди. Битим эса, РВК давлат корпорацияси иштирокида амалга оширилган.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, Россия венчур капитал бозорида корпоратив иштирокчилар сонининг кўпайиши сабабли мамлакатнинг венчур капитал бозори соҳа йўналишлари ўзгаришда давом этмоқда, улар асосан инновацион лойиҳалар портфелларини ишлаб чиқмоқдалар ва яратмоқдалар. Шундай қилиб, 2018 йилда улар 90 млн. долларлик битимлар тузишган бўлса, бу эса 2017 йилдагига нисбатан уч баробар кўпдир. Корпорациялар тобора кўпроқ ўзларининг асосий бозори билан боғлиқ бўлмаган янги ("ёш") лойиҳаларга сармоя киритмоқдалар. Буларга мисол қилиб, Сбербанк, Яндех, МТС ва Mail.ru каби компанияларни келтириш мумкин [7]. Ўйлаймизки, мамлакатимизда ҳам корпоратив сектор акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналар томонидан капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳамда янги инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда венчур фондлар фаолиятини ташкил этишда хорижий илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш ушбу соҳани такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро амалиётни таҳлил қилиш асосида мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишда венчурли молиялаштиришга доир қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

– акциядорлик жамиятлари устав капиталида

давлат улушининг юқори эканлиги корпоратив венчур молиялаштириш капиталини рағбатлантиришга тўсиқ бўлувчи асосий омиллардан бири бўлиб, бунинг асосий сабаблари сифатида венчур молиялаштириш амалиёти рискини давлат корхоналари ўз зиммасига олишга тайёр эмас;

– корпоратив сектордаги айрим компаниялар-нинг монопол мавқеи, рақобатни чеклаш, шу жумладан, давлат миқёсида чеклаш ёки давлат томонидан турли инструментлар орқали қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги соҳада рақобатнинг пастлиги, шунингдек, инновацияларни, хусусан, рақамли технологияларни жорий этиш учун имкониятларни чеклайди;

– мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида инновациялар билан ишлаш бўйича ички механизмни йўлга қўйилмаганлиги инновациялар билан ишлаш бўйича фаолиятни етарлича рағбатлантирмайди ҳамда компаниялар ўзларининг батафсил моливий ҳисоботлари ва режалари ҳақида етарлича маълумотлар берилмаслиги корпоратив венчур фондлар орқали молиялаштириш амалиётини чегаралашга сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жаҳон банкининг йиллик ҳисобот маълумотлари таҳлили. (http://datatopics.worldbank.org).

2. Столярова Е. Корпоративные венчурные фонды в мировой экономике как способ стимулирования “цифровых инноваций”//Банкаўскі веснік, ЧЭРВЕНЬ 2020, 27.03.2020 г. 25-34 ст.

3. Молиявий таҳлил ва иқтисодий янгикликларга доир глобал платформа ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди (https://iclg.com/practice-areas/fintech-laws-and-regulations).

4. 2019 йил халқаро корпоратив венчур молиялаштиришга доир ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди - (The 2019 Global CVC-corporate venture capital Report).

5. Венчур инвестицияларнинг халқаро бозори (http://www.dialog-e.ru/market-news/648/) - ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

6. 2019 йил халқаро корпоратив венчур молиялаштиришга доир ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди - (The 2019 Global CVC-corporate venture capital Report).

7. 2019 йил халқаро корпоратив венчур молиялаштиришга доир ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди - (The 2019 Global CVC-corporate venture capital Report).

УЎТ: 339.138:338 (47+57)

Чакана савдо тизимида яширин иқтисодиётга қарши курашишда маркетингдан фойдаланиш
Использование маркетинга в борьбе против скрытой экономики в розничной торговой системе
The use of marketing in fighting against the shadow economy in the retail system

Сардор ТУРСУНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Шайхонтохур туман бўлими инспектори.

Аннотация

Мақолада чакана савдо тизимида яширин иқтисодиётга қарши курашишда маркетингдан фойдаланиш масалалари ёритилган. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, сифатини ошириш ҳамда улар нархининг барқарорлигини таъминлашда маркетингнинг ўрни асосланган.

В статье освещено использование маркетинга в борьбе с теневой экономикой в системе розничной торговли. В данной статье показана роль маркетинга в обеспечении безопасности пищевых продуктов, повышении качества пищевых продуктов и обеспечении их ценовой стабильности.

In the scientific article the use of marketing in fighting against the shadow economy in the retail system is highlighted. In this article the role of marketing in ensuring food safety, improving food quality and ensuring food price stability are shown as well.

Сўнгги вақтларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ва экспорт салоҳиятини оширишга бўлган ёндашув тубдан ўзгарди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда истеъмол товарларини узлуксиз етказиб бериш, ички бозорда истеъмолчиларга товарлар етказиб беришда, чакана савдода яширин иқтисодиётга қарши курашда маркетинг элементларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, хусусан, маркетингнинг энг асосий элементларидан бири бўлган нарх-наволар сунъий кўтарилишининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар белгиланган [1].

БМТ маълумотларига кўра, ҳар куни сайёрамизнинг 840 миллиондан ортиқ аҳолиси тўйиб овқатланмаяпти [6]. Бунинг оқибатда эса 160 миллиондан ортиқ болада бўй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланиш билан боғлиқ камчиликлар кузатилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжлари ўсишидан ортда қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётни барқарорлаштириш жараёнида чакана савдо тизимида аҳолининг халқ истеъмол товарлари билан узлуксиз талабини қондиришга, унда озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: чакана савдо, озиқ-овқат хавфсизлиги, сифат, маркетинг, нарх, яширин иқтисодиёт, маркетинг тамойили, маркетинг элементи.

Жаҳонда озиқ-овқат тақчиллиги хавфи ортиб бораётган ана шундай мураккаб шароитларда мамлакатимизда бугунги кунда нафақат ички талабни қондириш, ички бозорни товарлар билан тўлдириш, балки ташқи бозорга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш имконини берадиган муҳим ва зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътиборлидир. Бунда маркетинг тизими концепциясидан самарали фойдаланиш зарур бўлиб ҳисобланади.

2020 йилда бошланган пандемия аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва эҳтиёжини тўлароқ таъминлаш, нарх-наво кескин ўсишининг олдини олиш мақсадида бир қатор муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жорий йилнинг 16 октябрь куни Давлатимиз Раҳбари Ш.Мирзиёев раислигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видео селектр йиғилишида ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж ўсиб борса-ю, зарур чоралар кўрилмаса, хусусан, ишлаб чиқариш ривожлантирилмаса, импорт маҳсулотлар кўпаяди, бу эса маркетинг элементи бўлган нарх-навонинг ўсишига олиб келади. Бундан албатта, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам даромадли аҳоли қатлами азият чекади. Маълум бўлишича, охирги пайтларда, яъни 2020 йил октябрь ойида гўшт, тухум, ўсимлик ёғи ва шакар маҳсулотларининг нархи кескин ошган. Дунё бозорида ўтган 9 ойда ўсимлик ёғи 15 фоиз, Ўзбекистонда эса 26 фоизга ортган. Шакар нархи 5 фоиз камайишига қарамай, мамлакатда 23 фоизга қимматлаган. Юртбошимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, "Бугундан барча чораларни кўриб, амалдаги тизмини ўзгартирмасак, эртага қиш ва баҳор ойларида қийин бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-навони арзон қилсак, одамларни, айниқса, кам таъминланганларни рози қила оламиз" [5], дея таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда пандемия шароитида асосий муаммо ҳам шундадир, мазкур муаммони, яъни, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган бирламчи талабини қондириш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш масаласи долзарб вазифалардан биридир. Бирламчи эҳтиёж товарлари нархини сунъий равишда ошириш, камбағаллар сонининг ортиши билан жиддий ижтимоий оқибатларни юзага келтириши мумкин. Бунинг учун бир қанча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу ўринда яширин иқтисодиётга қарши кураш ишларини жадаллаштириш, аҳолига зарурий бирламчи маҳсулотларни узлуксиз, нарх барқарорлигини таъминлаган ҳолда сотувини ташкил этиш, бунда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш зарур бўлиб қолмоқда. Ҳозирда юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ қондириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, даромадни кўпайтириш учун катта захира ва имкониятлар мавжуд. Пандемия шароитида аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида бир қатор маҳсулотларнинг қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши кутилмоқда.

Хусусан, 2021 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикасига шакар ва шакар хом-ашёсини олиб кириш, шунингдек, уни реализация қилиш айланмалари, 2021 йил 1 июлгача картошка, ўсимлик ёғи, гўшт (қўй гўшти, мол гўшти, товуқ гўшти ва бошқалар), ҳайвонларни (қорамол ва парранда) тирик ҳолда ва уларни сўйишдаги олинган маҳсулотларни олиб кириш, шунингдек, уларни реализация қилиш айланмаларини ҚҚСдан озид қилиш назарда тутилмоқда. Бу, албатта, ўсимлик ёғи, гўшт ва бошқа истеъмол маҳсулотлари нархининг пасайишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир муҳим масала, озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр сектор тармоғида тайёрланмоқда. Шунинг учун ҳам аграр секторни, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди.

Мазкур қарорда кўрсатилишича, Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ва мақсадли ташқи бозорлар стандартлари билан мувофиқлигини таъминлаш орқали қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш зарур.

Аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, халқаро стандартлар асосида маҳсулотларни сертификатлаш тизимини кенг жорий этиш ва кооперация муносабатларини ривожлантириш мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

– янги мақсадли экспорт бозорларида музокаралар олиб бориш ва савдо келишувларини амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

– маҳаллий ва мақсадли халқаро бозорларда қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги ва ташиш харажатларини камайтириш;

– маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини мақсадли экспорт бозорларига чиқариш учун "Made in Uzbekistan" брендидан фойдаланишни кенгайтириш имкониятларини баҳолаш;

– миллий сифат тизимини такомиллаштириш бўйича режа ишлаб чиқиш;

– экспорт бозорлари тўғрисида маълумотлар тақдим этиш, экспортга тайёргарлик, савдо режими ва савдони молиялаштириш бўйича маслаҳат хизматларини ривожлантириш;

– мақсадли бозорлар тўғрисида маълумотлар тўплаш жараёнида, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини илгари суришда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг ролини ошириш;

– агрологистика марказлари негизида ягона савдо тизимини (аукцион ва биржа савдолари асосида) жорий этиш;

– савдо инфратузилмаси ва агрологистика марказлари, озиқ-овқат хавфсизлиги лабораториялари, санитария ва фитосанитария тизими, зарур ускуналар ҳамда инвентарлар учун инвестициялар жалб қилишни янада рағбатлантириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ўртасида кооперацияни рағбатлантириш ҳамда уларни ички ва ташқи бозорларда замонавий ишлаб чиқариш-сотиш занжирига интеграция қилиш чораларини ишлаб чиқиш [2] каби вазифалар белгилаб берилган.

Юқорида кўрсатилган вазифалардан кўриниб турибдики, бугунги кунда мамалакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини илгари суришда, мақсадли бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари маркетингини ривожлантириш ҳамда ташиш харажатларини камайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, товарларни ички ва ташқи бозорларда сотишнинг самарали механизмларини жорий этиш зарур. Булар, ўз навбатида, ўсиб бораётган аҳолини бирламчи товарларга бўлган эҳтиёжини қондиришда, нарх-навонинг барқарорлигини таъминлашда, аҳолига истеъмол товарларни узлуксиз етказиб беришда сотиш тармоқларини фаолиятини ташкил этишда маркетинг тизимидан самарали фойдаланишни талаб этади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалар қаторига киради. Бу хавф асосланган назорат тизими ва у истеъмолчига етиб боргунга қадар хом-ашёдан бошлаб, озиқ-овқат "занжири"нинг ҳар бир босқичида эҳтиёткорликни талаб этади. Дунё аҳолисининг кўпайиши билан уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам ортиб боради. Бошқа томондан, ишлаб чиқарувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган юқори талабни қондириш учун қишлоқ хўжалиги соҳаларида кимёвий воситалар ишлатиладиган анъанавий ишлаб чиқаришни бошлади. Нотўғри дори-дармонларни қўллаш, кимёвий ўғитлардан ортиқча фойдаланиш экологик мувозанатни бузди. Бу бузилиш натижасида атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсирлар юзага келди [5]. Бироқ ривожланган мамлакатларда истеъмолчиларнинг хабардорлиги ошиши билан барқарор қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчалари муҳокама қилина бошланди. Жаҳон миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги, ишлаб чиқариш ва савдо муаммосини ҳал қилган мамлакатларда инсон саломатлиги ҳамда атроф-муҳитга зарар етказмайдиган хавфсиз, сифатли озиқ-овқат сиёсати қарор топмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам айнан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, истеъмол товарларига бўлган аҳоли эҳтиёжини қондиришга, истеъмол товарларини чакана сотувига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ҳатто, ривожланган давлатларда аҳолининг муҳтож қатламини озиқ-овқат билан таъминлашда кўплаб муаммолар мавжуд. Айрим турдаги муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги, экспорт ва

импортда чекловлар кузатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлиги борасида нафақат Марказий Осиёда, балки халқаро миқёсда ҳам муносиб ўринга эга. Бугунги кунда Ўзбекистондан 70 дан зиёд мамлакатларга мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Масалан, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, қиймати қарийб 61 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 31,3 минг тонна гилос 18 та чет эл бозорларига чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 14,6 минг тонна кўпдир ёки шу даврда қиймати 886,4 минг АҚШ доллари миқдорида 2068,3 тонна тарвуз экспорт қилишга эришилди.

Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Шу боис, Президентимиз 2020 йил 12 октябрь куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган йиғилишда [3] маҳаллий товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратар экан, Чуст пичоғи, Самарақанд нони, Марғилон адраси, Шеробод анори, Хоразм қовуни, Сурхондарё хурмоси каби Олтиариқ ва Паркент узумини ҳам машҳур брендлар қаторида ҳудудий мансублиги бўйича рўйхатдан ўтказиб, халқаро бозорда фаол тарғиб қилиш вазифасини қўйди. Биргина Фарғона вилояти Олтиариқ туманида 2016 йилда 6 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 2020 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 10 баробар, яъни, экспорт ҳажми 60 млн. доллардан ортди. Унинг анчагина қисмини Ўзбекистон брендига айланаётган узум ташкил этади.

Ички ва ташқи бозорларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, уларнинг сифатини оширишда, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжи ва талабини қондиришда истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг концепциясидан самарали фойдаланиш талаб этилади, чунки, бугун истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакаларини инобатга олмас эканмиз, рақобатда ютқизиб қўйиш мумкинлигига амин бўламиз. Шу ўринда хорижлик иқтисодчи олим, Игор Манннинг фикрини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, унинг фикрича, "Маркетингнинг асосий вазифаси истеъмолчиларни, мижозларни топиш, ўзлаштириш ва ушлаб қолишдир" [4]. Мазкур таърифдан асосий эътиборни истеъмолчиларга, харидорларга, мижозларга қаратиш зарурлиги келиб чиқади ва буни бугун давр талаб этмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда пандемия шароитида чакана савдо тизимида яширин иқтисодиётга қарши кураш орқали аҳолини озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш, нарх-наво барқорлигини таъминлашда маркетинг тизими ҳамда концепциясидан, унинг таъсир этиш восита ва элементларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

3. Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди. // Халқ сўзи, 2020 йил 13 октябрь, 214-сон.

4. Игорь Манн. Арифметика маркетинга. – М.: Игорь Манн, 2013. 134 с.

5. Озиқ- овқат хавфсизлиги нима? // Халқ сўзи, 2020 йил 16 октябрь.

6. Ўринбоев А. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва нарх-наво асоссиз ўсишини олдини олиш қатъий эътиборда бўлади. // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 23 октябрь, 203-сон.

УЎТ:332

Замонавий шароитларда фермер хўжаликларини ривожлантириш масалалари
Вопросы развития фермерских хозяйств в современных условиях
Issues of development of farms in modern conditions

Мавлуда ТАИРОВА,
и.ф.н., доцент
Ботир ОБИДОВ,
магистрант.
Бухоро давлат университети

Аннотация

Мақолада миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида фермер хўжаликларнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, замонавий шароитларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари ўрганилган.

В статье освещается роль и значение фермерских хозяйств в устойчивом развитии народного хозяйства. Также были изучены вопросы организации и развития многоотраслевых фермерских хозяйств в современных условиях.

The article highlights the role and importance of farms in the sustainable development of the national economy. Also, the issues of organization and development of diversified farms in modern conditions were studied.

Бугунги замонавий шароитларда дунё хўжалигининг иқтисодий ривожланишида ўзига хос ўринга эга бўлган жараён янги иқтисодий тушунчаларнинг кириб келиши, иқтисодиётда янги юқори технологик информацион маҳсулотлар ишлаб чиқарищ, илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъсирида иқтисодиёт тармоқлари шаклланмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ислоҳотларнинг дастлабки босқичида фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда уларни етакчи кучга айлантириш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда зарур шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва кафолатларни яратиб берувчи Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонун ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фермер хўжалиги фаолиятининг самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва узоқ ҳудудларда тадбиркорликни риовожлантиришга

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, агросаноат, фермер хўжалик, кўп тармоқли фермер хўжалиги, ишлаб чиқариш, инфратузилма.

алоҳида эътибор қаратилгани баробарида айни вақтда фаолият кўрсатиб келаётган фермер хўжаликлари босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда **Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида** фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда бошқа долзарб вазифалар белгиланган [1].


Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш каби муҳим вазифалар белгиланган [2].

Кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги муҳим шартлардан бири бу – ҳар қандай фермер хўжалиги ўз даромадини ошириш мақсадида ўз хоҳишига кўра ихтиёрий равишда қўшимча тармоқларни ташкил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумкинлигидир.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлган фаолияти билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат ишлаб чиқариши, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият билан шуғулланувчи фермер хўжалигидир.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги – фермер хўжалиги ташкил этилиши пайтида ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасида белгиланган асосий ихтисослашув йўналишидан бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришни (моддий ва номоддий ишлаб чиқариш) ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган фермер хўжаликлари ҳисобланади [3].

Фермер хўжаликлари фаолиятида қўшимча тармоқларни ташкил этиш ва кўп тармоқли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг асосий йўналишлари қуйидаги 1-чизмада кўрсатилган.



1-чизма. Фермер хўжаликлари фаолиятида қўшимча тармоқларни ташкил этиш ва кўп тармоқли ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйишнинг асосий йўналишлари[1].

Илмий жиҳатдан фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни йўналишларини таснифлаш муҳим назарий аҳамиятга эгадир. Чунки, биринчидан, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизимида таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳаларини таркибларга ажратиш асосида кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўшимча фаолиятнинг алоҳида бўғинлари ва уларни иқтисодиётдаги ўрнини белгилаш имконияти яратилади, иккинчидан, иқтисодиётнинг тармоқлараро алоқаларини белгилайди ва шу асосда асосий ишлаб чиқариш йўналиши ва унга турдош бўлган соҳаларни ривожлантиришнинг самарали йўналиши аниқланади [4].

Бугунги кунда мамлакатимиз минтақаларининг табиий иқлим шароити, узоқ вақтдан буён шаклланган айрим тарихий анъаналар ва

[1] Илмий адабиётлардаги маълумотлар умумлаштирилди

бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликлари турли йўналишдаги қўшимча хўжалик фаолияти билан шуғулланишмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кўп тармоқли фермер хўжаликлари бугун пайдо бўлмаган, у узоқ тарихга эга эканлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги энг муҳим жиҳатлардан бири, бу – ҳар қандай фермер хўжалиги ўз даромадини (соф фойда) ошириш мақсадида ўз хоҳишига кўра ихтиёрий равишда қўшимча тармоқларни ташкил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумкин. Бу эса фермернинг фаолияти тўлиқ ихтиёрий ва фермер хўжалигининг хусусий манфаатларига мос тарзда амалга оширилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш асосида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймасдан қайта ишлаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни ички ва ташқи бозорларга чиқариш ҳамда аҳоли самарали бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратиш ва бу орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини яхшилашга ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.

3. Хушматов Н., Калимбетов Х.. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муҳим йўналиш. Илмий-амалий анжуман тезислари тўплами. – Нукус: ҚорДУ, 2015. -38-39.

4. Абдуллоев А.Ж., Давлатов С.С. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва унда кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг аҳамияти. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2016 й.

УЎТ: 658 (575.1)

Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш хусусиятлари
Особенности управления деятельностью предприятий на основе корпоративного управления
Specific features of enterprise operations based on corporate management

Элнорахон МУМИНОВА,
Фарғона Политехника институти
"Иқтисодиёт" кафедраси мудири, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада корпорациялар бошқарувини самарали амалга оширишда ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий муносабатлар, корпоратив бошқарувни тадқиқ этишга асосий ёндашувлар ёритилган. Шунингдек, янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимидаги сони, шу билан бир қаторда иқтисодиётда корхоналарни бирлаштириш тенденцияси ривожланиш зарурати ўрганилган.

В статье описаны социальные, экономические, правовые, организационные отношения и основные подходы к исследованию корпоративного управления. Изучены организационно-правовая форма вновь создаваемых предприятий и организаций, количество обществ с ограниченной ответственностью по регионам, а также необходимость развития тенденций объединения предприятий в экономике.

The article describes social, economic, legal, organizational relationships with effective corporate management. The main approaches to the implementation of corporate management were studied. Also, the organizational and legal form of newly created enterprises and organizations, the number of limited liability companies by region, the need to develop the trend of merging enterprises in the economy have been studied.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири кўп укладли иқтисодиёт муҳитини яратиш, мулкни ҳақиқий эгалари қўлига бериш, уларга тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятларни яратиш бўлди. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг фаолияти ва бошқарувини яхшилаш мақсадида бир қатор ўзгаришлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда янги талаблар ишлаб чиқилиб, корпоратив бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Корпорацияларни бошқаришда самарали механизмларни жорий этишда ҳали ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, буларнинг сарасига давлатнинг манфаатли иштирокчи сифатида корпоратив секторда юритиши лозим бўлган самарали сиёсатини илмий асослаш, корпорациялар бошқарувининг халқаро тамойилларини Ўзбекистоннинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ этиш, хусусийлаштирилган мулкий муносабатлар тизимида жамиятнинг мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи илғор корпоратив бошқарув механизмини яратиш масалаларини илмий асослаш долзарб масала ҳисобланади. Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида ҳам акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш

Калит сўзлар: корпоратив бошқарув, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий мулк, давлат мулки, интеграция, инвестиция.

ва самарали бошқаришни ташкил қилиш жараёнларига "корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари, принциплари ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш"[1] каби муҳим вазифалари белгилаб берилди. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Корпорациялар бошқарувини самарали амалга оширишда ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи омиллар яхлитлиги ва бир-бири билан боғланганлигида ўз ифодасини топади[1].


Корпорацияларда ўсишнинг ички омиллари ҳисобидан иқтисодий барқарорлик хусусиятларини шакллантириш зарурати жаҳон амалиётида юз бераётган корпорациялар хўжалик тизимларининг мураккаблашувига, улар таркибига тармоқ белгилари ва ҳудудий жойлашувига кўра турлича бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг киритилишига олиб келади.

Макромуҳитнинг иқтисодий жиҳатларини ўрганишда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми, инфляция суръатлари, инвестиция фаолияти каби хусусиятлар таҳлил қилинади. Корпорацияларга таъсир этувчи макро ва микромуҳитнинг таҳлили корпорация ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва тенденцияларини аниқлаб беради.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини акциядорлаштириш натижасида корпорацияларда юзага келган давлат мулки салмоқли роль ўйнайди. Шунинг учун корхоналарда акциядорлик жамиятларининг ташкилий-ҳуқуқий мақомига мувофиқ ташкил қилинган давлат мулкининг энг асосий вазифаси биринчи навбатда бошқаришнинг мақсад, вазифа ва тамойилларини белгилаб олишдан иборат [3]. Давлат мулкининг ўзига хослиги унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан бевосита боғланганлигида намоён бўлади. Бугунги кунда жаҳонда хўжалик субъектлари корпоратив интеграциялашувининг фаол жараёни кечиб, йирик интеграциялашган корпоратив тузилмалар иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, улар иккита муҳим тенденция билан тавсифланади:

– биринчидан, саноат ва молия-кредит муассасаларининг корпорациялар доирасида интеграциялашуви ва иштироки;

– иккинчидан, трансмиллийлашув, яъни, чет элда шўъба компаниялар ва филиаллар ташкил этиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга оширган ҳолда, ўз фаолияти соҳасини кенгайтиришга интилиш. Йирик корпорациялар, холдинглар, молия-саноат гуруҳлари ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам иқтисодий ҳамкорликнинг барқарорлигига кўмаклашади. Айнан йирик корхоналар ва бирлашмалар товар ҳамда хизматлар турларини янгилаш, такомиллаштириш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш йўли билан самарали рақобат курашини олиб боришга қодир.



Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича таркиби (2020 йил январь-март ойларида, умумий сонидаги улуши)[2]

2020 йилнинг январь-март ойларида 24,1 мингта корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди. Шундан масъулияти чекланган жамиятлар 15,7 мингта, хусусий корхоналар 3,4 мингта, оилавий корхоналар 4,1 мингта, муассасалар 0,4 мингта ва бошқалар 0,5 мингтани ташкил этди.

Иқтисодиётда корхоналарни бирлаштириш тенденцияси ривожланиш заруратини ўзида акс эттиради. Бунга сабаб, йирик корхоналар синергетик самара орқали маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тақсимлаш ва сотиш харажатларини пасайтириш, фойда ҳажмини кўпайишига эришиш, инвестициялар самарадорлигини ошириш ва ўзининг рақобат устунлигини кучайтиришга интилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатади-ки, корпоратив бирлашмаларни шакллантириш турли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича (хом ашёни олишдан тортиб, якуний маҳсулот ишлаб чиқаришгача) тугалланган технологик занжирни барпо этиш учун имконият яратади[4]. Шу билан бирга, меҳнатни

[1] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони. ЎзР Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон, 70-модда.

[2] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1-жадвал.

Корпоратив бошқарувни тадқиқ этишга асосий ёндашувлар[2]

Ёндашув номи	Ёндашув мазмуни	Ёндашувдан фойдаланиш чекловлари
1. Тавсифий ёндашув	Корпоратив бошқарув муаммоларини эмпирик тадқиқ этиш	Корпоратив бошқарув самарадорлигини тавсифлайдиган объектив, миқдорий ахборот етишмаслиги
2. Социологик ёндашув	Турли ижтимоий гуруҳларга (акциядорлар, менежерлар корпуси вакиллари ва ҳ.к.) нисбатан корпоратив бошқарувнинг алоҳида жиҳатлари борасида социологик усуллардан (сўров, анкета) фойдаланиш маълумотларини умумлаштириш	Корпоратив бошқарувни тадқиқ этиш усулларининг субъектив характери
3. Эксперт-балл ёндашуви	Ички ва (ёки) ташқи экспертлар томонидан корпоратив бошқарув муаммоларини балл асосида рангларга ажратиш	Респондентлар ва экспертлар нотўғри баҳолаш эҳтимоли юқори
4. Норматив-ҳуқуқий ёндашув	Корпоратив бошқарувнинг ҳозирги ҳолати амал қилаётган корпоратив қонунчилик меъёрларига мувофиқлигини таҳлил қилиш	Ёндашув корпоратив бошқарув доирасидаги ҳаракатлар қонунийлигини баҳолашга имкон беради, лекин уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳоламайди
5. Иқтисодий-статистик ёндашув	Корпоратив мулк тузилмасининг корпорацияни ривожлантириш молиявий-иқтисодий самарадорлик якуний натижаларига таъсирини баҳолаш	Ушбу ёндашув доирасида усулларни қўллаш натижалари эҳтимолий характерга эга
6. Корпорациянинг бозор қийматини максималлаштириш нуқтаи назаридан ёндашув	Узоқ муддатли истиқболда корпорациянинг бозор қиймати максималлашувини асослаб берадиган корпоратив бошқарув самарали деб тан олинади	Корпорация қийматини шакллантиришга бошқа кўплаб ички ва ташқи омиллар таъсирини истисно қилган ҳолда айнан корпоратив бошқарув омили ҳиссасини ажратиб кўрсатиш жуда қийин
7. Ўйинлар назарияси ёндашуви	Корпорация стейкхолдерлари турли гуруҳларининг ўзаро алоқалар жараёнида мувозанатли ҳолатига эришиш имкониятларини баҳолаш	Стейкхолдерлар турли гуруҳларининг корпоратив ҳулқ-атвор кўрсаткичларини аввал бошдан тўғри аниқлаш қийин

янада оптимал тарзда тақсимлаш учун шарт-шароитлар юзага келади, бу, ўз навбатида, модернизациялаш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилишга имкон беради.

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимида жами улуши Тошкент шаҳрида 26,5 фоиз, Тошкент 10,7 фоиз, Андижон 8,5 фоиз, Самарқанд 7,1 фоиз, Фарғона 6,9 фоиз, Бухоро 6,5 фоиз, Наманган 6,4 фоиз, Қашқадарё 4,7 фоиз, Жиззах 4,0 фоиз, Хоразм 3,6 фоиз, Сирдарё 3,6 фоиз, Сурхондарё 3,5 фоиз, Навоий 3,4 фоиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 4,6 фоизни ташкил этади.

Бозор улушини кенгайтириш, сотувлар ҳажмини ошириш ва харажатларни камайтирилиши ҳисобидан фойданинг ўсишини таъминлаш корпоратив интеграциялашишга ундовчи асосий иқтисодий омил ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, корпорация молиявий имкониятларининг асосий хусусияти қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва сотиш ҳисобидан молиялашнинг янги манбаларига йўл топиш билан белгиланади. Акциядорлик жамиятлари ташкилий хусусиятлари уларга сармоялар бозорига чиқиш орқали ишлаб чиқаришга ресурсларнинг катта ҳажмини жалб қилиш имконини беради [5].

Корпорацияларнинг фонд бозорларига чиқиш имконияти молия бозори билан ўз муносабатларини диверсификациялаш ва муқобил асосда молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, фонд бозорига чиқиш корпорацияга молиявий воситачилари (инвестиция фондлари, пенсия жамғармалари ва суғурта компаниялари)ни, жисмо-

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимида сони (2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)

	Тошкент ш.	Тошкент	Андижон	Самарқанд	Фарғона	Бухоро	Наманган	Қорақалпоғистон Республикаси	Қашқадарё	Жиззах	Хоразм	Сирдарё	Сурхондарё	Навоий
Бирликда	61 543	24 893	19 817	16 392	16 003	15 029	14 812	10 715	10 806	9 396	8 437	8 282	8 046	7 776
Фоизда	26,5	10,7	8,5	7,1	6,9	6,5	6,4	4,6	4,7	4,0	3,6	3,6	3,5	3,4

ний, юридик шахсларнинг омонатларини тўғридан-тўғри ва тармоқлар орқали жалб қилган ҳолда молиявий келишувлар иштирокчилари сонини ошириш имконини беради [6].

Мулкдор, асосан, тўланадиган дивидендлар ҳисобидан ёки ўз ихтиёридаги акциялар бозор нархининг ошишидан фойда олишдан, бошқарув харажатлари камайишидан, активлар бутлигидан, шунингдек, ўз бизнеси барқарор бўлиши ва ривожланишидан манфаатдор. Ёлланма менежер манфаатлари эса, биринчи навбатда, мукофотнинг миқдори, бериладиган имтиёзлар, ўз ўрни ва обрўсини сақлаб қолиш ётади.

Шунингдек, корпорация фаолиятидан корхона ходимлари, кредиторлар, кооперацион алоқалар бўйича шериклар, унинг фаолиятига жалб этилган бошқа жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари ҳам манфаатдордирлар. Ушбу гуруҳлар компаниянинг нафақат фойдали ишлаб чиқаришларни ташкил қилишини, балки жамоат манфаатларини амалга оширишда бевосита иштирок этишини ҳам кўзлайди. Уларнинг корпорация фаолиятига таъсири даражаси, кўп жиҳатдан, бозор муносабатлари шаклланиши тарихий хусусиятларига, давлатнинг иқтисодий сиёсатига (масалан, унинг кўп ёки кам даражада ижтимоий йўналтирилганлигига), молиявий муассасаларнинг тадбиркорлик муносабатларига жалб этилганлик шаклларига, қонунчилик меъёрларига боғлиқ.

Бизнингча, корпоратив бошқарув мазмунини корпорация ривожланишининг стратегик муаммоларини ҳал қилиш билангина боғлаш унчалик тўғри эмас, у тезкор бошқарув даражаларида ҳам, масалан, миноритар акциядорларнинг даъволарига корпорация жавоб қайтариши, корпорация ижроия дирекцияси вакилларининг акциядорлар мурожаатларига жавоблари ва ҳоказолар доирасида амалга оширилиши мумкин ва амалга ошириб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б.. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси "ADIB" нашриёти, 2010 й. – 190 б.

2. Ханкелдиева Г.Ш. Развитие корпораций в Республике Узбекистан. – Т.: ФАН. Монография. – 2007 г., С. 221.

3. Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управления. – Т.: Изд-во национальной библиотеки им. Алишера Навои, 2005 г. – 127 с.

4. Bullinger H.J., Auernhammer K and Gomeringer A. Managing innovation networks in the knowledge-deriven economy. Inernational Journal of Product Research, 42, 2004, 337-353.

5. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием.// "Бюллетень науки и практики". №11, 2017 г. Научный журнал. Нижневартовск. С.357-363. (Open Academic Journals Index 0.350).

6. Хашимов А.А. Корпоратив бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари. //Жамият ва бошқарув. – 2005 й. 1-сон. 80-бет.

УЎТ: 338

Корхона ва ташкилотларни бошқаришда стратегик вазифалар
Стратегические задачи в управлении предприятиями и организациями
Strategic tasks in the management of enterprises and organizations

Дилмурод ТАЖИБАЕВ,
Чирчиқ Олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти ҚКФ ва ҚБ кафедраси бошлиғи, подполковник.

Аннотация

Ушбу мақолада юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётимизнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ устувор йўналишларни амалга ошириши ва шу орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарурияти асослаб берилган.

В данной статье обоснована необходимость дальнейшего повышения эффективности проводимых реформ, создания условий для всестороннего и ускоренного развития государства и общества, реализации конкретных приоритетных направлений модернизации страны и либерализации всех сфер жизни, а также развития производства.

This article substantiates the need to further improve the effectiveness of the reforms, create conditions for the comprehensive and accelerated development of the state and society, implement specific priority areas for the country's modernization and liberalization of all spheres of life, as well as the development of production.

Ким вақтни ютган бўлса, демак,
у ҳамма нарсани юта олади.
Б. Мольер.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётимизнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ устувор йўналишларни амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжатда юртимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари ўз ифодасини топган [2]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилишида – ривожланаётган иқтисодиёт учун замонавий кадрларга бўлган зарурият, илм-фанни ривожлантириш, тадқиқотларни оптималлаштириш ва ишлаб чиқаришни ҳалқаро стандартлар даражасига кўтариш зарурияти эканлиги ҳақида таъкидлаб ўтди.

Корхона ва ташкилотлар маҳсулотлар ишлаб чиқаради, хизматлар кўрсатади, кишилик жамияти уларни истеъмол қилиб ёки улардан фойдаланиб, ҳаёт кечиради ва ривожланади, корхона ва таш-

Калит сўзлар: стратегияси, ислоҳот, самара, давлат, жамият, ташкилот, ривожланиш, модернизация, либераллаштириш, устувор йўналишлар.

килотлар жамиятидаги ҳаёт тартибини белгилаб беради, бу тартибга қандай риоя этилаётганини назорат қилади, жамоат ташкилотлари эса бизнинг қарашларимиз ва манфаатларимизни ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг корхоналар тўғрисидаги қонунида таъриф берилган: "Ҳуқуқий шахс ҳуқуқга эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотини айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади".

Корхона ва ташкилотлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уларни одамлар ўзларининг муайян мақсадларга эришиш учун восита сифатида вужудга келтирадилар. Одатда, корхона ва ташкилотни тузиш вақтида унинг асосчилари томонидан белгиланган мақсадлар анча оддий ва бир неча банддан иборат таклифлар шаклида ифодаланган бўлади. Корхона ва ташкилот ривожланиб борган сари мақсадлари мураккаблашиб ва кўп ҳолларда эса ўзгариб ҳам боради.

Ташкилий мақсадларнинг ўзгариши кўпгина омиллар: корхона ва ташкилот миқёсларининг кенгайиб бориши, ташқи муҳитнинг ўзгариши, техника ва технологиянинг ривожланиши, ижтимоий онгнинг ўзгариши, корхона ва ташкилот асосчиларининг янги раҳбарлар билан алмашиниши каби омиллар таъсирида рўй беради [6].

Стратегик вазифалар корхона ва ташкилот томонидан ташқи муҳит имкон берган ривожланиш имкониятларини таҳлил қилиш ва ташкилот мавжудлигининг таянч мақсадларини ҳисобга олган ҳолда корхона ва ташкилотнинг ўз потенциали (салоҳияти)ни таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилади. Аслида бу ташкилот фаолиятининг муаяйн шароитида унинг таянч мақсадларини рўёбга чиқариш режаларидир. Стратегик вазифалар ўзига пировард мақсадни, вақт оралиғини ва мақсадга эришиш усулини қамраб олади. Бу вазифалар асосий мақсадларга нисбатан корхона ва ташкилот учун ташқи бўлган муҳитга кўпроқ даражада боғлиқ бўлади ва вақти-вақти билан янгилаб туришни талаб қилади.

Қисқа муддатли режалар корхона ва ташкилотнинг стратегик вазифаларини амалга оширишнинг аниқ дастурларидан иборат бўлиб, анча муайян ва батафсил ташкилий мақсадлар ҳисобланади ҳамда корхона ва ташкилотнинг барча ходимларига дахлдор бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Корхоналар тўғрисидаги қонунида белгиланганидек: "Корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва хом ашё ресурслари ва материалларининг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларини ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини белгилайди"[4].

Ҳар қандай корхона ва ташкилот муаллақ ҳолда мавжуд бўлмайди ва ривожланмайди, балки, у ўзини қуршаб турган атрофдаги олам ёки ташқи муҳит билан доимий ўзаро алоқада бўлади. Корхона ва ташкилот учун ташқи *муҳит* айрим кишилардан, гуруҳлардан ва унга ресурслар етказиб берувчи, ташкилот ичида қарорлар қандай қабул қилинишига таъсир кўрсатадиган ёки унинг фаолияти натижаларининг (маҳсулот ёки хизматларнинг) истеъмолчилари бўлган муассасалар ҳисобланади. Мазкур қонунда белгиланганидек, "Корхоналар қонунларга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятини мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эгадир" [3].

Ҳозирги замон корхона ва ташкилотлари учун қуйидаги асосий ташқи муҳит элементларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Мижозлар маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчилари (сотиш бозори).
2. Хом ашё ва бошқа нарсалар етказиб берувчилар (ресурслар бозори, шу жумладан, меҳнат бозори).
3. Рақобатчилар.
4. Техника ва технология.
5. Давлат.
6. Жамоат ташкилотлари ва гуруҳлар.

Мижозлар ҳар қандай ташкилот учун муҳим бўлган гуруҳ ҳисобланади, чунки, ташкилот улар ҳисобига мавжуд бўлади ва ривожланади. Кундалик ҳаётда мижоз тушунчаси дўконларнинг харидорлари ёки ресторан хўрандаларига тенглаштирилади. Ҳақиқатда эса бу тушунча анча кенгроқ бўлиб, ўзига маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчиларини ҳам, шунингдек, бу хизматларни ташкилотдан сотиб олувчиларни (буюртмачиларни) ҳам қамраб олади.

Хом ашё етказиб берувчилар корхона ва таш-

килотга унинг ўз мақсадларига эришмоғи учун ресурслар етказиб беради. Ресурсларнинг мавжудлиги ва нархи корхона ва ташкилотнинг фаолиятига кучли таъсир кўрсатади, стратегик вазифаларни ишлаб чиқишда ҳамда қисқа муддатли режаларни тайёрлашда ҳисобга олинади.

Рақобатчилар истеъмолчиларга мазкур корхона ва ташкилот ишлаб чиқарадиган товарларга ўхшаш товарлар етказиб беради ёки хизматлар кўрсатади, айнан ўша етказиб берувчилардан хом ашё ва материаллар сотиб олади, худди корхона ва ташкилотда ишлаётган ишчи кучларига ўхшаш ишчи кучини жалб қилади.

Техника ва технология ташқи муҳитнинг алоҳида омилига ажратилади (хом ашё етказиб берувчиларга қўшимча равишда), чунки фан-техника тараққиёти инсоният жамияти ва унинг ташкилотларининг ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланган. Бир томондан, замонавий технология корхона ва ташкилотларга ривожланиш учун жуда улкан потенциал имкониятлар яратиб беради, бу эса уларнинг мақсадларини, тузилишини, бошқарув тизимини тубдан ўзгартиради. Шу билан бирга ҳозирги вақтда корхона ва ташкилотнинг технологик ютуқлари илгаригига қараганда анча юқори даражада бўлиб, бошқалар учун қулай ва фаолиятининг барча соҳаларида рақобатнинг мислсиз даражада бўлиши учун негиз яратади. Шу боис:

– технологиялар трансфери бўйича миллий ва ҳудудий офислар ташкил этилмоқда;

– илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун технопарклар каби, эркин иқтисодий зоналар, эркин саноат зоналари, кичик саноат зоналари ва илмий-ишлаб чиқариш кластерлари ташкил этилмоқда;

– хорижий ҳамкорлар билан маҳаллий илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорда сотиш бўйича қўшма ташкилотларни шакллантириш учун давлат кўмаги кучайтирилмоқда;

– инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими такомиллаштирилмоқда;

– илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган давлат харажатларини кўпайтириш ва 2021 йилга бориб бу кўрсаткични ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 0,8 фоизига етказиш режалаштирилган [1].

Давлат "ўйин қоидалари"ни – қонунларни белгилайди. Ўзбекистон Республикаси давлати таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини "Корхоналар тўғрисида"ги қонун асосида бошқариб туради. Ташкилот ана шу каби қонунлар асосида ҳаракат қилади ва уларга риоя этилишини давлат кузатиб боради. Бу билан қонунлар ташкилот фаолиятининг барча томонларига таъсир кўрсатади. Кейинги вақтларда тобора кўпроқ корхона ва ташкилотлар **жамоат бирлашмалари ва гуруҳларнинг** (экологлар, хотин-қизлар ташкилотлари ва шу кабиларнинг) таъсирини ўзларида ҳис қилмоқдалар, улар ҳозирги замон ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг доимий омилига айланиб бормоқда. Ташқи муҳитнинг ўзгарувчанлик даражаси фаолият турининг хусусиятларига, техника ва технологиянинг, сиёсий тизимнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Кескин равишда ўзгариб турадиган шароитда ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ўз мақсадларига тез-тез ўзгаришлар, тузатишлар киритиб туришга, стратегия ва тузилишни ўзгартиришга мажбур бўладилар. Бу, ўз навбатида, бошқарувни тўғри ташкил этилишини тақозо этади [6].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 22 сентябрь.

2. Бекмуродов М. ва бошқалар. "Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари". Рисола. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, (2017).

3. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё.. Менежмент Ўқув қўлланма. Тошкент. "Меҳнат" -2000 й.

4. Худайберганов Қ.Т. Ходимлар менежменти. Ўқув қўлланма. Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси. Тошкент-2010.

5. Абдурахмонов Қ. ва бошқалар. Персонални бошқариш. Ўқув қўлланма. Шарқ нашриёти. Тошкент-1998.

6. Саиджалалов Ж.С., Холиёров Н.А., Равшанов М.Н. Бошқарув фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Шарқ нашриёти. Тошкент-2006.

УЎТ: 330:001

Инновацион ривожланишга эътиборни кучайтириш – давр талаби
Ориентация на инновационное развитие – требование времени
Focus on innovative development is a calling of the time

Умида БАЙМАТОВА,
катта ўқитувчи.
Собиржон ЮСУФЖОНОВ,
подполковник.
Чирчиқ Олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти
ҚКФ ва ҚБ кафедраси .

Аннотация

Ушбу мақолада Республикамизда инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлашни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилиш механизмларини, барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш долзарб вазифалар эканлиги асослаб берилган.

В статье утверждается, что поддержка инновационного развития и инновационных идей в стране, усиление научного потенциала и эффективности исследований и разработок, интеграция науки и предпринимательства, создание устойчивой социально-экономической инфраструктуры являются актуальными задачами.

The article argues that the development of support for innovative development and innovative ideas in the country, strengthening the scientific potential and efficiency of research and development, the integration of science and entrepreneurship, the creation of a sustainable socio-economic infrastructure are urgent tasks.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жабҳалари истиқболини сўнгги кашфиётларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда илм-фан ва иқтисодиёт интеграциясини чуқурлаштиришга жиддий эътибор қаратиляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириб юборди [1]. Бинобарин, ушбу ҳужжатда Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб, Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакатлари қаторига киришига эришиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Республикамизда 2018 йили Инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришда кенг имкониятларни очиб берди ва асосий мақсад, иқтисодиётнинг реал секторлари билан илмий-академик ва саноат-илмий тадқиқотчилик муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдир.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Инновацион фаолият, ишлаб чиқариш ва инсон ҳаётий фаолиятининг бошқа соҳалари эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган ҳолда, у фойдаланиладиган маҳсулотларнинг сифат ўзгаришлари, фаолият воситалари ва услубларини

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш, истиқбол, илм-фан, иқтисодиёт, интеграция, инновация, ривожланиш, стратегия, глобал, индекс рейтинг, вазифа.

янгилаш йўли билан амалга оширилади. Аммо сифат ўзгаришлари фақатгина фундаментал билимлар асосида мумкин бўлиб, улар техник босқичдан ишлаб чиқариш соҳасини ўтган ҳолда, унда прогрессив ўзгаришларни келтириб чиқаради[2]. Ушбу соҳадаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, саноати ривожланган мамлакатларда инновацион фаолият маҳсулотларини сотиш ҳисобига миллий даромаднинг ўсиши таъминланиши мумкин.

Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш – 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсадидир. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

– барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

– илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

– инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш;

– бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

– мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш;

– барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

Инновация – мавжуд тизимлар ривожланишини бошқариш жараёни бўлиб, унда инновациявий маҳсулот амалий қўлланилиши босқичигача олиб келинади ва бозор муваффақиятини таъминлайди. Тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва маркетинг стратегиялари билан бир қаторда юқорида қайд этилган инновациявий стратегия, ташкилот умумий иқтисодий стратегиясининг муҳим бўғини сифатида қаралади.

Ҳозирги кунда илмий-техник тараққиёт ва бозор эҳтиёжлари, маҳсулот номенклатураси ва сифати янги талабларни шаклантирган ҳолда, талаб ва таклиф конъюнктурасидаги ўзгаришларга олиб келмоқда. Ишлаб чиқарувчиларнинг бундай ўзгаришларга нисбатан лоқайдлиги, рақобатдошларнинг илгарилаб кетишидан далолат беради. Корхоналар ушбу ўзгаришларга кеч мослашувининг салбий иқтисодий оқибатлари таназзул ҳолатга ва ҳаттоки банкротликка олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан, ишлаб чиқариш фаолиятининг деярли барча соҳаларида, истиқболли ривожланиш воситаси сифатида, қизиқиш ошади. Корхоналарни бошқариш амалиётида бундай стратегиянинг шакилланиши, инновацион жараёнларни самарали бошқарув тизимларни яратиш заруриятини яна бир марта таъкидлайди.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитларида, инновацион фаолиятининг устувор йўналишларида турли хил ресурсларни оптималлаштириш, инновициявий жараёнларни мажмуавий бошқариш ва инновациявий ривожланишнинг самарасиз вариантини танлаш таваккалчилигини пасайтириш учун харидорларнинг ўзгарувчан инновациявий эҳтиёжларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бунда инновациялар ва уларни бошқариш корхона ривожланишининг асосий ва узоқ муддатли муваффақиятининг кафолати ҳисобланади [3].

Ўзбекистоннинг келгуси ривожланишининг иқтисодий истиқболлари инновацион фаоллик билан боғлиқ бўлиши шарт. Фақат инновацион фаолият ёрдамида тез ва мустаҳкам иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда Ўзбекистонни ривожланган, саноат мамлакатлар қаторида бўлиши мумкин.

Мамлакатдаги илмий-тадқиқот ва инновацион ташкилотларнинг потенциали тўлиқ ҳолда ташкилий ва иқтисодий томонлама профессионал даражада йўлга қўйилган инновацион менежмент шароитида амалга оширилиши мумкин [4]. Инновацион жараённи илмий фаннинг инновацияга ёки фикрнинг босқичма босқич маҳсулот, технология ёки хизматга айланиш жараёни сифатида таърифласа бўлади. Инновацион жараённинг суръатлари, йўналишлари ва мақсадлари у ривожланаётган ҳамда амал қилаётган ижтимоий-иқтисодий муҳитга боғлиқ.

Инновацион жараённинг асоси бўлиб янги ил-

мий фанларни олишга ва кўпроқ аҳамиятга эга бўлган қонуниятларни аниқлашга қаратилган фундаментал тадқиқотлардан (ФТ) бошланадиган, янги техникани (технологияни) яратиш ва ўзлаштириш жараёни ҳисобланади. ФТнинг мақсади – ҳодисалар ўртасидаги янги алоқаларни барпо этиш, табиат ва жамият ривожланишининг қонуниятларини уларнинг маълум равишда ишлатилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганишни тақозо қилади.

Назарий тадқиқотларнинг натижалари илмий кашфиётлар, янги тушунча ва намойишларни ўзлаштиришда ҳамда янги назарияларни яратишда кўринади. Инновацион жараённинг кейинги босқичи – бу олдин барпо этилган ҳодиса ва жараёнларни амалиётда қўллаш йўли орқали амалга ошириладиган тадқиқотларга қаратилган амалий, илмий тадқиқотлардир.

Инновацион фаолият – бу номенклатурани янгилаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, уларни ишлаб чиқариш технологияларини кейинчалик уларни ички ва хорижий бозорларга киритиш ва самарали реализация қилиш учун ўтказиладиган илмий тадқиқотлар натижаларининг ва ишлаб чиқишларнинг ишлатилишига қаратилган фаолиятдир.

Инновацион фаолият асосида илмий-техник билимларнинг илм ва техниканинг барча соҳаларида яратиш, ривожлантириш, тарқатиш ва қўллаш билан чамбарчас боғлиқ бўлган илмий-техник фаолияти (ИТФ) ўрин эгаллаган [5].

Инновацион фаолиятга инновацион жараён ичидаги бутун фаолият ҳамда сотиш бозорларининг маркетинг тадқиқотлари ва янги истеъмолчиларни қидириш, мавжуд бўлиши мумкин бўлган рақиблик муҳитининг информацион таъминоти, новаторлик фикрлар ва қарорлар, инновацион жараённи киритиш ва молиялаштириш киради. Инновацион фаолият жараёнида ташкилот фақатгина маълум бир объектга мўлжал олган ва ички ҳамда ташқи муҳит омиллари таъсирини максимал даражада инобатга олган ҳолда, юқори даражадаги самарадорлик билан фаолият юритиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2018 йил 21 сентябрь.

2. Бекмуродов М. ва бошқалар. “Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари”. Рисола. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, (2017).

3. Худаяров А. “Инновацион менежмент”. Ўқув қўлланма. Тошкент- (2011): 80-102.

4. Вертакова Ю.В. Управление инновациями: Теория и практика. Учебник ВУЗ. М.: Высшее экономическое образование, (2008): 45-60.

5. Бланк И.А. Основы инновационного менеджмента. Учебник ВУЗ. Москва-(2004). 12-15.

УЎТ: 330.1

Глобаллашув даврида иқтисодий ривожланиш – бош мақсадимиз
Экономическое развитие в век глобализации – наша главная цель
Economic development in the age of globalization is our main goal

Бахтиёр МАВЛЯНОВ,
Олмахон ПАРПИЕВА,
ЧОТҚМБЮ ҚКФ ва ҚБ кафедраси катта ўқитувчилари.

Аннотация

Ушбу мақолада бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиши учун рақобатбардошлигини ошириш, илғор технологияларни ўзлаштириш, юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлаш, иқтисодиётнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурлиги асослаб берилган.

В статье утверждается, что сегодня любой стране необходимо повышать свою конкурентоспособность на мировом рынке, осваивать передовые технологии, регулярно готовить высокообразованные и дисциплинированные кадры, формировать современную структуру экономики, основанную на высоких технологиях, повышать качество обучения, организовывать новые производства.

The article argues that today any country needs to improve its competitiveness in the world market, master advanced technologies, regularly train highly educated and disciplined personnel, form a modern structure of the economy based on high technologies, improve the quality of education, and organize new industries.

Бугунги кунда ҳар қандай давлат мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор. Глобаллашув даврида билимлилик мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини кўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда, аҳолининг юксак маънавий даражаси эса одамларда ҳуқуқий маданиятини эркин ва демократик ҳуқуқий давлатда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради.

Мамлакатимизда давлатимиз тараққиётини юксак босқичларга олиб чиқадиган янги улкан қадам ташланди. Бунинг исботини юртбошимиз томонидан 2020 йил "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилганлигидан ҳам англаш мумкин.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётимизнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ устувор йўналишларни амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжатда юртимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг стратегик концептуал масалалари ўз ифодасини топган [1].

Калит сўзлар: глобаллашув, стратегия, иқтисод, ислоҳот, самара, давлат, жамият, ташкилот, ривожланиш, модернизация, либераллаштириш.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, барияти томонидан ишлаб чиқилади. Уни ҳаётга татбиқ қилишда эса бошқаришнинг барча бўғинлари иштирок этишади [5].

Стратегик режалаштириш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:



1-чизма. Стратегик режалаштириш жараёни чизмаси.

ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Инновациявий фаолият, ишлаб чиқариш ва инсон ҳаётий фаолиятининг бошқа соҳалари эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган ҳолда, у фойдаланиладиган маҳсулотларнинг сифат ўзгаришлари, фаолият воситалари ва услубларини янгилаш йўли билан амалга оширилади. Аммо сифат ўзгаришлари фақатгина фундаментал билимлар асосида мумкин бўлиб, улар техник босқичдан ишлаб чиқариш соҳасини ўтган ҳолда, унда прогрессив ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ушбу соҳадаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, саноати ривожланган мамлакатларда инновациявий фаолият маҳсулотларини сотиш ҳисобига миллий даромаднинг ўсиши таъминланиши мумкин[2].

Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш зарурлигини англаб етган замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларга эга одамларгина ривожланиш борасида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

Стратегик бошқарув – бу корхона (фирма, муассаса)нинг истиқболдаги мақсади ва имконияти билан ходимлар манфаатини уйғунлаштиришга мўлжалланган узоқ муддатли бошқарув усулидир. Стратегик бошқарув – бу стратегик мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир. Муассаса (ташкилот) мақсади ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан батафсил, ҳар томонлама комплекс тузилган режа стратегик режалаштиришнинг пировард натижаси бўлиб ҳисобланади. Стратегик режа асосан муассаса (ташкилот)нинг юқори раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилади. Уни ҳаётга татбиқ қилишда эса бошқаришнинг барча бўғинлари иштирок этишади.

Муассаса (ташкилот) тараққиётининг бош йўналиши ва унинг мақсадини тўғри танлаш ташқи ва ички омилларга боғлиқ.

Стратегик режалаштиришни амалга оширишда юқоридаги омилларни инобатга олиш жуда муҳимдир. Чунки, уларни ҳисобга олиш фаолиятга хавф солувчи ва туғилиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдини олиш имконини беради. Бу кўп меҳнат талаб қиладиган ва серхаражат жараён бўлиб ҳисобланади.

Ташқи муҳитни таҳлил қилиш қуйидагича амалга оширилади:

Стратегияни танлаш стратегик режалаштиришнинг марказий масаласи ҳисобланади. Бугун юксак маънавият ва аҳлоқий фазилатларга эга, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айнан шу боис XXI аср интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юсак тараққиётга эришмоқда.

Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиб бўлмайди. Шу аснода кадрлар



2-чизма. Ташқи муҳит таҳлили чизмаси.

тайёрлаш сифатини, уларнинг рақобатбардошлигини ва кадрларга бўлган эҳтиёжни ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган ҳолда, миллий таълим тизимларини модернизация қилиш амалга оширилмоқда. Таълимнинг мавқеини шундай даражага етказишни таъминлаш керакки, билим олишга интилиш ёш авлоднинг энг муҳим мақсадли вазифаларидан бирига айланиши лозим [2].

Халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, амалга оширилаётган институционал ва таркибий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, ўқитишнинг барча шаклларининг интеграциялашувини инобатга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, ўқитиш методикасини мунтазам такомиллаштириш, табиий-илмий ҳамда инженерлик фанларини ўқитишнинг амалий хусусиятга эга бўлган тизимини жорий этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бекмуродов М. ва бошқалар. "Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари". Рисола. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, (2017): 25-32.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони. "Халқ сўзи" газетаси 2018 йил 22 сентябрь.

3. С.С. Ғуломов "Менежмент асослари". Шарқ нашр. Тошкент-2002 йил.

4. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. "Менежмент". Ўқув қўлланма Тошкент-"Меҳнат"-2000 йил.

5. Байматова У.С. "Инновацион бошқарув". Ўқув қўлланма. ЧОТҚМБЮ Чирчиқ-2019 й.

УЎТ: 336.21 (575.1)

Банк йиғимининг муҳим жиҳатлари
Важные аспекты банковского сбора
Important aspects of the bank levy

Зафаржон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси, PhD

Аннотация

Мақолада банкларнинг мажбуриятларидан ундириладиган банк йиғимининг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилган. Банк йиғимлари банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ва ликвидлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

В статье рассматриваются важные аспекты взимания банковского сбора с обязательств банков. Банковские сборы играют важную роль в обеспечении стабильности и повышении ликвидности банков.

The article deals with important aspects of collecting a bank levy from the liabilities of banks. Bank levies play an important role in ensuring the stability and increasing liquidity of banks.

Охирги юз берган глобал молиявий инқироз даврида молиявий секторни қулашини олдини олиш учун катта молиявий харажатлар ҳисобига айрим йирик банкларни сақланиб қолиниши, фискал харажатларини ошишига ва бу банкларнинг рискини ўз бўйнига олишини ўзгартиришга олиб келади.

2008-2009 йилларда молиявий компанияларга давлат белаути харажати асосий "харажатлар моддалари"дан бири бўлиб, инқироз даврида G-20 иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат томонидан гаров суммалари, кафолатлар ва бошқа мажбуриятларни ҳисобга олганда ўртача ЯИМни 25 фоизини ташкил этган. Банкларни бевосита қўллаб-қувватлашга ажратилган ресурслар ЯИМни 6,2 фоиз атрофида бўлган. Бу эса банк сектордан ундириладиган солиқлардан ташқари, қўшимча солиқ чораларини кўриб чиқишга сабаб бўлиб, молиявий инқирознинг катта миқдордаги молиявий, иқтисодий ва ижтимоий харажатлар тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлашга сарфланган бюджет маблағларини қоплаш билан бир қаторда, молиявий сектор умумий даромадларига ҳисса қўшиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Тахминларга кўра, молиявий солиқлардан тушган тушумлар умумий даромадлар таркибига кириб, умумий зарар миқдорига тенг бўлмаслиги лозим бўлса-да, бироқ бу солиқлар молиявий секторни хаддан зиёд рискли фаолиятини чеклашга ёки олдини олишини таъминлаши керак[1]. Шу билан бирга, тизимли рискларни бевосита корректировка қилувчи солиқлар тартибга солиш қоидаларига киритилган янги ўзгаришлар билан узвий мувофиқлаштириш (масалан, капитал етарлилиги ва ликвидликни таъминлаш бўйича қўшимча талаблар) зарур ҳисобланади. Илмий адабиётларда банкларни солиққа тортишда турли солиқ режимлари тавсия этилган бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда икки турга таснифлаш мумкин: даромадга йўналтирилган солиққа тортиш ва корректировка қилувчи солиқ. Даромадга йўналтирилган солиққа тортиш режимларини кенг тарқалган куйидаги турларини келтириб ўтамиз. Банкларни фойдаси ёки ижара тўловидан ундириладиган молиявий фаолиятга солиқ (МФС). Барча нормадан ортиқча фойда ва иш ҳақига қўлланиладиган солиқни мумкин бўлган вариантлардан бири ва барча даромад ва харажатларга солиқ солишни муқобил усули сифатида ҚҚСни ўрнини босиши мумкин. Кейингиси, молиявий хизматлар хиссаси

Калит сўзлар: банк, банк йиғими, мажбуриятлар, корпоратив фойда солиғи, солиқ ставкаси.

[1] Буни сабаби шундаки, корректировка қилувчи солиқлар ўртача зарардан фарқ қилиши мумкин бўлган, баъзи фаолиятдан маржинал ижтимоий зарарни бартараф этиш керак.

(Financial Services Contribution (epitomised by the US Financial Crisis Responsibility Fee) банк қарзларига солиқ. Бу солиқ жазолаш мақсадлари учун, шу билан бирга, банк қарзларини кафолатлаш учун бериладиган ёпиқ субсидияларни нейтрализация қилиш учун тавсия этилган. Учинчиси, молиявий трансакцияларни шартли қийматидан ундириладиган молиявий трансакцияларга солиқ (МТС) одатда бузувчи солиқ ҳисобланиб, асосий бузилиш юқори частотали савдодаги ижтимоий харажатларни қайтириши ҳисобланади. Тўртинчиси, банк ходимлари учун бонусларни солиққа тортиш мумкинлиги. Бундай вақтинчалик солиқ Буюк Британия ва Францияда жорий этилган бўлиб, Италияда доимий солиқ сифатида бонуслардан 10 фоиз ставкада ундирилиб келинади.

Молиявий секторни қўшимча солиққа тортишни қўллаб-қувватланишидаги муҳим аргументлар бўлиб, молиявий инқироздан кейинги қайта тикланишига ёрдам, молиявий сектор барқарорлигини таъминлаш, танқид қилинаётган инвестицион хатти-ҳаракатлар даромадлилигини пасайтириш, ҚҚСдан озод қилинишидан компенсация қилиш, янги даромадлар манбаси ва фискал мақсад ҳисобланади. Молиявий секторни солиққа торишдаги асосий шакллари бўлиб, молиявий трансакцияларга солиқ (МТС), молиявий фаолиятга солиқ (МФС) ва банк йиғими ҳисобланади.

Молиявий инқироз даврида ҳукуматлар томонидан амалга оширилган катта миқдордаги молиявий харажатлар сабабли, Германия, Франция, Швеция ва Буюк Британия каби бир қатор мамлакатларда жорий этилган банк йиғимлари банкларнинг инқирозга қарши чораларни молиялаштиришда иштирок этишга ва рискли мажбуриятларни камайтиришга олиб келган[2]. Мазкур мамлакатлардаги йиғимларнинг моҳияти жиҳатдан ўртасида сезиларли даражада фарқ мавжуд бўлган. Масалан, Германия ва Швецияда тўловлар банк мажбуриятларидан (деривативлардан) олинган. Австрияда асосий активлар ва деривативлар, Францияда рискка тортилган активлардан ундирилган.

Шунингдек, баъзи мамлакатлар, хусусан, Нидерландия, Бельгия ва Буюк Британияда кафолатланган мажбуриятлар йиғим базасидан чиқарилган ташланган бўлса, Финляндия, Кипр ва Венгрияда мажбуриятлардан йиғим ундирилган. Бундан ташқари, Германияда банкларнинг молиявий кўрсаткичларига боғлиқ бўлмаган минимал даражадаги йиғим мавжуд бўлган.

Банк йиғими банклар балансининг активлари ва мажбуриятларига солинадиган қўшимча тўлов ҳисобланиб, банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ва ликвидлигини ошириш мақсадида жорий этилган. Жумладан, Буюк Британияда банк йиғими қисқа муддатли рискли молиялаштириш манбаларидан узоқлаштиришни рағбатлантиради, банкларнинг молиявий сектор ва умумий иқтисодиётда юзага келтирадиган рискларни баратараф этишда муҳим ҳисобланади[3]. Шу билан бирга, бугунги кунга келиб, банк йиғими бюджет даромадларининг асосий манбаларидан бирига айланган (1-жадвал).

1-жадвал.

Буюк Британия банк сектори бўйича даромад солиғи ва миллий суғурта тўловлари, корпоратив солиқ ва банк йиғимларининг тушуми, (£ млрд.)[4]

Молия йиллари	Даромад солиғи ва миллий суғурта тўлови (PAYE)	Корпоратив солиқ	Банк йиғими
2011-2012	17,6	1,3	1,6
2012-2013	17,8	2,2	1,6
2013-2014	17,6	1,6	2,2
2014-2015	17,9	2,3	2,7
2015-2016	17,8	3,2	3,4
2016-2017	18,4	4,8	3,0
2017-2018	19,1	4,9	2,8
2018-2019	21,8	4,7	2,6

ЕИда янги тартибга солиш доирасида банк йиғимларининг миқдорини белгилаш тартиби келишиб олинган бўлиб, йиғим миқдори банкларнинг таъминланган ва таъминланмаган мажбуриятлар ҳамда рискка тортилган активларга боғлиқ ҳамда таъминланган ва таъминланмаган мажбуриятлар бўйича йиғимлар банкларнинг рискли активларга инвестиция қилишдан қайтариши мумкин. Шу билан бирга, рискка тортилган активларга йиғимлар банкларни эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишларини рағбатлантириши ва агарда банкларнинг капиталлашуви юқори бўлса, мажбуриятлардан ундириладиган йиғимларга нисбатан самаралироқ

[2] OECD. (2013). Revenue statistics 2013. OECD Publishing.

[3] HM Treasury. (2014). A bank levy banding approach: consultation. March 2014.

[4] HM Revenue & Customs (2019). Pay-As-You-Earn and Corporate Tax Receipts from the Banking Sector. https://assets.publishing.service.gov.uk.

бўлиши мумкин. Ниҳоят, қарзлар бўйича кафолат банк йиғимларининг янада самарасини оширади[5].

Умумий қилиб олинганда, европа банк йиғимлари банклар мажбуриятларига нисбатан қўлланилиб, бунда тартибга солувчи капитал ва таъминланган депозитлар истисно қилинган бўлиб, банкларнинг риск даражаси ҳисобга олиниши муҳим ҳисобланади.

Бундай банк йиғимлари, корпоратив фойда солиғи каби банк фойдасига қўлланилмаса-да, аммо принципиал равишда тегишли активлар, мажбуриятлар ёки капиталдан ундирилади. Германияда банк йиғими базасига ялпи мажбуриятлар ҳисобга олинган ҳолда банкнинг ўз капитали ва жисмоний шахслар депозитлари чегирилиб ташланади. Аксарият, мамлакатларда банк йиғимлари (масалан, Австрия, Венгрия, Франция, Исландия, Португалия, Словакия, Словения, Нидерландия ва Буюк Британия) умумий бюджет даромадига ҳисса қўшади, бироқ бир қатор мамлакатларда (масалан, Кипр, Германия, Корея, Руминия ва Швеция) инқироз ҳолатлари юз берганда, махсус муаммоларни ҳал этиш фонди мавжуд. АҚШдаги "Молиявий инқироз учун жавобгарлик тўлови" (Financial Crisis Responsibility fee) деб номланувчи банк солиғи аввал жорий қилинган. Бу солиқнинг фарқли жиҳати шундаки, бу солиқ муаммоли активларни бартараф этиш дастури (Troubled Asset Relief Program, TARP) доирасида молиявий институтларнинг муваффақиятсизлигидан юзага келадиган ҳар қандай тўғридан-тўғри харажатларни қоплашга йўналтирилади.

Бельгиядаги банк йиғимларининг учта тури мавжуд: биринчиси, махсус муаммоларни ҳал этиш фондига тўланадиган ялпи мажбуриятларга йиғим; иккинчиси, молиявий барқарорлик ва депозитларни ҳимоя қилиш фондига йўналтириладиган депозит жамғармаларига йиғим; учинчиси, муайян риск омилларини инобатга олган ҳолда капитал, ҳаёт суғуртаси ва депозитлар учун махсус ҳимоя фондига йиғим. Банк йиғимлари асосан мажбуриятларга нисбатан қўлланилиб, асосан фискал ва рискли молиялаштириш манбаларини қисқартириш орқали банк секторини барқарорлаштиришга йўналтирилган.

Банк йиғимларининг солиқ келишувлари бўйича ундирилмаслиги, икки томонлама солиқ солиш рискини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, Chronopoulos ва бошқаларнинг таъкидлашича, банк йиғимининг жорий этилишидан зарар кўрган банкларнинг рентабеллиги сезиларли даражада камайиб кетган. Ушбу йиғимнинг тўланиши натижасида банкларнинг бозор капиталлашувининг салмоқли улушини (5,2 фоизга) йўқотишлари мумкинлиги кўрсатиб ўтилган[6].

Буюк Британияда 2011 йилда жорий қилингандан кейинги даврларда банк йиғимининг ставкаларини ўзгартирилиши (асосан ўсиш тенденциялари кузатилган) кўп мартоба амалга оширилган ҳолда ҳукумат томонидан корпоратив фойда солиғи ставкасини 28 фоиздандан 24 фоизга, кейинчалик эса 21 фоизгача пасайтирилган, бугунги кунда солиқ ставкаси 19 фоизни ташкил этади.

Шу билан бирга, даромад тушумини ошириш учун амалдаги банк йиғимининг ставкаларини кўтариш, бу банкларнинг капитали ва ликвидлик кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган ўзгаришларга таъсирчанлиги ошади, ноаниқликлар ва рақобатбардошликдаги номутаносиблик ҳамда фаолият билан боғлиқ кутилмаган оқибатларни (масалан, фаолиятни хориж ёки нобанк секторида олиб бориш) юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. OECD. (2013). Revenue statistics 2013. OECD Publishing.

2. HM Treasury. (2014). A bank levy banding approach: consultation. March 2014.

3. HM Revenue & Customs (2019). Pay-As-You-Earn and Corporate Tax Receipts from the Banking Sector. https://assets.publishing.service.gov.uk.

4. Diemer Michael (2017). «Bank levy and bank risk-taking,» Review of Financial Economics, Elsevier, vol. 34(C), pages 10-32.

5. Chronopoulos, Dimitris K. & Sobiech, Anna L. & Wilson, John O.S. (2019). «The Australian bank levy: Do shareholders pay?,» Finance Research Letters, Elsevier, vol. 28(C), pages 412-415.

[5] Diemer Michael (2017). "Bank levy and bank risk-taking," Review of Financial Economics, Elsevier, vol. 34(C), pages 10-32.

[6] Chronopoulos, Dimitris K. & Sobiech, Anna L. & Wilson, John O.S. (2019). "The Australian bank levy: Do shareholders pay?," Finance Research Letters, Elsevier, vol. 28(C), pages 412-415.

УЎТ: 658

Ўзбекистонда тижорат банклари ва савдо субъектлари муносабатларини ривожлантириш муаммолари
Проблемы развития отношений коммерческих банков и субъектов торговли Узбекистана
Development problems of relations between commercial banks and trade entities of Uzbekistan

Гулбухор СОЛИЕВА,
PhD
Умиджон СУЛТОНБОЕВ,
магистрант.
НамМТИ

Аннотация

Мақолада COVID-19 пандемияси шароитида тижорат банклари билан савдо субъектлари ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар таҳлил этилиб, мазкур соҳада қатор камчилик ва тўсиқлар борлиги аниқланган, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

В статье анализируется фармацевтический рынок Узбекистана и возможности использования прямого маркетинга. Рекомендуется схема взаимосвязи процесса принятия потребителем решения о покупке фармацевтиче¬ской косметики, процесса прямой продажи и основных задач маркетинга аптечного предприятия.

The article analyzes the opportunity of the Uzbek pharmaceuticals market and the use of direct marketing. Consumers' decisions on purchasing pharmaceutical products, and direct sales process in pharmaceutical companies and the scheme of correlation of marketing objectives are proposed.

Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемиясининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсирининг салбий оқибатларини бартараф этиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг инвестицион ва ташқи иқтисодий фаоллигини тиклаш, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 29 августда "2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"[1]ги қарори қабул қилинди.

Республикада иқтисодий ўсишни тиклаш ва тизимли таркибий ўзгаришларни давом эттириш бўйича 2020-2021 йиллардаги амалий ҳаракатлар режасининг бешинчи боби "Банк секторидаги асосий чора-тадбирлар" ва ўнинчи боби эса "Хизматлар ва рақамлаштириш соҳасидаги энг муҳим чора-тадбирлар" деб номланган бўлиб, 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегиясида тасдиқланган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларни назарда тутади:

а) 2020 йил охиригача бўлган давр учун:

– иқтисодий фаолиятни, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида, иқтисодий чора-тадбирларни қўллаган ҳолда тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ўртача даражада пасайтириш чоралари кўриш;

– кечиктирилган қарз миқдорини ҳисобга олган ҳолда, банк тизимининг ликвидлигини баҳолаш учун

Калит сўзлар: тижорат банклари, савдо, савдо субъектлари, кичик бизнес, банк хизматлари, савдо хизмати, банк маркетинги, савдо маркетинги.

[1] https://lex.uz/docs/4978202

стресс-тестларни ўтказиш;

– мажбурий захиралаш шартларининг қайта кўриб чиқилиши муносабати билан тижорат банкларига 2,2 трлн. сўм миқдорида қўшимча ликвидлик бериш, шунингдек, Марказий банкнинг пул-кредит инструментларидан, шу жумладан, махсус воситадан фойдаланган ҳолда 3-6 ой муддатга, фақат кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 2,6 трлн. сўм тақдим этиш;

б) 2021 йилда амалга ошириш учун таклиф этилган чора-тадбирлар:

– банк операцияларини соддалаштириш, жумладан, кредит бериш бўйича қарорлар қабул қилиш, шунингдек, банк хизматларини рақамлаштириш орқали банк тизими ва тадбиркорлик субъектлари харажатларини камайтириш;

– мулк ёки пул шаклида гаров талаб қилмайдиган, шу жумладан, ишонч, лойиҳани молиялаштириш каби кредитлаш воситаларини кенгайтириш;

– мавжуд автоматлаштирилган банк тизимларини баҳолаш учун тижорат банкларининг АТ-аудитини ўтказиш;

– лойиҳа таклифларини шакллантириш ва уларни асослашга ёрдам бериш, ишга туширилгандан сўнг лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, айланма маблағларни ўз вақтида тўлдириш орқали мижозлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш.

Хизматлар соҳаси, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини тиклашда асосий муаммо коронавирус пандемияси даврида уларнинг фаолиятини тиклашга эҳтиёткорлик билан ёндашишдир. Шу муносабат билан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

– ноозиқ-овқат товарлари савдосининг замонавий шаклларини ташкил этиш ва кенгайтириш ("Экобозор", "Корзинка" ва "Макро" каби йирик савдо тармоқлари тажрибаларига асосланган ҳолда);

– умумий овқатланиш, тозалаш, ювиш ва тикиш, маиший техникаларни таъмирлаш каби замонавий хизматлар кўрсатувчи савдо ташкилотлари тармоғини ривожлантириш, бу, ўз навбатида, банк тизими орқали молиявий айланмаларни фаоллаштиради ва бюджетга солиқ тушумларини оширади, шунингдек, савдо тизимидаги рақобатни оширади ва мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини такомиллаштиради;

– улгуржи савдонинг барча турларида, жумладан, қишлоқ жойларда хўжалик юритувчи субъектларнинг товар бозорларига кириш имкониятини кенгайтиришга қаратилган рақобат муҳитини шакллантириш;

– "дала-пештахта" тамойилига асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги бозорларига маҳсулотларни тўсиқсиз етказиб берилишини таъминлаш.

Кўплаб хизмат кўрсатиш корхоналари учун жорий йилнинг охиригача тикланиш омили бу – уларни қисқа муддатли айланма маблағлари билан таъминлаш, санитария-гигиена талабларини жорий этиш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни ажратиш ва тезкор тарзда фаолият юритишга рухсат беришдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 августдаги 524-рақамли "Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманини 2020-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва қамбағалликни қисқартириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни тасдиқлаш тўғрисида"ги[2] қарори қабул қилинди. Қарорда:

– 2020-2021 йилларда Тўрақўрғон туманида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш бўйича жами 2 трлн. 637млрд. 177млн. сўм қийматга эга лойиҳалар амалга оширилиши;

– туманда 2174 нафар ишсизлар касб-ҳунарга ўқитилиши ва қайта тайёрланиши, 3854 иш ўринлари яратилиши;

– халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка кенг жалб қилиш мақсадида "Ҳунармандчилик маркази" ташкил этилиши белгиланди.

2020-2022 йилларда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш бўйича жами 2 637 177 млн. сўмлик инвестиция лойиҳалари учун маблағ ажратилиб, шундан молиялаштириш манбалари: 231 685 млн. сўм ўз маблағидан, 8 974 млн. сўм банк кредити ҳисобидан, 2 872 млн. сўм хорижий кредит линиясидан, 249 393 млн.сўм хорижий инвестиция ҳисобидандир. Буларнинг натижасида 3 854 та иш ўринлари яратилиш режалаштирилган. Масалан, саноатни ривожлантириш соҳасида жами 2 395 172 млн. сўм қийматга эга лойиҳалар режалаштирилган, улардан: "Замин имкон сардори" МЧЖ, "Геркулес темир-бетон" МЧЖ, "Lekkus" ХК, "Вилсон телеком" МЧЖ, "Манас-авто-саноат" МЧЖ ҚК – Ўзмиллий банк; "Суғдиёна текстиль" ОК – "Агробанк" АТБ; "Тўрақўрғон ферросплав" МЧЖ – "Микрокредитбанк" АТБ ва бошқалар хизмат кўрсатишади. Хизмат кўрсатишни ривожлантириш соҳасида жами 94 550 млн. сўм қийматга эга лойиҳалар режалаштирилган бўлиб, улардан: "Бозорали мажмуаси" ХК, ЯТТ Абдуллажонов Вохиджон ўғли, "Боходир Соф Савдо" МЧЖ, "Фул центр идеал" ХК – Ўзмиллийбанк; ЯТТ

[2] https://lex.uz/docs/4972033

Рахмонов Мадамин – "Ипотека-банк" АТИБ; "Рамзиддин фарм" МЧЖ, ЯТТ Абдугаппоров Ойбек Шухратжон ўғли – "Агробанк" АТБ; "Оқсарой" МЧЖ – "Микрокредитбанк" АТБ хизмат кўрсатиши белгиланган.

Юқорида қайд этилган вазифаларни Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида фаолият юритаётган тижорат банклари ва савдо хизмати субъектлари мисолида таҳлил қиламиз.

Наманган вилояти Тўрақўрғон Акциядорлик Тижорат Халқ банки ҳам пандемия шароитида ўз мижозларига сифатли хизматлар кўрсатиб келмоқда. 2020 йилда АТ Халқ банки томонидан молиявий барқарорлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит бериш механизмини соддалаштириш ҳамда қисқа муддатда уларнинг талабини қондирилишини таъминлаш учун кредитлар ажратилишини самарали ташкил қилиш мақсадида, қуйидаги кредит турлари жорий қилинди: доиравий бизнес кредити, микроқарз кредити, овердрафт кредити, револвер кредити, round кредити[3].

Доиравий бизнес кредити шартномага мувофиқ юридик шахсларга 60 ой муддатга, ҳар 12 ойда устама фоиз ҳисобланган ҳолда қайтариш шарти билан тўлиқ қоплаш асосида ажратиладиган кредит маблағларидир.

Микроқарз кредити якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахснинг ссуда ҳисоб рақамидан асосий ҳисоб рақамига тўловларни амалга ошириш учун ўтказиб бериладиган қисқа муддатли мақсадсиз банк кредити.

Бизнес овердрафт кредити – банк мижозларининг ҳисобварағидаги қолдиқ маблағидан ортиқ миқдордаги маблағни ишлатиш ҳуқуқини берувчи очиқ кредит линияси орқали кредитлашнинг шакли.

Револвер кредити – шартномага мувофиқ устама фоиз ҳисобланган ҳолда қайтариш шарти билан қарз олувчига ҳар 3 ойда тўлиқ қоплаш шарти асосида ажратиладиган ҳамда қайта тикланадиган пул маблағлари.

Round кредити – қарз олувчига ҳар 45 кунда тўлиқ сўндириш шарти асосида қайта тикланадиган бир йил муддатга ажратиладиган пул маблағлари.

Тўрақўрғон туманидаги тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар таҳлили *(1-жадвал)*.

Жадвалдан кўриниб турибдики, туман аҳолисига банк хизматлари кўрсатиш бўйича банклар портфелини сўнгги уч йиллик даврини таҳлилга кўра тижорат банкларида асосий кредит ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичи юридик мижозлар салмоғига тўғри келмоқда. 2017-2018 йилларда юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитлар АТ Халқ банкида 26769,0 млн. сўмни, ОАТ Агро банкда 29846,0 млн. сўмни, ТИФ Миллий банкда 11607,0 млн. сўмни, АТ Микрокредит банкда 2758,0 млн. сўмни ташкил этмоқда. 2019-2020 йилларда бу кўрсаткичлар АТ Халқ банкида 48554,0 млн. сўм, ОАТ Агро банкда 52044,0 млн. сўм, ТИФ Миллий банкда 14509,0 млн.сўм, АТ Микрокредит банкда 4068,0 млн. сўмни ташкил этмоқда. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг умумий қиймати эса 2017-2018 йилларда АТ Халқ банкида 10176,6 млн. сўм, ОАТ Агро банкда 11076,0 млн. сўм, ТИФ Миллий банкда 3712,0 млн. сўм, АТ Микрокредит банкда 5745,0 млн. сўмни ташкил этган. 2019-2020 йилларда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар банклар портфелининг таркибида қуйидаги рақамларда ифодаланади. АТ Халқ банкида 45424,0 млн.сўм, ОАТ Агро банкда 58140,0 млн. сўм, ТИФ Миллий банкда 98145,0 млн. сўм, АТ Микрокредит банкда 4680,0 млн. сўмни ташкил этмоқда. Статистик маълумотлардан маълум бўлишича, банкларнинг кредит портфели таркибининг асосий қисмини юридик шахсларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитлар ташкил қилмоқда.

Жадвалдан кўриниб турганидек, саноат ишлаб чиқарувчиларга ажратилган кредитлар 2017 йилда 1707,1 млн. сўмни, 2019 йилда эса 2012,9 млн. сўмни, 2020 йилда 19701,1 млн. сўмни ташкил қилган. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан кредит суммаси 49,8 млн. сўмга кам миқдорда кредит маблағлари ажратилган.

Чакана савдога эса 2017 йилда 3207,1 млн. сўм, 2019 йилда 7307,9 млн. сўм, 2020 йилда эса 5222,1 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 2085,8 млн. сўмга кам миқдорда кредит маблағи ажратилган.

Лекин 2020 йилда банк томонидан саноат ишлаб чиқарувчиларга ва чакана савдога ажратилган кредит маблағлари 61,5 фоизни ташкил қилиб, қолган 38,5 фоиз эса бошқа соҳаларга тўғри келмоқда. Демак, АТ Халқ банки Тўрақўрғон филиалида асосий кредит маблағлари фойдаланиш соҳаси бу – саноат ва чакана савдо субъектлари ҳисобланмоқда.

Жадвалдан кўриниб турганидек, юридик мақомдаги мижозлар ичида кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги саноат ва чакана савдо корхоналарида юқоридир. 2017-2018 йилларда банк мижозлари ичида, саноат ишлаб чиқарувчилар томонидан 12 та янги иш ўринлари яратилган, даромад миқдори эса 2212,9 млн. сўмни, банк даромади эса 1000,4 млн. сўмни ташкил этган. 2019-2020 йилларда саноат корхоналарида 18 та янги иш ўринлари яратилиб, уларнинг даромади 2922,8 млн. сўмга етган, банк даромади эса 1247,9 млн. сўмни

[1] Наманган вилояти Тўрақўрғон АТ Халқ банки маълумотлари.

1-жадвал.

Тўрақўрғон туманида фаолият юритувчи тижорат банклари кредит портфелидан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари

(млн.сўм)

	Ҳисоб рақам	2017-2018 йилларда кредит портфелининг таркиби				2019-2020 йилларда кредит портфелининг таркиби			
		АТ Халқ банки	*ОАТ Агро банк*	*ТИФ Миллий банк*	*АТ Микрокредит банк*	*АТ ХалҚ банки*	*ОАТ Агро банк*	*ТИФ Миллий банк*	*АТ Микрокредит банк*
Юридик мақомдаги	20208/001	26769,0	29846,0	11607,0	2 758,0	48554,0	52 044,0	14 509,0	4 068,0
Якка тартибдаги тадбиркорларга	20218/001	319,0	719,0	187,0	1 945,0	334,0	2 671,0	657,0	2 190,0
Жисмоний шахсларга	149/001 12/001	10176,6	11 076,0	3 712,0	5 745,0	45424,0	58 140,0	98 145,0	4 680,0
Шундан									
Ипотека кредит (уй сотиб олиш)	14901	20	320,0	-	190,0	480,0	680,0	88 568,0	512,0
Истеъмол кредитлари (маиший техника, автокредит)	14901	9 864	7 680,0	2 563,0	1 615,0	16036,0	12015,0	1 075,0	1 905,0
Микроқарз	12601	-	1 559,0	975,0	1 640,0	3 949,0	6 605,0	712,0	2 098,0
Давлат дастури асосидаги имтиёзли кредитлар (ПҚ-3777; ПФ-5325)	14921/019 14921/020	292,6	1 517,0	174,0	2 300,0	24959,0	38 840,0	7 790,0	165,0
Жами		37 264,6	11 076,0	3 712,0	5 745,0	94 312,0	58 140,0	98 145,0	4 680,0

ташкил қилмоқда. Демак, банк даромади 25 фоизга ошган бўлса, мижозларники эса 29,3 фоизга кўпайган.

Банк кредитларидан фойдаланиш ҳисобига чакана савдода 2017-2018 йилларда 23 та янги иш ўринлари яратилиб, 1169,2 млн. сўм даромад олинган, банк даромади эса 528,6 млн. сўмни ташкил этган. 2019-2020 йилларда эса савдода 49 та янги иш ўринлари яратилиб, мижозлар даромади 3184,7 млн. сўмни, банк даромади эса 1359,8 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Демак, банк даромади савдога хизмат кўрсатиш ҳисобига 2,5 мартага ошган бўлиб, энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлил натижалари асосида тижорат

2-жадвал.

АТ Халқ банки Тўрақўрғон филиали юридик мижозларига ажратилган кредитлар таркиби таҳлили

(млн.сўм)

Т/р	Турлар	2017		2018		2019		2020	
		Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
1	Саноат ишлаб чиқарувчиларга	5	1707,1	7	1911,7	11	2 012,9	7	1970,1
2	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга	2	500,0	2	779,0	4	1071,0	2	1011,0
3	Хизмат кўрсатиш субъектларига	3	100,0	5	975,0	11	1124,0	9	1001,0
4	Чакана савдо	6	900,0	17	1012,0	42	3100,0	7	1240,0
Жами		**16**	**3207,1**	31	4 677,7	68	7 307,9	25	5222,1

3-жадвал.

АТ Халқ банки Тўрақўрғон филиали юридик мақомдаги мижозлардан кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги

(млн.сўм)

Т/р	Кредит турлари	Жами 4 йил давомида янги яратилган иш ўринлари	2017-2018 йилларда банк ва мижозларни олган даромадлари				2019-2020 йилларда банк ва мижозларни олган даромадлари			
			Янги иш ўринлари яратилиши	*И/Ч ўсиши 10 млн кредитга нисбатан*	*Сегментлар даромади*	*Банк даромади*	*Янги иш ўринлари яратилиши*	*И/Ч ўсиши 10млн. кредитга нисбатан*	*Сегментлар даромади*	*Банк даромади*
1	Саноат ишлаб чиқарувчиларга	**30**	12	3 618,8	2 212,9	1 000,4	18	3 983,0	2922,8	1247,9
Шундан			0,033	10,0	6,1	2,8	0,045	10,0	7,3	3,1
2	Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга	**10**	4	1 279,0	782,1	353,6	6	2082	1527,8	652,3
Шундан			0,031	10,0	6,1	2,8	0,029	10,0	7,3	3,1
3	Хизмат кўрсатиш субъектларига	**28**	8	1 075,0	657,4	297,2	20	2125	1559,3	665,8
Шундан			0,074	10,0	6,1	2,8	0,094	10,0	7,3	3,1
4	Чакана савдо	**72**	23	1 912,0	1 169,2	528,6	49	4340	3184,7	1359,8
Шундан			0,120	10,0	6,1	2,8	0,113	10,0	7,3	3,1
Жами		**140**	47	7 885	4 822	2 180	93	12 530	9 195	3926

банки фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ҳозирги шароитда тижорат банкларнинг асосий даромад олиш йўналиши чакана савдони кредит ресурслари билан таъминлаш бўлаётганлиги сабабли, савдо субъектлари билан банкни ўзаро иқтисодий-ижтимоий муносабатларини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун банк томонидан тумандаги савдо субъектлари, яъни юридик ва жисмоний мақомдаги тадбиркорларни кредит ресурсларига бўлган талабини маркетинг тадқиқотлари асосида чуқур ўрганиш, уларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш ҳамда узоқ муддатли шартномалар тузиш.

2. Тижорат банкининг туман аҳолисини истеъмол кредитга бўлган талабларини маиший техника ва бошқалар ассортиментлари кесимида аниқлаш, уларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш ва банк билан ўзаро алоқаларини олдиндан ўрнатиш зарур.

3. АТ Халқ банки Тўрақўрғон тумани ҳузуридаги савдо, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги етакчи мижозлар раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида махсус кенгаш ташкил қилишни таклиф этамиз. Мазкур кенгашда бир йилда 2 ёки 3 маротаба туманда савдони янада ривожлантириш ва ишлаб чиқарилаётган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишни кўпайтириш муаммоларини муҳокама қилиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш лозим. Мазкур кенгаш орқали банкнинг мижоз билан иш фаолиятига баҳо бериш ва уни такомиллаштириш бўйича мулоҳазалар қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 526-қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 августдаги “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманини 2020-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 524-қарори.

3. Наманган вилояти Тўрақўрғон АТ Халқ банки маълумотлари.

4. https://lex.uz/docs/4978202

5. https://lex.uz/docs/4972033

УЎТ: 656.613

Йўловчилар ташишни ташкил этишда логистик ёндашув
Логистический подход при перевозке пассажиров
A logistical approach to the organization of passenger transport

Барно КЕНЖАЕВА,
катта ўқитувчи.
Нилуфар ШАНАЗАРОВА,
ассистент.
Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация

Мақолада замонавий иқтисодий шароитда йўловчилар ташиш комплексини модернизация қилиш усуллари таҳлил қилинади, йўловчилар ташишни бошқариш соҳасидаги замонавий логистика хусусиятларини ҳисобга олиш зарурати ва сабаблари очиб берилади.

В статье проанализированы методы модернизации пассажирского транспортного комплекса в современных экономических условиях, выявлены необходимость и причины учета современных логистических особенностей в сфере управления пассажирскими перевозками.

The article analyzes the methods of modernization of the passenger transport complex in modern economic conditions, identifies the need and reasons for taking into account modern logistics features in the management of passenger traffic.

Ҳозирги вақтда модернизация ва инновацион иқтисодиёт даврида йўловчилар ташишни бошқариш тизимига йўловчилар ташиш йўналишлари, ҳажми ва сифатига нисбатан ортиб бораётган талаблар туфайли йўловчилар ташиш комплексининг тармоқ инфратузилмасини шакллантиришда маълум қийинчиликлар юзага келмоқда. Таъкидлаш жоизки, замонамизнинг ички йўловчи ташиш транспортини бошқариш тузилмалари стратегик вазифаларни бажара оладиган ягона транспорт ва логистика тизимларини шакллантириш учун самарали ва тизимли логистика дастурига муҳтож. Шунга қарамай, транспорт соҳасида логистика модернизацияси кўпинча катта харажатларга олиб келади ва шу сабабли транспорт тизимларидан фойдаланиш учун интеграл логистика тизимини жорий этиш учун кадрлар, ҳуқуқий, ташкилий, техник, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастурини услубий амалга оширишни талаб қилади. [1].

Транспорт турларидан қатъи назар йўловчилар ташишни ташкил этишда уларга бир хил талаблар қўйилган бўлиб, унда йўловчиларни қисқа вақт ичида манзилларига етказиб қўйиш, транспорт воситаларининг бутун маршрут давомида аниқ ҳаракати, транспорт воситаларидан яхши фойдаланиш, тўла хавфсизлик билан ташишни ташкил этиш, йўлўвчиларга юқори маданият билан хизмат этиш, иложи борича харажатларни тежамли сарфлаш талаблари қўйилади.

Йўловчиларни кўплаб ташувчи транспортнинг бошқа турларига нисбатан ташувчи автомобил транспортининг бир қанча афзалликлари бор. Бундай афзалликларга энг аввало, 1) йўловчилар ташувчи автомобил транспортининг юқори даражали маневрчанлиги, яъни йўловчиларни иш ва яшаш жойларига яқинлаштириб етказиб бориш хусусияти, такомиллаштирилган ва қаттиқ қопламали йўлларда ер усти йўловчилар ташувчи бошқа транспортларга нисбатан юқори ҳаракат тезлиги, зарур бўлганда шаҳар ичи маршрутларнинг бир қисмини дам олиш (шанба ва якшанба) кунлари шаҳар атрофи хордиқ чиқариш жойларига борувчи, шаҳардан ташқариларини эса унинг акси, керак бўлганда шаҳар ичи ва шаҳар атро-

Калит сўзлар: инновацион логистика, йўловчиларни ташиш, бошқарув тизими, йўловчилар оқими, логистика харажатлари, ташкилий ва иқтисодий механизм.

фи маршрутларидаги бир қисм автобусларни экпресс ҳаракатига ўтказа олиниши.

Бизнес соҳасида маҳаллий тузилмаларни эволютцион шакллантириш амалиёти шуни кўрсатадики, маҳсулотни илгари суриш жараёни тезкор ва стратегик характерга эга бўлган ўзаро боғлиқ логистика ҳаракатлари тизимини босқичма-босқич мураккаблаштиришни талаб қилади. Бунга Ғарб мамлакатларининг ютуқларини жалб қилиш орқали логистика жараёнини такомиллаштириш орқали эришиш мумкин, бу эса эволютцион самарасиз ишлаш схемаларини четлаб ўтишга имкон беради.

Йўловчи ташишни бошқариш тизими, шунингдек, ривожланаётган логистика тизими бўлиб, унинг сифати кўп ҳолларда тўғридан-тўғри логистика оқимларини тартибга солиш қобилиятига, шунингдек, тизимнинг сифатига, харажатларига ва йўловчиларни ташиш даражасига бевосита таъсир кўрсатадиган тизим элементларининг самарали ўзаро боғлиқлигига боғлиқ. Йўловчилар оқимининг ўсиши ва улар билан боғлиқ бошқарув қийинчиликлари замонавий логистика технологияларидан фойдаланишни ва Инновацион логистика тамойилларидан фойдаланган ҳолда йўловчилар ташишни бошқариш тизимига инновацияларни киритишни талаб қилади. Инновацион логистика бизга транспорт компаниялари учун оқим жараёнларини самарали бирлаштиришга ва бозорда узоқ муддатли муваффақиятларга йўналтирилган самарали стратегик ривожланиш дастурини ишлаб чиқишга имкон беради. Шундай қилиб, транспорт компаниясининг тактик ва стратегик мақсадларини муваффақиятли амалга ошириш унинг интеграция вариантида инновацион логистика соҳасида қабул қилинган қарорларга бевосита боғлиқдир. [2].

Бинобарин, инновацион логистика бу транспорт ташкилотларининг инновацион фаолияти ва оқимларни бошқариш жараёнларини мақсадли ташкил этишнинг назарий билимлари, хусусиятлари ва усуллари тизимидир. Замонавий логистика тизим таҳлилини амалга ошириш учун йўловчилар ташишни ташкил этишни бошқаришдаги муҳим ташкилий ва иқтисодий янгиликларни лойиҳалаштириш ва киритиш жараёнига, мавжуд ва рухсат этилган йўловчилар оқимини синтез қилишнинг фикрлаш услубига ва уларни тартибга солишга жавоб беради, логистика харажатларини камайтиришга ва йўловчи ташиш транспорти хизматлари сифатини оширишга ёрдам беради.

Йўловчилар ташишіни бошқариш тизимидаги инновацион логистика асосий вазифалари булар иқтисодий, математик, статистик ва бошқа самарали моделлардан фойдаланишга асосланган транспорт ва логистика тизимида оқимли жараёнларни бошқариш соҳасида замонавий инновацияларни яратиш ва логистика стратегияларини ишлаб чиқиш.

Логистика соҳасида инновацион ишларни амалга ошириш учун илғор тажрибаларни ишлаб чиқиш, тизимлаштириш ва қўллаш, шунингдек, йўловчилар ташишни бошқариш тизимининг уйғун ишлашини ташкилий ва иқтисодий механизмини яратиш, уни амалдаги транспорт тузилмаларини ривожлантиришнинг реал шароитларига мослаштириш.

Бир томондан йўлларнинг ташиш ва ташиш қобилиятини зарур тартибга солишни амалга оширадиган, иккинчи томондан йўловчилар ташиш ҳажмини оширадиган йўловчиларни бошқариш логистика тизимини ривожлантириш инновацион логистикани ташкил этишнинг муҳим омили ҳисобланади. Ушбу тизим барча йўловчилар оқимини бирлаштирган ҳолда ягона шаклда қурилиши керак ва йўловчилар оқимини лойиҳалаштиришдан транспорт жараёнларини бирлаштиришгача транспортни бошқариш учун компьютер технологияларидан кенг фойдаланишга, шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатишни тартибга солиш ва ташкиллаштириш, стандартлаштириш, таҳлил қилиш, ҳисобга олиш, назорат қилиш ва бошқариш режалаштириш. [3].

Шундай қилиб, инновацион логистикани амалга оширишнинг асосий йўналиши йўловчиларни ташиш самарадорлигини ошириш учун логистика таъминоти ва бир вақтнинг ўзида йўловчилар оқимини ваколатли таъминлаш, яъни транспорт ташкилотларининг логистика потентциалини аниқлаш, ресурсларни чеклаш, маълумотлар базасини бошқариш тизимининг алгоритмларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Чаплинскис Е.Г. Проблемы развития пассажирских перевозок // "Вопросы науки и образования". 2018. № 10 (22). С. 52-56.

2. Каратаев Н.Д. Инновации в перевозках пассажиров наземным транспортом // "Наука, техника и образование". 2016. № 5 (23). С. 70-72.

3. Раззаков М.И. Применение информационной логистики на общественном транспорте // "Наука, техника и образование". 2018. № 3 (44). С. 30-32.

УЎТ: 339.138: 615 (575.1)

Фармацевтик товарлар бозорида истеъмолчилар билан ўзаро муносабатлар маркетинги
Маркетинг взаимоотношений с потребителями на фармацевтическом рынке
Customer relationship marketing in the pharmaceutical market

Бахромбек БОБОЖАНОВ,
ТДИУ катта ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон фармацевтика товарлари бозори ва тўғридан-тўғри маркетингдан фойдаланиш имкониятлари таҳлил этилган. Фармацевтик товарларни харид қилиш бўйича истеъмолчиларнинг қарор қабул қилиши, фармацевтика корхоналарининг тўғридан-тўғри сотиш жараёни ҳамда маркетинг бўйича мақсадларининг боғлиқлик схемаси тавсия этилган.

В статье анализируется фармацевтический рынок Узбекистана и возможности использования прямого маркетинга. Рекомендуется схема взаимосвязи процесса принятия потребителем решения о покупке фармацевтической косметики, процесса прямой продажи и основных задач маркетинга аптечного предприятия.

The article analyzes the opportunity of the Uzbek pharmaceuticals market and the use of direct marketing. Consumers 'decisions on the purchase of pharmaceutical products, and their the direct sales process of pharmaceutical companies and the scheme of correlation of marketing objectives are proposed.

Фармацевтика бозори ҳар қандай давлат учун иқтисодий шакллантирувчи соҳалардан биридир. Ушбу соҳада инновациялар, фан ва технологиялар ютуқларини ривожлантириш, модернизация қилиш иқтисодиётга салмоқли ҳисса қўшади. 2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, маҳаллий фармацевтика саноати инновацион ривожланиш моделига ўтиши керак. Ушбу концепция аҳоли касалликларининг олдини олишни, фармакотерапиянинг самарадорлиги ва юқори сифат даражасини таъминлайдиган, пировардида инсон ҳаётининг давомийлиги ҳамда сифатини оширишга ёрдам берадиган фармацевтика секторининг барқарор фаолиятини ташкил этишга қаратилган[1].

Ўзбекистоннинг фармацевтика бозори МДҲда Россия ва Украинадан кейинги учинчи йирик бозор ҳисобланади. Ўсиш динамикаси (йилига 8-10 фоиз) бўйича МДҲ минтақасида энг тез ривожланаётган бозорлар қаторига киради. Ўзбекистон фармацевтика бозорида бугунги кунда 9000 турдаги дори воситалари, 1684 турдаги тиббий буюмлар ва 1529 турдаги тиббий техника маҳсулотлари истеъмол қилинмоқда[2].

Ўзбекистонда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Концепцияни амалга ошириш натижасида ички бозорда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг улушини қиймат жиҳатидан 50 фоизгача, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар портфелидаги инновацион дори воситалари улушини қиймат жиҳатидан 50 фоизгача ошиши белгиланган. Шунингдек, 2020-2024 йилларда фармацевтика тармоғига 100 миллион АҚШ доллари миқдорида қўшимча тўғридан-тўғри инвестициялар

Калит сўзлар: фармацевтика, дори-дармон, маркетинг, тўғридан-тўғри маркетинг, фармацевтика бозори, савдо, менежмент.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.

[2] Ўзбекистон ЕОИИга аъзо бўлишининг фармацевтика тармоғига таъсири - https://review.uz/oz/post/ozbekiston-eoiiga-azo-bolishining-farmacevtika-tarmogiga-tasir.

жалб қилиш, 2019 йилга нисбатан фармацевтика маҳсулотлари экспортини 3 баравар ошириш асосий мақсадли йўналишлар сифатида белгиланган.

Ўзбекистонда 2019 йилги ҳолат бўйича фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бозор субъектларининг сони 191 тани ташкил этиб, улардан 95 таси турли хил дори воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган, 23 таси тиббий техника, 62 таси тиббий буюмлар, 11 таси ҳам дори воситалари, ҳам тиббий буюмлар ишлаб чиқаради.

Фармацевтика бозорида сотишни кўпайтириш истиқболлари кўп жиҳатдан фармацевтлар ва маслаҳатчиларнинг тўғридан-тўғри савдосини ташкил этиш самарадорлигини оширишга ҳамда истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини чуқур ўрганишга боғлиқдир. Фармацевтика бозорининг тез ривожланаётган сегментлари соғлиқни сақлаш, гўзаллик ва соғлиққа ғамхўрлик тенденциясини фармацевтик косметика маҳсулотларини сотишда истеъмолчилар хулқ-атворидаги муваффақият белгиси сифатида тарғиб қилишга ҳисса қўшади.

Ўзбекистонда "Dori-Darmon" акциядорлик компанияси фармацевтика бозоридаги етакчи улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи корхона ҳисобланади. Мамлакатнинг барча вилоятларида компаниянинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилган. Компания таркибида 8 та акциядорлик жамиятлари ва 10 та масъулияти чекланган жамиятлар, шу жумладан, 17 та омборлар, 233 та дорихона ҳамда 1994 та дорихона муассасалари филиаллари, 15 та таҳлилий-аналитик лабораториялари мавжуд[3]. Дорихона филиалларнинг 70 фоизи қишлоқ врачлик пунктларида, республиканинг тоғли ва узоқ туманларида жойлашган. Узоқ қишлоқ ва тоғли ҳудуд аҳолисини дори-дармон воситалари билан таъминлаш мақсадида ихтисослаштирилган автомобиллар ёрдамида кўчма дорихона ҳамда дорихона филиаллари ташкил этилган.

Компания таркибига кирувчи "Dori-Darmon Garant" МЧЖ шахсий божхона омборига эга бўлиб, у ерда божхона расмийлаштируви ва фармацевтика маҳсулотларини сақлаш фаолиятлари билан шуғулланади. Компанияда Ўзбекистонда дори-дармон бозорини маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, дори-дармон ва тиббиёт буюмларини рўйхатдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослашган "Dori-Darmon Invest" МЧЖ фаолият юритади.

"Dori-Darmon" АКнинг маркетинг фаолиятини ривожлантириш бўйича стратегик йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– чакана савдо тармоғида маҳсулотнинг тизимли мерчендайзинги;

– бренд-маркетингни ривожлантириш;

– мижозларга хизматлар кўрсатиш сифат стандартларини ошириш;

– ассортимент минимумини кўпайтириш;

– чакана савдо ассортиментини импорт маҳсулот ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари ҳисобига кенгайтириш.

Замонавий маркетинг назарияси истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш учун кенг воситалар ва усулларга эга бўлиб, улар орқали истеъмолчилар хулқ-атворини прогноз қилиш ҳамда самарали маркетинг воситаларини яратиш имкони мавжуд. Шу билан бирга, фармацевтика бозорининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд ишланмалардан тўлиқ фойдаланишга имкон бермайди, чунки, ушбу гуруҳ маҳсулотларига истеъмолчиларининг эҳтиёжлари шаклланиши турли кўринишларда акс этади. Ҳозирги вақтда динамик равишда ривожланаётган бозор шароитида фармацевтика бозорида истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини, омилларни тизимли ўрганиш эса бозорнинг сифат жиҳатидан ўзгаришини таъминлашнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Глобал фармацевтика товарлари бозорининг ривожланиш тенденциялари умр кўриш давомийлигининг ўсиши ва соғлом турмуш тарзи, инсонларнинг ўз ёшини сақлаб туриши, умуман олганда ҳаёт фаровонлиги билан боғлиқ ривожланмоқда[4]. ACNielsen маркетинг компанияси томонидан олиб борилган тадқиқотларга қараганда, фармацевтика ва косметика маҳсулотларидан рус аёлларининг деярли 99 фоизи мунтазам фойдаланиши, Швецарияда эса 57 фоизи фойдаланиши аниқланган. Испан аёллари фармацевтик косметика товарларига йилига қарийб 350 евро сарфласа, рус аёллари 150 евро сарфлашади[5]. Мазкур ҳолатлардан маълум бўлмоқдаки, фармацевтика ва косметика товарлари бозори истиқболлидир.

Фармацевтик маҳсулотлар бозорида истеъмолчилар хатти-ҳаракатларининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ташқи ва шахсий детерминантларга кўра Блэкуэлл Р.Д.[6] томонидан гуруҳланган бўлса, унга истеъмолчининг психологик ҳолати ижтимоий ва маданий омилларнинг таъсирини Ф.Котлер[7], С. Диббла[8] томонидан ўрганилган.

Республикамизда фармацевтика саноатини ри-

[3] http://www.doridarmon.uz/o-kompanii/


[4] Ковальногова Ю.Н. Организация прямых продаж фармацевтической косметики с учётом факторов потребительского поведения. Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Ульяновск – 2018. 23 ст.

[5] Фармацевтический рынок ставит на косметику. URL: http://www.med2.ru/story.php?id=3460 (дата обращения: 18.02.2014).

вожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, фармацевтика товарларига истеъмолчилар хулқ-атворининг таъсирини ўрганиш асосида ҳар бир истеъмолчи учун шахсийлаштирилган маркетинг концепциялари, яъни, тўғридан-тўғри маркетингни йўлга қўйиш амалиёти кенг тарқалмаган.

Фармацевтика товарлари истеъмолчилари хатти-ҳаракатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг харид қилиш бўйича қарор қабул қилиши дори воситаларини харид қилишнинг ҳар бир босқичида олдинги харидлар жараёнида тўпланган билим ва тажрибалар асосида даврий ўзгариб боради. Ушбу хусусиятлар эса фармацевтика товарларини сотиш жараёнида тўғридан-тўғри маркетингдан фойдаланиш лозимлигини белгилаб, фармацевтика бозорида истеъмолчиларнинг бошқариш муаммосини юзага чиқаради. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри савдо жараёни ва фармацевтика тармоғи маркетингининг асосий вазифаларини ҳал этиш билан фармацевтика маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотишни самарали ташкил этишнинг ўзаро муносабатларни бошқариш бўйича таклиф этиладиган модель асосида фаолият юритишни белгилаб беради *(1-чизма)*.

1-чизмада таклиф этилаётган схема, фармацевтика бозори иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини тўғридан-тўғри сотиш жараёнлари билан боғлиқ экан-



1-чизма. Фармацевтика товарларини харид қилиши бўйича истеъмолчиларнинг қарор қабул қилиши, фармацевтика корхоналарининг тўғридан-тўғри сотиш жараёни ва маркетинг бўйича мақсадларининг боғлиқлиги[9].

[6] J.Ricks, I. Mardanov. The effect of pharmacists on drug purchasing behavior of price-sensitive consumers. Journal of Medical Marketing: Device, Diagnostic and Pharmaceutical Marketing. August 1, 2012. Volume: 12 issue: 3, page(s): 177-187.

[7] Котлер, Ф. Маркетинг и менеджмент / Пер. с англ. Под ред. Л.А. Волковой, Ю.Н. Каптуревского. – СПб: Питер, 2000 г. – 749 с.

[8] Дибб С. Практическое руководство по сегментированию рынка / С. Дибб, Л. Симкин. – М.: Изд-во Экономистъ, 2002 г. – 240 с.

[9] Муаллиф ишланмаси

лигини англатади.

Фармацевтика корхонасининг фаолиятига тўғридан-тўғри савдони самарали ташкил этиш ва жорий этиш жараёни ўз ичига қуйидагиларни олади: ходимларни тайёрлаш, таҳлил қилиш, амалга ошириш усулларини жорий қилиш, истеъмолчиларга ёрдам беришнинг асосий тартибларини ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш маданиятининг стандартларини жорий қилиш, фармацевтика бозорида сифатни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш, корхонанинг бозор фаолияти назорати.

Ўзбекистон миллий фармацевтика бозорида ҳам тўғридан-тўғри маркетинг амалиётидан корхоналар самарали фойдаланишмоқда. Айниқса интернет орқали савдо ва мижозларга янги хизмат турларини жорий этишнинг инновацион усуллари қўлланилмоқда.

Республикамиз фармацевтика бозорида, асосан, дори-дармон воситалари истеъмолчиларга одатий савдо қилиш жараёнларида кенг кўламли рақамли воситалардан фойдаланган ҳолда савдо қилиш, онлайн савдо кабилардан фойдаланмоқда. Шунингдек, истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри онлайн коммуникация жараёнларининг фармацевтика корхонаси томонидан амалга оширилиши, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларининг салбий асоратлари, афзаллик томонлари, сотув шарт-шароитлари, провизорларнинг маданияти, товар баҳоси ҳақида маълумот олиш имкониятларини тақдим этмоқда. Негаки, истеъмолчиларнинг "норозилигини" ўз вақтида аниқлаш ва уни бартараф этиш ҳар қандай савдо корхона учун муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилар билан бир қаторда фармацевтика савдо корхонаси томонидан олиб келинаётган янги дори-дармон воситаси ҳақида истеъмолчилар ва мутахассислар орасида (блиц, тезкор) якка тартибда сўровлар ўтказиши ҳам кенгаймоқда. Бундан асосий мақсад товарнинг тан олиниш жараёни ва ўсиш суръатларини мақсадли бозорнинг унга нисбатан диффузияланишини баҳолашдир. Фармацевтика савдо корхоналари томонидан таклиф этилаётган дори-дармон воситасининг сифати талаб даражасидан юқори бўлиши шарт эканлигини доимий тарзда ёдда тутишлари лозим.

Фикримизча, фармацевтика корхоналари учун самарали директ маркетинг стратегияси сифатида истеъмолчиларни ягона базада бошқаришга имкон берувчи дори-дармонлар интернет дўкон порталини ташкил этиш асосида савдо тизимини марказлаштирувчи ва савдо жараёнларини онлайн равишда олиб боришни таъминлашга қаратилган ҳамда ишлаб чиқарувчи, дилер ва мижозни бир-бирига бевосита боғловчи ягона тизимни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бундай порталларнинг ишга туширилиши орқали аҳолини фармацевтик маҳсулотлар билан самарали таъминлаш, сифатсиз дори-дармон воситаларидан сақлашга, бозорни янада ривожлантиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон республикаси фармацевтика тармоғида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.

2. Ўзбекистон ЕОИИга аъзо бўлишининг фармацевтика тармоғига таъсири – https://review.uz/oz/post/ozbekiston-eoiiga-azo-bolishining-farmacevtika-tarmogiga-tasir.

3. http://www.doridarmon.uz/o-kompanii/

4. Ковальногова Ю.Н. Организация прямых продаж фармацевтической косметики с учётом факторов потребительского поведения. Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Ульяновск – 2018 г. 23 ст.

5. Фармацевтический рынок ставит на косметику URL: http://www.med2.ru/story.php?id=3460 (дата обращения: 18.02.2014).

6. J.Ricks, I. Mardanov. The effect of pharmacists on drug purchasing behavior of price-sensitive consumers. Journal of Medical Marketing: Device, Diagnostic and Pharmaceutical Marketing. August 1, 2012. Volume: 12 issue: 3, page(s): 177-187.

7. Котлер, Ф. Маркетинг и менеджмент / Пер. с англ. Под ред. Л.А. Волковой, Ю.Н. Каптуревского. – СПб: Питер, 2000 г. – 749 с.

8. Дибб, С. Практическое руководство по сегментированию рынка / С. Дибб, Л. Симкин. – М.: Изд-во Экономистъ, 2002 г. – 240 с.

9. Djasurovna, E.S., Ahmadovich, H.Z., Nishonovich, S.A. The ways of improving competitiveness of textile industry enterprises based on marketing strategies. European Journal of Molecular and Clinical Medicine 7(7), c. 751-762.

https://www.scopus.com/results/results.uri?numberOfFields=0&src=s&clickedLink

https://www.scopus.com/inward/record.uri?eid=2-s2.0-85097160276&partnerID=40&md5=14b81f4d44c7490541e0ad88a06d09.

УЎТ: 334

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали механизми сифатида
Малый бизнес и частное предпринимательство как эффективный механизм содействия занятости населения
Small business and private entrepreneurship as an effective mechanism for employment promotion

Анвар ХОДЖАЕВ,
Лазиз ЖИЯНОВ,
Азизбек ҚУРБОНОВ,
БухДУ ўқитувчилари.

Аннотация

Мақолада аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти ёритилган. Кичик бизнеснинг бандликка таъсири ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари кўрсатилган.

В статье подчеркивается важность малого бизнеса и частного предпринимательства в обеспечении занятости. Изучены особенности и влияние малого бизнеса на занятость. Также обозначены направления развития малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере занятости.

This article highlights the significance and features of creating a favorable business environment for the further rapid development of private property and private entrepreneurship, as well as practical conditions for business in Uzbekistan.

Ҳозирги кунда бутун дунёда тобора кенгайиб бораётган глобал ҳодиса COVID-19 пандемияси фонида дунё ҳамжамиятида кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз, турли давлатларда намоён бўлаётган демографик вазият иқтисодиётнинг барча тармоқларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай вазиятда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислоҳотларнинг асосини ташкил этмоқда. Чунки, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ошишига эришилади.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва тадбиркорлик энг мақбул воситалардан биридир. Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришнинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўли танлаб олиниши бир қатор макроиқтисодий муаммоларни ҳал этишга имкон яратмоқда. Шундай макроиқтисодий муаммолардан бири аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламидаги муаммоларни ҳал этиш, турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш ҳисобланади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “...жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳа-

Калит сўзлар: бозор иқтисодиёти, бандлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, самарали бандлик, турмуш даражаси, фаровонлик.

мият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади. Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим" [1].

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдир. Бу муаммони ҳал этишда аҳолининг иш билан бандлик масаласи алоҳида ўрин тутади. Шу сабабли, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш амалга оширилаётган барча сифат ва миқдор ўзгаришларнинг бош мақсади сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ва қуйидаги вазифалар белгиланган [2]:

– аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сони ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

– бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда босқичма-босқич ошириш;

– янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

– меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини юксалтириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди [3]. Президент Фармонида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳисобига етакчи тармоқларни модернизациялаш ҳамда технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилаётганлиги ва бу, ўз навбатида, ўта долзарб муаммо ҳисобланган аҳоли, аввалambор ёшлар бандлигини таъминлаш имконини бераётганлиги таъкидланган. Шу билан бирга мазкур Фармонда, бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳалигача эскирган иш шакллари ва услубларидан фойдаланилмоқда, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари сақланиб қолинаётганлиги, муҳим ижтимоий масала ҳисобланган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга юзаки ёндашув ҳолатлари учраётганлиги ҳамда, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва жавобгарлик механизмларидан яхши фойдаланилмаётганлиги қайд этилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолининг иш билан бандлиги ва қўшимча даромад олиш имкониятини яратиш орқали жамиятдаги ижтимоий мувозанатни сақлашга, аҳоли орасида ўрта мулкдорлар қатламини шакллантиришга катта ҳисса қўшиши билан муҳим аҳамият касб этади. Зеро, тадбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айни дамда ўз даромадини ошириш билан бир қаторда жамият бошқа аъзоларининг ҳам иш ва даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли самарали бандлигини таъминлаш, пул даромадларининг ўсиши, унинг харид қобилиятини ошириш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш ҳамда пировардида эса мамлакатда иқтисодий фаолликни таъминлашда ҳамда миллий

иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Кичик ва ўрта бизнес БМТнинг Барқарор Ривожланиш Мақсадларига "инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, бандлик ва муносиб меҳнат ҳамма учун" (8-мақсад) ва "барқарор инфратузилмани яратиш, барқарор саноатлаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш"га (9-мақсад) эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнеснинг меҳнат бозорида иш билан бандликка таъсири – қўшимча иш жойлари ташкил этиш тезлаштирилишига унинг ташкил этилиши ва амалий фаолиятини бошлаши йирик корхоналарга нисбатан осонлиги билан ҳам изоҳланади.

Янги иш ўринлари ташкил этишда капитал сарфи ҳажми энг бирламчи омиллардан саналади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида йирик корхоналарга нисбатан кам капитал сарфланади ва айнан мазкур жиҳат орқали кичик бизнеснинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамияти яққол кўзга кўринади.

Аҳоли ташаббуслари, ижодий ва бизнес ғояларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида амалга оширилиш имкониятлари ниҳоятда юқоридир, чунки, кичик бизнесда тавакалчилик даражаси бошқа субъектларга нисбатан паст ҳисобланади.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2000 йилда жами меҳнат бандлигида улуши 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур соҳани ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш натижасида 2018 йилда унинг улуши 76,3 фоизга етганлигини ижобий баҳолаш мумкин [5].

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес корхоналарида мослашувчан иш графиги, яъни тўлиқ бўлмаган иш куни ёки ҳафтасининг мавжудлиги аҳолини кўпроқ жалб этиб, самарали бандликни таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда қўшимча иш жойлари ташкил етишнинг замонавий шакллари бизнес фаолиятининг муваффақиятини таъминлаб, аҳоли бандлиги, даромадлари ва турмуш даромадларини оширишнинг самарали воситаларидандир. Кичик бизнесда бандликнинг ностандарт шаклларидан бири ҳисобланган касаначилик шакли меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлиги ва оила бюджети барқарор даромадини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш йўлида, мулкий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий меҳнат муҳофазасигина емас, балки, мамлакатимизда шиддат билан кечаётган бозор, муносабатларида тобора кенг намоён бўлаётган молиявий-иқтисодий имкониятлар истиқболидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/3324

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // "Халқ сўзи". 2017 йил 8 февраль.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони // "Халқ сўзи". 2017 йил 25 май.

4. Дусматов С.М., Тагаев Б.Э. Тадбиркорликни ривожлантириш – аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий воситаси//Иқтисод ва молия. №11 2019 74-б.

5. www.stat.uz маълумотлари.

УЎТ: 338.3:323:004 (575.1)

Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Особенности формирования бизнес-среды в Узбекистане

Features of formation of the business environment in Uzbekistan

Наргиза ХАМИДОВА,
ЎзМУ ўқитувчиси.

Мафтуна АМАНОВА,
ЎзМУ тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришда қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда бизнес учун амалий шарт-шароитлар яратишнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

В данной статье подчеркиваются значение и особенности создания благоприятной бизнес-среды для дальнейшего быстрого развития частной собственности и частного предпринимательства, а также практических условий для бизнеса в Узбекистане.

This article highlights the significance and features of creating a favorable business environment in the further rapid development of private property and private entrepreneurship, and practical conditions for business in Uzbekistan.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиб беришга боғлиқдир. Тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи асосий бўғин ва амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Республикамизда тадбиркорликни барқарор ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Тадбиркорлик фаолияти макроиқтисодий жиҳатдан мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан эса янги иш ўринларини яратиш ҳисобига аҳоли даромадлари ва тўлов қобилиятини ошириш имкониятини тақдим этади.

Юқорида кўрсатилган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, мамлакатимизда 2018 йил "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинди. "Биз 2018 йилни "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилган эканмиз, келгуси йили фаол тадбиркорликни ривожлантириш эътиборимиз марказида бўлади. Бу соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилади. Юртимизда тадбиркорлик нима учун кутилган даражада ривожланмаяпти? Чунки, бу соҳа вакилларини асоссиз равишда текшириш ҳолатлари кўп. Очиғини айтганда тадбиркорликнинг эркин ривожланишига ўзимиз – давлат идоралари йўл қўймаяпмиз" [1].

Бугун қулай тадбиркорлик муҳити яратилишига тадбиркорлар фаолиятига ўринсиз аралашиш ҳамда турли назорат текширувлари, бюрократик

Калит сўзлар: тадбиркорлик муҳити, ишбилармонлик муҳити, тадбиркорлик фаолияти хавфсизлиги, мулкчилик муносабатлари, "Doing business".

тўсиқлар, фаолиятни ташкил этиш ва йўлга қўйиш давридаги муҳим бўлмаган турли ҳужжатлаштириш тадбир ва тартиблари, электр энергияси билан боғлиқ муаммолар, "Ўйин қоидалари"нинг "ўйин" вақтида тез-тез ўзгариши, валютани эркин конвертациялаш масаласига доир муаммолар тўсиқ бўлмоқда.

Мамлакатдаги тадбиркорлик муҳити кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай бўлиши мумкин. Лекин, йирик бизнес вакиллари ва хорижий инвесторлар учун бу муҳитни қулай деб бўлмайди. Ҳуқуқий ва институционал асослар ҳам, солиқ тизимидаги имтиёзлар ҳам асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётини йўлга қўйиб олишнинг дастлабки даврида ўзини оқлади. Аммо энди миллий иқтисодиётимизда йирик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, унинг истиқболи учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда ишбилармонлик муҳитининг яратилганлиги муҳим роль ўйнайди. Ишбилармонлик муҳити бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, юритиш учун мамлакатда яратилган қонуний шарт-шароитлар, тартиботлар, унинг қўллаб-қувватланиши, тадбиркорлик фаолияти эркинликлари ва кафолатлари мажмуасидир. Ўзбекистонда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришда қулай ишбилармонлик муҳити бизнес учун амалий шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун нафақат ички омиллар ҳамда шарт-шароит тақозо этилади, балки, улар билан бир қаторда ташқи омиллар, шарт-шароитлар, яъни, бизнес ва тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳити ҳам мавжуд бўлиши даркор.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг жадал ривожланишида мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий базанинг шакллантирилиши, яратилган турли имтиёзлар ва қулай ишбилармонлик муҳити бизнес учун амалий шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун муҳим шарт-шароитлардан бири мулк билан боғлиқдир. Мулкчилик муносабатларининг, мулкнинг хилма-хил шаклларининг, шу жумладан, хусусий мулкнинг ривожланиши учун қулай иқтисодий-ҳуқуқий шароитларнинг мавжудлиги мулкка эгалик қилиш, ундан ўз хоҳишича фойдаланиш, унинг натижаларини ихтиёрича ўзлаштириш имкониятларининг яратилиши тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим умумий шарт-шароитлари ҳисобланади.

Жаҳон банки томонидан ҳар йили дунёнинг 189 мамлакатидаги тадбиркорлик муҳитини бир хил мезон асосида баҳолаш учун "Doing business" – бизнес юритиш қулайлиги рейтинги тузилади. Рейтинг методикаси асосида, мамлакатлар 10 та индикатор бўйича баҳоланади. Жаҳон банкининг 2016 йил октябрь ойида тақдим этган "Doing business" – 2016"

1 жадвал.

Ўзбекистоннинг "Doing Business" бўйича рейтинг кўрсаткичлари динамикаси[1]

Т/р	Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
1	**Рейтингдаги умумий ўрни**	87	87	74	76	69
2	Бизнес корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	42	25	11	12	8
3	Қурилишга рухсатномалар олиш	151	147	135	134	132
4	Электр таъминоти тармоғига уланиш	112	83	27	35	36
5	Хусусий мулкни рўйхатга олиш	87	75	73	71	72
6	Кредитлар олиш	42	44	55	60	67
7	Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш	88	70	62	64	37
8	Солиқ солиш	115	138	78	64	69
9	Халқаро савдо	159	165	168	165	152
10	Шартномалар ижросини таъминлаш	132	38	39	41	22
11	Тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш	75	77	87	91	100

[1] http://www.doingbusiness.org, http://weforum.org, http://ffp.statesindex.org интернет сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

ҳисоботида, Ўзбекистон рейтингда 141 поғонадан 87 поғонага кўтарилди [2]. "Doing business" – 2018" ҳисоботида эса 74 поғонага кўтарилди. "Doing business" – 2019" ҳисоботига кўра мамлакатимиз рейтингнинг 76-поғонасини забт этган бўлса, "Doing business" – 2020" ҳисоботида 69-поғонага кўтарилганини кўриш мумкин. Ўзбекистон ўтган йиллар давомида камида уч соҳада ислоҳотлар ўтказиб, рейтингнинг юқори поғоналарига кўтарилган 10 та энг илғор ислоҳотчи давлатлар қаторидан ўрин олди.

Жаҳон банки гуруҳининг мазкур йиллик нашри – "Бизнесни юритиш" ҳисоботи 2003 йилдан буён эълон қилинади. У жаҳон мамлакатларидаги ишбилармонликнинг фаоллигини, бизнесни юритиш хусусиятларини, бизнесни юритиш учун мавжуд чекловларни баҳолайди.

Ҳисоботда хусусий корхоналарнинг ҳаётий циклида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳаларидаги тартибга солиш нормалари баҳолаб борилади. Хусусий сектор субъектларининг бизнес юритиш даражасидаги шарт-шароитлар ва имкониятлар дастлабки даврда бешта кўрсаткич бўйича 108 та мамлакатда амалга оширилган бўлса, эндиликда жаҳоннинг 190 та мамлакати бўйича ҳисобот тайёрланмоқда. Жаҳон банки гуруҳи ўзининг йиллик ҳисоботлар туркумидаги бизнесни қўллаб-қувватловчи ва унга тўсқинлик қилувчи қонунчиликка оид тартиб-қоидаларни ўлчашга бағишланган 15 ҳисоботини "Doing Business 2018: Reforming to create Jobs" (Бизнесни юритиш 2017: иш ўринларини яратиш ислоҳоти) рукни остида кенг оммага тақдим этди. Республикамиз ўз рейтингини яхшилаш бўйича энг яхши кўрсаткичга эришган 5 та мамлакат қаторига кирди. Аввало шуни айтиш керакки, республикамизда бизнес муҳитни яхшилаш соҳасидаги ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларга рухсат берувчи ҳужжатларни тақдим этиш таомиллари соддалаштирилмоқда. Натижада эса Ўзбекистоннинг рейтингдаги ўрни ва бизнес муҳитга оид натижалари яхшиланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь, 258 (6952)-сон.

2. Абулқосимов Х.П. "Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари" Т. "Ilmiy texnika axboroti – press nashriyoti" 2017 й.

УЎТ: 336.71

Замонавий банк хизматлари кўрсатишнинг моҳияти ва турлари
Сущность и виды предоставления современных банковских услуг
The essence and types of modern banking services

Салохиддин РАЙИМНАЗАРОВ,
Тошкент молия институти ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида замонавий банк хизматлари кўрсатишнинг моҳияти, турлари ва кўринишлари кўрсатилган. Шунингдек, мамлакатимизда замонавий банк хизматлари кўрсатиш таҳлили ҳамда ривожлантириш йўналишлари бўйича таклифлар келтирилган.

В статье рассматривается сущность предоставления современных банковских услуг в условиях развития цифровой экономики. Также показаны виды предоставления банковских услуг. Представлены анализ современных банковских услуг в стране и рекомендации по их развитию.

The article covers the essence of providing modern banking services in the conditions of developing digital economy. Also, the types and views of the provision of banking services are reviewed. It offers the trends analysis and recommendations for developing modern banking servicesin our country

COVID-19 пандемияси шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш банк тизимини ислоҳ қилиш, барқарорлигини ошириш, банк тизимига аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бозор муносабатларининг тобора ривожланиб бораётганлиги тижорат банклари хизматларига бўлган талабни ҳам кескин оширмоқда. Шу сабабли тижорат банклари ривожланиш стратегияларида асосий йўналиш сифатида замонавий банк хизматлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда ҳам банк тизими барқарорлигини таъминлаш, банк хизматлари сифатини ва оммабоплигини ошириш масалалари устувор вазифалар сифатида белгиланган. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ҳамда депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш; банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш ва бошқа устувор йўналишлар кўрсатилган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилаётганлиги, уларнинг турлари кенгайганлиги, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик ошиб бораётганлиги таъкидланган. Шу билан бирга, банк хизматлари истеъмол-

Калит сўзлар: банк, банк тизими, анъанавий банк хизматлари, замонавий банк хизматлари, интернет банкинг, СМС-банкинг, банк маркетинги.

чиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилаётганлиги кўрсатилган. Қарорда кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш ва инновацион ривожланишнинг тенденцияларини инобатга олган ҳолда молиявий очиқлик даражасини ошириш, банк хизматларининг оммабоплигини оширишни таъминлаш белгиланган [2].

Иқтисодий тизимнинг асосий тармоғи ҳисобланган банкларнинг хизматлари сони кундан кун ортиб бормоқда. Анъанавий банк хизматларини масофадан туриб амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги банклар учун янги замонавий хизматлар кўрсатиш даврини бошлаб берди.

Банкларнинг ноанъанавий хизматларига одатда банклар фаолиятига энди кириб келган банк хизматларини киритиш мумкин. Бундай хизматлар банклараро рақобатнинг ривожланиши, компьютер технологияларининг банклар кўрсатаётган хизматларда қўлланилиши натижасида жорий қилинган хизматлар ҳисобланади.

Тижорат банкларининг ноанъанавий хизматлари банк мижозлари учун кўплаб қулайликларни яратиши билан бир қаторда банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ошишига ва банк хизматлари турлари ортишига бевосита кўмаклашади.

Масофавий технологиялар мижозга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради.

Масофадан хизмат кўрсатиш тизими мижозларга тақдим этилаётган хизматларнинг характерига кўра икки турга бўлиш мумкин:

– информацион;

– транзакцион.

Информацион банкинг мижозларга молиявий маълумотларни тақдим этишга йўналтирилган бўлса, транзакцион банкинг молиявий операцияларни амалга оширишга имконият яратади. Масофавий банк хизматларининг асосий тамойили мижоз ва банк ўртасида турли ахборотларнинг масофадан алмашинуви ҳисобланади. Бунда банк томонидан мазкур амалиётнинг хавфсизлиги таъминланади.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг турлари:

Банк-Мижоз – бу компьютер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда мижознинг компьютерига махсус дастур ўрнатилади. Ушбу дастур компьютерда барча мижоз маълумотларни сақлайди (асосан тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар). Банк ва мижознинг компьютери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа амалга оширилади.

Интернет-банкинг – бу мижозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан, банк карталарига очилган ҳисобварақларини, интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури мижознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган тизимдир. Фойдаланувчи тизимга веб-браузер орқали киради. Интернет-банкинг тизими банкнинг веб-серверида жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида барча ўз маълумотлари (тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш имкониятига эга.


Мобил банкинг тизими интернет-банкинг технологияси асосида яратилади.

SMS-банкинг – бу банк мижозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ҳамда банк карталарига очилган ҳисобварақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварағидан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган SMS-сўровни юбориши лозим.

Бугунги кунда аҳоли тижорат банкларининг мобиль илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмоқда.

Ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт режимида банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан

фойдаланиш бўйича имкониятлар яратилди. Қуйидаги 1-чизмада масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сонининг таҳлили келтирилган.



1-чизма. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони *(турлари бўйича) 1 январь ҳолатига* [6]

Мамлакатимиздаги ҳар бир тижорат банки учун ривожланган давлатлардаги банклар амалиётини ўрганиш ва замонавий хизмат кўрсатиш технологияларига эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Халқаро муносабатларга киришар экан, ҳар бир банк хорижий банклар орқали ҳисоб-китоблар ўтказиши ва халқаро стандартларга риоя қилиши талаб этилади. Жаҳон иқтисодиёти глобализацияси шароитида ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатиш аҳамияти ортиб бормоқда, бу ҳолат инвестицион, консультацион, информацион хизматлар, активларни бошқариш каби хизмат турлари ҳажми ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Хизмат кўрсатишда турли телекоммуникацион воситалар: телефон, факс, интернетдан фойдаланилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банклар томонидан информацион технологиялар ва персоналга ажратаётган маблағлар ҳажмининг ортиб боришига олиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони// “Халқ сўзи”. 2017 йил 8 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори// “Халқ сўзи”. 2018 йил 24 март.

3. Жуков Е.Ф. Банки и банковские операции / Под ред. Е.Ф.Жукова. - М.: Банки и биржи, 1997. - С. 196.

4. Николаева Т.П. Банковский маркетинг: учебно-методический комплекс. - М.: изд.Центр ЕАОИ. 2009. – С. 224.

5. Рахмонов Д.А., Хошимов Э.А., Алимардонов Э.Д., Бекмуродова Г.А., Мамадияров З.Т. Молиявий глобаллашув шароитида масофавий банк хизматларининг ривожланиши: назария ва амалиёт. Монография. Т.: “IQTISODIYOT”, 2018 й., 49-60 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари.

УЎТ: 320

Пандемия. Туризм соҳасидаги молиявий тебранишлар
Пандемия. Финансовые колебания в туризме
Pandemic. Financial fluctuations in tourism

Собира УСМАНОВА,
Тошкент молия институти мустақил изланувчиси.

Аннотация

Ушбу мақола туризм тармоғининг иқтисодиётда тутган ўрни ва ролига бағишланган бўлиб, асосий эътибор туризмнинг ривожланиши ҳамда унинг молиявий жиҳатларига қаратилган. Шу билан бирга, йил бошидан пандемиянинг туризмга салбий таъсири кўрсатилган.

Данная статья посвящена месту и роли туризма в экономике и главное внимание обращено на развитие и финансирование туризма. Вместе с тем показано отрицательное влияние пандемии на туризм с начала года.

This article is devoted to position and role of tourism in economy; the main attention is paid, mostly, to development and financing of tourism. Also, the negative influence of pandemic to tourism since the beginning of the year is indicated.

Туризм соҳаси хўжалик тизимида иқтисодий жиҳатдан етакчи тармоққа айланди, кўпгина дунё мамлакатлари аҳолисининг даромади ва бандлик даражасининг ошишини таъминлади, иқтисодий ўсишига имконият яратди. Афсуски, пандемия туфайли халқаро туризм кўрсаткичлари кескин тушиб кетди. Жаҳон иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири туризм эканлиги ва ундан келадиган йиллик даромад 2019 йил якунлари бўйича 5,7 триллион долларни ташкил этганини ҳисобга олсак, муаммо кўлами қанчалик катта эканлигини кўрамиз. Туризм пандемия шароитида жуда заиф соҳага айланди.

2019 йилда юртимизга 6,7 миллион нафар сайёҳ келди. Юртимиз ўндан ортиқ нуфузли халқаро нашрларда энг жозибали туристик маскан сифатида эътироф этилди. 2020 йилда хориждан келадиган сайёҳлар сонини 7,5 миллионга етказиш режалаштирилган эди. Келтирилган натижаларга эришишимизда инновациялар ва рақамли иқтисодиётга ўтишимизнинг таъсири катта бўлиши назарда тутилган. Чунки, бу тизимда маълумотлар алмашуви тезкорлиги ошади. Лекин, йилнинг бошидан бутун дунё бўйича пандемиянинг бўлиши туризм ва у билан боғлиқ бошқа соҳаларга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Буюк қомусий олим Абу Али ибн Синонинг "Фи-тадбир ал-мусофирин", яъни "Саёҳатчилар учун тадбирлар" номли асарида хавфсиз саёҳатга оид тадбирлар, санитария-гигиена қоидалари ҳақида фикр юритилган. Бундан карантин режими ва санитария қоидаларига ҳам асос солганликлари ҳақида қимматли маълумотларни кўрамиз ва ҳозирги ҳолатда фойдаланишимиз мумкин. Буюк олим пандемия шароитида биринчи навбатда одамларни ваҳимага тушиб қолишдан қутқариш кераклигини таъкидлаган. У ташқаридан уйга кирганда тананинг очиқ қисмларини уксус билан артиш ва кийимларни ювиш кераклигини ўргатди. Чунки, касаллик қул ва кийимлардан ўтиши мумкинлигини айтди. Аллома одамларга битта жойга тўпланмаслигини ва касални алоҳида хонада сақлаш кераклигини тавсия қилди.

Дунё тиббиёти жуда ривожланди. Шунга қарамай ўн аср олдинги Ибн Сино қонунлари карантин


Калит сўзлар: туризм, молиявий ресурслар, солиқ имтиёзи, туризмни молиялаштириш, рақамли иқтисодиёт, пандемия.

даврида долзарблигича қолмоқда.

Тадқиқот методологияси. Иқтисодиётнинг қайсидир секторида қандайдир бир салбий ҳолат юзага келса, қолган соҳалар ҳам бундан зиён кўради. Буни "домино эффекти" дейишади. Ҳозир дунё иқтисодиёти шу эффект қурбонига айланган. Коронавирус барча давлатларнинг иқтисодиётига зарар етказди.

мижозларнинг соғлиғи билан боғлиқ масалаларга кўпроқ эътибор қаратиши керак. Давлатлараро туризмни ривожлантириш учун энди қандай талаблар қўйилиши ўйлантирадиган масала.

Туризм соҳасида ишни бирданига тўхтатиб қўйиш катта молиявий ва иқтисодий тебранишларга олиб келади. Сабаби иш шунчаки тўхтамади, балки катта зарарлар билан тўхтади. Чунки, аввалроқ тур-



Домино эффекти.

Таҳлил ва натижалар. Пандемия ва инқироз даврида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муносабатларнинг бузилиши жиҳатидан катта зарбалар туризм соҳасига келиб тушди. Дунё туризмида одамлар деярли саёҳат қилмаяпти. Ҳозирга келиб, тахминан 3 млрд. нафар одам изоляцияда бўлди. Жаҳон туризми ташкилоти маълумотига кўра, 2020 йилда халқаро сайёҳлар сони 89 фоизга, иш ўринлари 75 миллионга яқин қисқариши, соҳадаги жами йўқотишлар 800 миллиард долларни ташкил этиши мумкин. Жорий йилнинг 16 мартидан бошлаб мамлакатимиз ташқи ва ички сайёҳлар учун ёпилган эди. Шу кундан эътиборан республика бўйича 1,5 мингдан зиёд туроператор, 1200 та меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди ва бундан тахминан 45-50 мингга яқин бронлар бекор бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Бу жуда ёмон кўрсаткичдир.

2008 йилда бўлган инқироздан кейин туризм жадал ривожланиб кетган эди. Лекин 2008 йилдаги вазият билан ҳозирги ҳолатнинг фарқи бор. Чунки, у пайтда ҳамма гап молиявий муаммоларда эди, ҳозир эса одамларнинг саломатлиги ҳақида гап бормоқда. Ҳар бир авиакомпания, туризм сектори ҳам пакетлар, чипталар сотиб қўйилган, хизмат кўрсатаман, деб даромадлар олинган. Сотилган чипталар 1-2 ой кейинга олинган. Ўртада валюта курси ўзгарди, чипталарни қайтариш масаласи бор. Келажакда бу зарарларни қоплаш учун қандай ҳаракат қилиш ҳар бир тадбиркорнинг ўз масъулияти, молиявий аҳволини қандай баҳолагани, жамғармаси қанчага етишига боғлиқ. Агар жамғармаси йўқ бўлса ёки жамғармасини тўғри йўналтира олмаса, кичикроқ тадбиркорлик субъектлари, мисол учун, турагентлар соҳадан чиқиб кетишига тўғри келади.

Меҳмонхоналарнинг олинган зарар масаласида туроператорлардан фарқи шундаки, меҳмонхоналарда пул олдиндан олиб қўйилмайди ва пулни қайтариб беришга тўғри келмайди. 1-2 кун олдин олинадиган пулни меҳмонхоналар бемалол қайтара олади. Бундай шароитда ижарага турадиган меҳмонхоналар зарар кўради. Меҳмонхоналар учун ҳар қандай ҳолатда ҳам ички бозор бор.

Ҳар бир тадбиркор бизнесининг келажак олти ойлик фаолиятини қоплаб ҳаракат қилиши тўғри бўлади. Турфирмаларда икки хил тоифа бор: туроператор ва турагентлар. Туроператорлар деярли

бир йиллик даврий харажатларининг ҳисоб-китобини қилган ҳолда ишни режалаштиради. Ўзбекистонда турагентлар кўпчиликни ташкил қилади. Улар одатда ойлик, энг узоғи билан уч ойлик харажатини қоплаши мумкин. Ундан узоғига турагент сифатида давом эттира олмайди. Чунки, улар туроператорлар тайёрлаб берадиган пакетларнинг тайёри устига даромад қўйиб сотади. Уч ой учун ижарасини тўлаб қўйган бўлиши ва ходимлари жуда кўп бўлмаслиги мумкин. Шуларнинг харажатини чиқариб бера олади. Лекин маҳсулот (турпакет) айланмаси тўхтаган жойда улар қотиб қолади.

Туроператорларда муаммо бошқачароқ бўлади. Улар режалаштириб қўйган йиллик схемасида даромад манбаларини кутади. Даромаднинг келадиган ва сарфланадиган манбалари бўйича режа бузилгандан кейин ўзига яраша вазият ҳам ўзгаради.

Меҳмонхонани кредитга олиб қурганлар, давлатдан, банкдан олган пулга қараб қолганлар пандемия вазиятида оғир аҳволга тушиб қолди. Буни қоплаш масаласи қийинлашиши мумкин. Сутка давомида ишлайдиган колл-марказига бир кунда 500 та қўнғироқ бўлган бўлса, ҳозир 50 тага тушиб қолган. Қилинган қўнғироқларнинг тахминан 30 фоизи савдога ўтиши ва шунда мехмонхона ишчиларининг ойлигини таъминлаб бериш мумкин бўларди. Ҳозирда қўнғироқлар сони 10 фоизга камайди. Меҳмонхона учун чиқарилган 10 фоизлик солиқ ставкасининг бир фоизга туширилгани жуда яхши бўлди. Буни узоқроқ муддатга чўзса меҳмонхоналар учун янаям яхши бўлади. Авиачипталар соҳасига ҳам буни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирда ташқи туризмдан кўрилган зарарлар учун ички туризм кўп куч ташлашга тўғри келади. Шунда ташкилотлар касаба уюшмалари ҳар бир ходимига жума кунидан бошлаб таътил бериши уч кун давомида Ўзбекистоннинг ичида дам олишига имконият яратиши керак. Ота-онасини дам олишга юборадиган бўлса, харажатнинг бир қисми ташкилот томонидан тўланиб берилса ва бу сумма солиқдан озод қилинса булар ички туризмни ривожлантиришга ёрдам беради.

Меҳмонхоналарни 2020 йилда 1 минг 700 тага, келгуси беш йилда 3 мингтагача кўпайтириш режалаштирилган эди. Оилавий меҳмон уйларини эса 2 мингтага етказилиши айтилган. Булар орқали туризм соҳасида йилига камида 30 мингта янги иш ўрни яратиларди. Жорий йилда янги замонавий меҳмонхоналарни қуришга давлат бюджетидан 200 миллиард сўм субсидия ҳам ажратиб, туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириши режалаштирилган эди. Буларнинг барчаси рақамли иқтисодиёт шароитида янада жадаллашиши кўзда тутилган. Афсуски, пандемия туфайли 2020 йилда бошқа тармоқлар каби туризмда ҳам катта йўқотишлар бўлмоқда. Баҳор ойида Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Германия ва Франция каби давлатлардан келаётган, олдиндан бронлаб қўйилган 45-50 минг туристга мезбонлик қилишимиз кутилаётган эди. Бу, эса, мамлакат иқтисодиёти учун деярли 31 миллион доллар, яъни 297 миллиард сўм йўқотиш дегани ҳамда бу кундан кунга кўпаяпти[1].

Давлат томонидан инвестицияларни рағбатлантиришнинг қудратли механизми солиқларни бир мунча пасайтириш ёки маълум вақт давомида солиқ тўлашдан озод қилиш ҳисобланади. Янги инвесторлар баъзан туристик хизматлар экспортида анча паст бож тўловларидан фойдаланади. Хусусий секторга пансионатлар, кемпинглар, туристик базалар, профилакториялар каби туризм объектларини қуришга банк ссудаларини бериш шу соҳадаги нодавлат корхоналар сонини кескин кўпайтиради.

Туризм индустриясидаги хусусийлаштириш хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсиши амалда фақат самарали солиқ қонунчилигини яратиш, ички улгуржи бозорни ривожлантириш, ташқи ва ички савдони эркинлаштириш, туризм индустрияси учун кредит воситалари ички бозорини яратиш ва кредит ресурсларига эркин эга бўлишни таъминлаш, бир хил йўналишдаги корхоналар сонини кўпайтириш йўли билан рақобат учун шароит яратиш каби энг қулай иқтисодий шароитларнинг юзага келиши натижасида содир бўлиши мумкин.

Туризмни ривожлантиришнинг молиявий рағбатларидан бири янги туристик объектларнинг қурилишига узоқ муддатли кредитлар бериш ҳисобланади. Банклардан қарз олишда кредитга расмий кафолатлар бериш йўли билан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳам шулар жумласидандир.

Туризм фаолиятига хос бўлган хусусиятлар ушбу соҳага ички ва ташқи инвестицияларни кенг жалб қилиш имкониятларини беради. Соҳанинг кўп тармоқлилиги, яъни сайёҳлик, савдо хизмати,

[1] Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси раиси Азиз Абдухакимов берган интервьюсидан олинган. 2020 йил 10 апрелдаги МБ курси (1 доллар—9590 сўм) бўйича муаллиф томонидан ҳисобланди.

овқатланишни ташкил этиш, сайёҳларнинг соғлигини тиклаш ва хавфсизлигини таъминлаш каби фаолиятларни ривожлантириш ушбу соҳаларга инвестицияларни, айниқса хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишни тақозо қилади.

Туризм соҳасининг янги қирраларини шаклланиб бориши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишда кенг имкониятли тармоқларидан бири сифатида қолади.

Республикамизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлмоқда: туристик инфратузилманинг заифлиги; туристларга хизмат кўрсатиш сифатининг яхши эмаслиги; туристлар оқимининг мавсумийлиги ва мавсумлар даврининг қисқалиги; туризм тармоғи ишлаб чиқариш салоҳиятининг ҳудудлар бўйича нотекис жойлашганлиги.

Пандемия шароитида туризм соҳасини яхшилаш борасида қуйидагиларга эътиборимизни қаратсак мақсадга мувофиқ бўлар эди: глобаллашув жараёнида санитария ҳолатини яхшилаш; туризм соҳасидаги хизматлар нархини туристлар учун маъқул ва туризм индустрия учун фойда келтирадиган даражада сақлаб қолиш; туризм соҳасига чет эл инвстицияларни жалб этиш кўламини ошириш; туризм объектларида туристларга хизмат кўрсатишни тизимли ташкил этиш ва хизматлар сифатини ошириш; туризм соҳасида фаолият юритувчи ходимларнинг касбий малакасини ошириш.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш орқали қуйидагиларга эришишимиз мумкин: ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши; давлат бюджетига тушумларнинг ошиши; аҳолининг иш билан бандлик даражасини кўтариш; табиий ресурсларни асраб-авайлаш; мамлакатнинг сиёсий нуфузини янада ошириш; давлатлар ўртасида маданий алоқаларни кенгайиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, пандемия бошқа соҳалардаги каби туризм соҳасида ҳам молиявий тебранишларни келтириб чиқарди. Дарҳақиқат, пандемиядан кейинги даврда мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифа, мамлакатимизни кўриш, тамоша қилиш истагида бўлган жаҳон аҳолиси вакиллари учун тегишли шароит яратиб бериш ва уларга юқори савияда хизмат кўрсатиб, маблағларни мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга сафарбар қилишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 24 январь). “Тошкент оқшоми” газетаси, №13 (14.064). 2020 йил 25 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 январь куни туризмни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш масалаларига бағишланган йиғилиши. “Тошкент оқшоми” газетаси, №15 (14.066). 2020 йил 29 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси раиси Азиз Абдухакимов берган интервьюси.

4. www.google.com

УЎТ: 004:328

Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимининг ривожланиш ҳолати ва таҳлили

Состояние и анализ развития системы электронного правительства в Узбекистане

State and analysis of development of the E-government system in Uzbekistan

Даврон РАХМАТКАРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида давлат бошқарувида "Электрон ҳукумат" тизимидан фойдаланишнинг аҳамияти ва объектив зарурияти баён этилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишда амалга оширилган чора-тадбирлар ҳолати ҳамда таҳлили ўрганилган.

В статье описывается важность и объективная необходимость использования системы электронного правительства в государственном управлении в контексте развития цифровой экономики. В статье также рассматриваются состояние и анализ мер, принятых для внедрения электронного правительства в Узбекистане.

The article describes the importance and objective necessity of using the system of "E-government" in public administration in the context of the development of the digital economy. The article also examines the status and analysis of measures taken to introduce "E-government" in Uzbekistan.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб, айниқса, давлат бошқарувига АКТни жорий этиш давлатнинг истиқболдаги тараққиётини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида давлат бошқарувида "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш тобора объектив аҳамият касб этиб бормоқда.

Э-ҳукумат давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳамда техник воситалар тизимидир.

Давлат бошқарувида Электрон ҳукумат тизимини жорий этишдан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

– Давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш;

– барча сайловчиларнинг мамлакат бошқаруви жараёнидаги иштирок даражасини ошириш;

– аҳолининг ўзига ўзи хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш;

– технологик билим ва фуқароларнинг касбий маҳоратларини ошириш;

– географик жойлашув омилининг таъсирини камайтириш ва бошқалар [2].

Бугунги кунда электрон ҳукумат тизими Жанубий Корея, Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Сингапур, Норвегия, Канада, Нидерландия, Дания ҳамда Германия каби мамлакатларда ўзининг самарадорлигини кўрсатмоқда. Ушбу мам-

Калит сўзлар: Давлат бошқаруви, замонавий ахборот технологиялари, инновация, рақамли иқтисодиёт, "Электрон ҳукумат", Электрон ҳукумат ривожланиш индекси, интернет.

лакатларда жуда кўплаб давлат хизматларидан уйдан чиқмаган ҳолда, онлайн режимида фойдаланиш мумкин. Давлат органларига сўровларга жавоблар, турли тўловлар, расмий ҳужжатларнинг намунасини олиш, уларни тўлдириш, электрон имзо билан юбориш, олий ўқув юртларида масофадан туриб таҳсил олиш, ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат этиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳозирги замонавий шароитларда жамиятни ахборотлаштириш соҳасидаги ислоҳотларнинг изчил олиб борилаётганлиги натижасида Республикамизнинг барча соҳа ва тармоқлари, жумладан, Давлат бошқаруви органлари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, замонавий АКТни ривожлантириш ҳамда уларни ҳаётга кенг жорий этилишига эришилмоқда. Бу борада мамлакатимизда Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш ва уни ривожлантириш бўйича кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш лозимлиги стратегик мақсад этиб белгиланган [1].

Мамлакатимизда Электрон ҳукумат тизими Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида" ва "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонунлари, Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга ошириб келинмоқда.

Электрон ҳукуматнинг ривожланиб боришида ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали кўрсатилаётган хизматлар муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда портал орқали жами 19 та соҳа бўйича 219 турдаги давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Ягона портал, фойдаланувчиларга давлат органлари томонидан кўрсатиладиган бир томонлама, икки томонлама ва транзакцион шаклдаги интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Ягона порталнинг асосий вазифалари эса қуйидагилар этиб белгиланган:

– фойдаланувчиларга давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш учун имконият бериш;

– фойдаланувчиларни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳалар билан интеграциялаш;

– фойдаланувчиларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;

– давлат органларига мурожаат қилинганда фойдаланувчилар учун бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва уларни бартараф этиш;

– "Электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантириш ва давлат бошқарувига замонавий ахборот технологияларини жорий этишда кўмаклашиш.

Мамлакатда Электрон ҳукуматнинг ривожланганлигини акс эттирувчи кўрсаткич мавжуд бўлиб, ушбу кўрсаткич Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси деб аталади. Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси (ЕҲРИ) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2001 йилдан буён юритилиб, мамлакатларнинг миллий электрон ҳукумат тизимининг ривожланганлик даражасини ўлчайди. ЕҲРИни ташкил этувчи учта таркибий индекслар электрон ҳукуматга доир кенг миқёсдаги мавзуларни қамраб олади: Онлайн хизматлар индекси (ОХИ) ҳукуматнинг электрон шаклда хизмат кўрсатиш ҳамда ўз фуқаролари билан мулоқотда бўлиш даражасини, Телекоммуникация инфратузилмаси индекси (ТИИ) фуқароларнинг электрон ҳукуматда иштирок этишлари учун зарур бўлган инфратузилмаларнинг мавжудлик даражасини, Инсон капиталининг индекси (ИКИ) фуқароларнинг электрон ҳукумат хизматларидан фойдаланиш қобилияти даражасини ўлчайди.

ЕҲРИ математик жиҳатдан электрон ҳукуматнинг энг муҳим учта таркибий индекслари бўйича нормаллаштирилган баҳоларнинг ўртача қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади:

– онлайн хизматлар ҳажми ва сифатининг миқдорий ўлчови ёки ОХИ;

– телекоммуникация инфратузилмаси ривожланганлик ҳолати ёки ТИИ;

– инсон капитали даражаси ёки ИКИ.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида 8-ўрин, дунёда 87-ўринни қайд этиб, рейтингдаги таркибий индекслар ОХИ (0.7824), ТИИ (0.4736) ҳамда

1-жадвал.

Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси бўйича Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари рейтинги [3].

Т/р	Мамлакат	2018		2019		Баллдаги ўзгариш
		балл	ўрин	балл	ўрин	
1	Қозоғистон	0.7597	39	0.8375	29	+0.0778
2	Россия	0.7969	32	0.8244	36	+0.0275
3	Беларус	0.7641	38	0.8084	40	+0.0443
4	Арманистон	0.5944	87	0.7136	68	+0.1192
5	Озарбайжон	0.6574	70	0.7100	70	+0.0526
6	Молдова	0.6590	69	0.6881	79	+0.0291
7	Қирғизистон	0.5835	91	0.6749	83	+0.0914
8	Ўзбекистон	0.6207	81	0.6665	87	+0.0458
9	Тожикистон	0.4220	131	0.4649	133	+0.0429
10	Туркманистон	0.3652	147	0.4034	158	+0.0382

ИКИ (0.7434)да ўз ўрнини яхшилашга эришди. МДҲ мамлакатлари орасида етакчи Қозоғистон давлати (0.8375 балл) билан таққосланганда Ўзбекистон 0.6665 балл (1.00 дан)ни қайд этган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ОХИда сезиларли даражада яхшиланди. Аммо телекоммуникация инфратузилмаси ривожланиш кўрсаткичлари ҳанузгача тўлиқ ривожланмаган (Ўзбекистон кўрсаткичи 0.4736 балл), натижада мамлакатларнинг ЕҲРИдаги умумий баллари камайган. Ўзбекистон онлайн хизматларни тақдим этишнинг нисбатан илғор даражаларига эга бўлишига қарамай телекоммуникация инфратузилмаси соҳасидаги нисбатан секин ривожланиш натижасида ЕҲРИдаги умумий баҳолари пастлигича қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замонавий шароитларда давлат бошқарувида Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этишини таъминлаб, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

2. Электрон ҳукумат бўйича эслатма: Ўзбекистон Республикасида электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича давлат органларининг асосий вазифалари // Б. А. Авлиёқулов, Д. Ю. Атаджанов, Р. Р. Закиров - Тошкент: Baktria press, 2016. - 32 б.

3. http://ratings.gov.uz сайти маълумотлари.

УЎТ: 339.1.

Ресторан хизматлари соҳасида мижозларнинг қониққанлик даражасини баҳолаш
Практика оценки степени удовлетворенности потребителей сферы ресторанных услуг
Practice of assessing consumer satisfaction index in the sphere of restaurant services

Камолиддин ИБОДОВ,
Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти.

Аннотация

Мақолада кенгайтирилган маркетинг-микс элементларининг истеъмолчиларнинг ресторан хизматларидан қониққанлик даражасига таъсирини таҳлил қилиш ва баҳолаш масалалари келтирилган. Ресторан хизматлари соҳасида мижозларнинг қониққанлик даражаси нуқтаи назаридан пандемиянинг инқирозли шароитига мослашувчан фаолиятини йўлга қўйиш зарурати асослаб берилган.

В данной статье проведены анализ и оценка влияния расширенного комплекса маркетинга на степень удовлетворенности потребителей ресторанных услуг. Доказана необходимость соответствия сферы ресторанных услуг в кризисных условиях пандемии индексу удовлетворенности клиентов.

This article analyzes and evaluates the impact of the extended marketing mix on the consumers' satisfaction index of restaurant services. The necessity of conformity of the sphere of restaurant services to the crisis conditions of the pandemic from the customer's point of view has been proved.

Бугунги кунда ресторан хизматлари соҳаси макроиқтисодий вазиятга мослашган ҳолда суст динамикага эга ва "кутиш" жараёнида турмоқда, бироқ, пандемия оқибатлари бартараф этилиши билан аҳолининг пул даромадлари ва иқтисодий фаоллиги ортиши кузатилиши, келгусида "тежамкор" истеъмолчи хулқ-атвори шаклланиши юз бериши мумкин деб ўйлаймиз. Ташқи муҳит омилларининг бундай таъсири истеъмолчиларнинг уйдан ташқарида овқатланиш билан боғлиқ сарфларининг ортишига, киши бошига тўғри келадиган ўртача чек миқдорининг пасайишига, тармоқли ресторанлар сонининг ортишига олиб келади.

Ресторан хизматлари ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги боғланишнинг таҳлили барча омиллар таркибида аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол сарфлари ҳажми кучли омил эканлиги ҳақида илмий асосланган хулоса чиқариш имконини берди. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ресторан хизматлари ҳажми ўртача 43127 сўм (43,1 АҚШ доллари)ни ташкил этади. Таққослаш учун АҚШда бу кўрсаткич – 67 770 сўм (67,6 АҚШ доллари), Германияда – 215 613 сўм (215,4 АҚШ доллари)ни ташкил қилади [1].

Ўзбекистонда бир кунлик овқатланиш учун кунлик истеъмол харажатларининг 17 фоизи, АҚШда 47 фоиз, Канадада 39 фоизи сарфланади [1]. Демак, ушбу рақамлар келгусида Самарқанд вилоятида ресторан хизматлари ҳажмининг ортиши ҳақида умумий хулосага келиш учун асос бўлмаслиги мумкин. Бироқ, аксарият ривожланган мамлакатларда

Калит сўзлар: мижозларнинг қониққанлик индекси, WOM-marketing, event-marketing, корреляцион-регрессион таҳлил, кенгайтирилган маркетинг-микс, сервис ландшафти.

истеъмол таомиллари, истеъмолчи хулқ-атвори ва аҳолининг ҳордиқ чиқариш учун бўш вақтининг шаклланиш тенденцияси Ўзбекистонда ҳам қарор топади ва ушбу хизматларга бўлган талабнинг ортишини рағбатлантиради [2]. Самарқанд вилоятида янгидан ташкил этилаётган ресторанлар сони йилига ўртача 78 тага етади ва соҳа мутахассисларининг фикрича, ушбу тенденция яқин 10 йилда сақланиб қолади. Бироқ, хорижнинг етакчи шаҳарларига таққосланганда мамлакатимизда ресторан хизматлари билан таъминланганлик даражаси ҳамон паст кўрсаткич (0,02)га эга. Таққослаш учун Москва мегаполисида 1000 кишига нисбатан 0,55 та, Парижда 7,0 та, Прагада 6,5 та, Нью-Йоркда 4,32 тани ташкил этади [1].

Албатта, уйдан ташқарида овқатланиш анъанаси истеъмолчи хулқ-атворининг бозор муносабатларига трансформациялашуви билан ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади. Бу етарли даражада узоқ давом этадиган ҳамда истеъмол таомилларининг сезиларли даражада ўзгаришини талаб этадиган жараён. Шу билан бирга пандемиядан кейинги давр, албатта, ушбу соҳада сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқариши шубҳасиз. Пандемиянинг оқибатлари ресторан хизматлари ҳажми динамикасига салбий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланса-да, аҳолининг уйдан ташқарида овқатланиш билан боғлиқ сарфларининг ортишига олиб келувчи динамик жараён ҳамдир.

Фикримизча, мамлакатимизда ресторан хизматлари соҳаси биринчи навбатда, истеъмол тежамкорлигига ва истеъмол тартибига алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу вазиятда аксарият аҳолининг арзон кафе, фастфуд, стритфудларга, оммавий ресторанларга ташриф буюриши оддий ҳолат ҳисобланади.

Ресторан хизматлари соҳасининг ривожланиш йўналишини аввало хизмат кўрсатишнинг технологик жиҳатларига қаратиш, тез овқатланиш ва кейтеринг хизматларини кенг йўлга қўйишга қаратиш лозим [5].

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, пандемия ҳамда макроиқтисодий беқарорлик шароитида аксарият таҳлилчилар ресторан хизматлари ҳажми ҳамда аҳоли даромадларининг пасайиш динамикаси ҳақида прогноз қилишади. Макроиқтисодий чекланиш шароитида янги ресторан тармоқларининг кенгайиб бориши бошқа ресторанларнинг инқирози ёки фаолиятининг чекланиши ҳисобига амалга ошиши рад этиб бўлмайдиган ҳамда исбот талаб қилмайдиган далил ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида олиб борилган корреляцион-регрессион таҳлиллар шуни кўрсатадики, ресторан хизматлари ҳажми динамикасига таъсир қилувчи асосий омиллар аҳолининг даромадлари ҳамда уйдан ташқарида овқатланишга йўналтириладиган сарфларнинг ортиши ҳисобланади. Албатта, ушбу кўрсаткичлар ҳосилавий ҳисобланса да, ресторан хизматлари ҳажмининг ортишига таъсирини келгусида бошқариш мумкинлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Жаҳон ва миллий ресторан хизматлари соҳасининг интеграциялашуви ресторан бизнесининг замонавий тенденцияларига алоҳида ёндашувни талаб этади. Ўтказилган маркетинг тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, янги мижозларни жалб қилиш долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Мавжуд мижозларнинг мамнунлик даражасини ошириш бугунги кунда молиявий нуқтаи назардан ҳам аҳамиятлидир. Мижозларнинг қониққанлик индекси (Customer satisfaction index, CSI) молиявий индикатор ҳисобланмасада, бугунги кунда ресторан хизматлари соҳасида инқирознинг энг таъсирчан зонаси десак муболаға бўлмайди.

Хорижий мамлакатларда уйдан ташқарида овқатланиш ва ҳордиқ чиқариш кенг оммалашган. Европа мамлакатларида ресторан хизматлари бозори ўзининг кучли рақобат муҳити ва хизматларнинг юқори даражада дифференциаллашуви билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ресторанлар ва ресторан хизматлари ҳажми мамлакатимизга нисбатан анча юқори. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ресторан хизматлари бозори турли йўналиш ва трендларда ривожланиб, рақобат муҳити шаклланмоқда.

Истеъмолчиларнинг ресторан хизматларидан қониққанлик даражасини таҳлил қилишда танлаб олинган омиллар асосида Latent-SEM моделидан фойдаланиш тавсия этилади. Ушбу модел ёрдамида ҳар бир омил бўйича таъсирини баҳолаш мумкин бўлади.

Ижтимоий тармоқлар орқали ўтказилган сўровнома асосида истеъмолчиларнинг қониққанлик индекси *(Customer Satisfaction Index – CSI)*ни аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилди ва 5 балик шкалада баҳоланди:

$$CSI = sum\ W_j(P_{ij} - E_{ij}) \qquad (1)$$

бу ерда:

k – таҳлил қилинаётган омиллар сони; W_j – омилнинг муҳимлилик даражаси; P_{ij} – j омилга нисбатан i омилнинг истеъмолчилар томонидан кутилаётган ҳис этилиш даражаси ёки истеъмолчи баҳоси; E_{ij} –j омил-

нинг норматив ҳис этилиш меъёри ёки белгиланган энг юқори балл (5 балл).

Жадвал маълумотлари асосида қониққанлик индекси юқори (*CSi* >80%) бўлган истеъмолчилар 23,9 фоизни, қониққанлик индекси ўртача (*60>CSi<80*) бўлган истеъмолчилар 32,8 фоизни, қониққанлик индекси паст (*CSi* >60%) бўлган истеъмолчилар 43,3 фоизни ташкил этган. Сўров натижалари асосида истеъмолчиларнинг ресторан хизматларидан қониққанлиги ўртача даражадан юқори бўлиб 56,7 фоиз истеъмолчилар учун танлаб олинган омиллар муҳим ҳисобланади.

Истеъмолчиларнинг қониққанлик индексини таҳлил қилишда қониқиш даражасига кўра учта гуруҳга ажратилди:

1. Қониқиш даражаси юқори бўлган истеъмолчилар (*CSi* >80%):

$$EA(extremaiy\ agree) = \sum EA * 5 + \sum EA * 4 \quad (2)$$

2. Қониқиш даражаси ўртача бўлган истеъмолчилар (60>*CSi*<80):

$$A(Agree) = \sum A * 3 \quad (3)$$

3. Қониқиш даражаси паст бўлган истеъмолчилар (CSi >60%)

$$ED(extremaiy\ disagree) = \sum EA * 2 + \sum EA * 1$$

1-жадвал маълумотлари асосида қуйидаги хулосани келтириш мумкин:

Таом ва хизматлар (product) ассортименти кенг бўлган ҳолда турли стандарт ва услубда тайёрланган, турлича хизмат кўрсатиш даражасига кўрсатилган ҳамда бу жараёнда қадоқлаш, тақдим қилиш муҳим аҳамият касб этган. Аҳамиятлилик даражаси 13,3 га тенг.

Таом ва хизматлар нархи (price) ўртача чек қийматида таҳлил қилинган ҳамда 10000-20000 сўм оралиғида бўлган ҳолда қатъий белгиланган нархлардан иборат эканлиги аниқланди. Аҳамиятлилик даражаси 8,8 га тенг.

Ресторанниng жойлашуви (place) муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳолда аксарият истеъмолчиларга яқин жойлашган ҳамда 5 км.дан яқин масофада жойлашганлиги аниқланди. Аҳамиятлилик даражаси 16,8 га тенг.

Ресторан хизматларини силжитиш (promotion)-да асосан баннерлар ва анъанавий брендлар, WOM-marketing, ижтимоий тармоқлар ҳамда турли нарх чегирмалари муҳим роль ўйнаган. Аҳамиятлилик даражаси 16,4 га тенг.

Ресторан хизматлари соҳасида хизмат кўрсатувчи персонал (people, participant) истеъмолчиларни жалб қилиш, такрорий харидни рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ходимларнинг доимий табассуми, хушмуомалалиги, истеъмолчиларга зарурий ахборотларни ўз вақтида етказа олиш каби хусусиятлари муҳим ҳисобланган. Аҳамиятлилик даражаси 12,8 га тенг.

Ресторан хизматлари соҳасида хизмат кўрсатиш жараёнлари (procces) ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизими, қўшимча сервис, юқори даражадаги хизмат кўрсатишнинг ташкил этилганлиги билан боғлиқ. Айниқса, электрон тўлов тизимлари, электрон меню, тўловни кечиктириш имкониятлари муҳим ҳисобланган. Аҳамиятлилик даражаси 14,6 га тенг.

Ресторан хизматлари соҳасида хизматларнинг моддийлашуви (Physical evidence) истеъмолчиларнинг қониқиш даражасини оширишнинг муҳим омили ҳисобланган. Айниқса, ресторанниng эстетик хусусият-

1-жадвал.

Кенгайтирилган маркетинг комплекси (7 P) элементларининг муҳимлилик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган сўров натижалари

Т/р	Омиллар	Эксперт баҳоси					жами	*Омилларнинг аҳамиятлилик даражаси*
		5	4	3	2	1		
1	Product	3	-	8	18	1	30	*13,3*
2	Price		3	-	4	13	20	*8,8*
3	Place	10	7	-	13	8	38	*16,8*
4	Promotion	-	10	12	1	14	37	*16,4*
5	People	14	-	8	3	4	29	*12,8*
6	Process	11	4	12	-	6	33	*14,6*
7	Physical evidence	16	8	2	13	-	39	*17,3*
8.	Мижозларнинг қониққанлик даражаси	23,9	14,2	18,6	23,0	20,4	226	

лари, мусиқа, бетакрор ҳидлар, залнинг безатилиши, тозалик, гигиеник ва эргономик талабларнинг юқорилиги аксарият респондентлар томонидан ижобий баҳоланган. Аҳамиятлилик даражаси 17,3 га тенг.

Истеъмолчиларнинг маркетинг-микс (кенгайтирилган микс – 7P's) элементлари бўйича қониққанлик индексини гуруҳлаш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал маълумотлари асосида респондентларнинг маркетинг-микс элементларидан қониқиш даражаси ўртача даражада бўлиб, улар хизмат кўрсатиш жараёнлари, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ресторанниинг сервис ландшафти муҳим аҳамиятга эга эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Мазкур модел ёрдамида ўтказилган сўров натижаларига кўра қуйидаги фаразлар илгари сурилади:

H_1 – истеъмолчиларнинг қониққанлик даражаси келгусида ресторан хизматлари соҳасининг инновацион салоҳиятини ортишига олиб келади;

H_2 – истеъмолчиларнинг қониққанлик даражаси ресторан хизматлари соҳасида келгусида "сервис ландшафти"ни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини асослайди.

Истеъмолчиларнинг қониққанлик даражаси келгусида ресторан хизматлари соҳасининг инновацион салоҳиятини ортишига олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги H_1 фаразни асослаш учун ушбу омилларнинг Latent-SEM модели бўйича таҳлилини амалга ошириш лозим *(3-жадвал)*.

H_1 фараз бўйича истеъмолчиларнинг қониққанлик даражасига қуйидаги омиллар таъсири юқори эканлиги аниқланди:

2-жадвал.

Истеъмолчиларнинг маркетинг-микс (кенгайтирилган микс – 7P's) элементлари бўйича қониққанлик даражасининг гуруҳланиши[1]

Маркетинг-микс элементлари	Истеъмолчиларнинг қониққанлик даражаси, %	Гуруҳ тоифаси
Product	36,7	ED
Price	15,0	ED
Place	44,7	ED
Promotion	59,5	EA
People	75,9	EA
Process	81,8	A
Physical evidence	66,7	EA
Ўртача даражаси	54,3	ED

Ресторан хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг жойлашуви: истеъмолчиларнинг қониққанлик даражасига аҳамияти юқори *($p<0.01$)* ва кучли таъсирга эга. Ҳудудий жойлашувнинг ўзгариши хизматлар нархидан қониққанлик даражасининг 0,309 коэффициентга ўзгаришига олиб келади.

Ресторан хизматлари соҳасида хизмат кўрсатиш жараёнлари (procces): истеъмолчиларнинг қо-

3-жадвал.

Қониққанлик даражасининг маркетинг-микс (кенгайтирилган микс– 7P's) элементларига корреляцион боғлиқлиги[2]

	Product	Price	Place	Promotion	People	Process	Physical evidence
Product	1,000						
Price	-0,359	1,000					
Place	**0,309**	**0,412**	1,000				
Promotion	-0,492	**0,322**	-0,691	1,000			
People	-0,470	-0,596	-0,165	-0,374	1,000		
Process	**0,873**	-0,482	-0,402	-0,403	**0,700**	1,000	
Physical evidence	**0,105**	**0,974**	**0,903**	-0,951	**0,255**	-0,033	1,000

[1] Муаллиф ишланмаси

[2] Муаллиф ишланмаси

ниққанлик даражасига аҳамияти юқори *(p<0.01)* ва сезиларли таъсирга эга. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизими, қўшимча сервис, юқори даражадаги хизмат кўрсатишнинг ташкил этилганлиги ресторан жойлашган жойнинг стратегик аҳамиятини 0,873 коэфициентга оширишга хизмат қилади.

Ресторан хизматларининг моддийлашуви (Physical evidence): истеъмолчиларнинг қониққанлик даражасига таъсири аҳамиятли *(p<0.01)* ва бевосита таъсирга эга. Эстетик хусусиятларнинг ўзгариши хизматлардан қониққанлик даражасининг 0,105 коэффициентга ўзгаришига олиб келади.

Ресторанниng эстетик хусусиятлари, мусиқа, бетакрор ҳидлар, залнинг безатилиши, тозалик, гигиеник ва эргономик талабларнинг юқорилиги истеъмолчиларнинг қониққанлик даражасининг оширади ва такрорий ташриф ва харидни 0,0974 коэффициент, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизими, қўшимча сервис, юқори даражадаги хизмат кўрсатишнинг 0,903 коэффициентга ортишига олиб келади.

Ресторан хизматлари соҳасида истеъмолчиларнинг қониққанлик индекси такрорий ташриф буюриш хизмат кўрсатиш жараёнларига (Process), хизмат кўрсатувчи ходимлар (People)га ва хизматларнинг моддийлашуви (Physical evidence)га бевосита боғлиқ эканлиги ресторан хизматлари соҳасининг инновацион салоҳиятини ортишига олиб келиши ҳақидаги фаразимизнинг асосли эканлиги ҳақида хулоса қилишимизни амалий жиҳатдан асослайди.

Жадвал маълумотлари асосида H_2 фараз – истеъмолчиларнинг қониққанлик даражаси ресторан хизматлари соҳасида келгусида такрорий ташрифни рағбатлантириши ҳамда "сервис ландшафти"ни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини асослайди.

Фикримизча, ресторан бизнесининг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда сервис ландшафти қуйидагиларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ: ресторан муҳитининг шинамлиги шовқин даражаси, ёритилиш даражаси), мижозлар учун эргономик кўрсаткичлари (интерьерларнинг шакли ва ўлчами, юмшоқлиги ва қулайлиги), экстерьерларининг ўзига хослиги (турли безак элементлари, рамзлар, ранг, ҳид ва мусиқа), хизмат кўрсатиш сифати (хизмат кўрсатиш вақти, даражаси, ходимларнинг касбий салоҳияти), залдаги муҳит, ўз-ўзига хизмат, қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳамда хизмат кўрсатишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабилар.

Шунинг учун ҳам ресторан хизматлари соҳаси бугунги кундаги инқирозли шароитга тобора мослашувчан фаолиятни йўлга қўйиши, содиқлик дастурларини ишлаб чиқиши, сотишнинг илғор усулларини қўллаш, ижтимоий тармоқлар маркетинги ва интернет маркетингнинг SEO имкониятларидан кенг фойдаланиш, мижозларга йўналтирилган тамойили асосида фаолиятни йўлга қўйиши мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда ресторан хизматлари бозорининг истиқболли сегментларидан ҳисобланган *event-marketing* ва ва уни самарали бошқаришга йўналтирилган *event-management* амалиётининг етарли эмаслиги ҳам ресторан бизнеси ривожига тўсқинлик қилмоқда. Мамлакатимиз маданий ҳаётида турли байрам ва кўнгилочар тадбирларни ташкил қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш аксарият айрим йирик шаҳарларида кузатилади. Ҳудудларда бундай тадбирларни ташкил этиш ва ресторан бизнесига жалб қилиш билан боғлиқ масалаларни етарли даражада ечимини топиш зарур. Катта сиғимга эга банкет ва хизмат кўрсатиш заллари-нинг мавжуд имкониятидан фойдаланган ҳолда барча ҳудудларда турли танловлар, концерт, турли томошалар ташкил этишга эътибор қаратиш лозим. Ушбу тавсиялардан фойдаланиш мижозларнинг қониққанлик даражаси нуқтаи назаридан синергетик самарани вужудга келтиради ҳамда пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш имконини тақдим этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://www.researchandmarkets.com- **Euromonitor International** Restaurant & Catering Services (Global) - Industry Report-2020.

2. http://w/www.stat.uz. – Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси расмий сайти.

3. Тўраев Б.Х. ва бошқалар. Меҳмонхона хўжалигида хизматлар сифатини бошқариш. Ўқув қўлланма. Т:,- "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2020 йил. – 382 б.

4. Ибодов К.М. Ресторан ишида маркетинг. Дарслик. Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2019 й. 430-б.

УЎТ: 330

Йўловчи ташиш транспорт хизматлари маркетингининг ўзига хос хусусиятлари
Особенности маркетинга транспортных услуг в пассажирских перевозках
Marketing features of transport services in passenger transport

Дилфуза УМАРОВА,
Тошкент темир йўл муҳандислари институти ассистенти.

Аннотация

Мақолада транспорт хизматлари маркетингининг моҳияти, элементлар тизими ўрганилган, транспорт хизматлари бозорида талаб ўрни ва таҳлили ишлаб чиқилган. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг йўловчи ташиш тизимида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнидаги асосий омиллар ёритилган. Шунингдек, соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

В данной статье приводится определение маркетинга транспортных услуг, система элементов, рассмотрены роль и виды анализа спроса на рынке транспортных услуг. Представлены основные факторы процесса разработки и внедрения маркетинговой стратегии в системе перевозки пассажиров на АО "Ўзбекистон темир йўллари". В результате разработаны предложения по совершенствованию данной сферы.

This article provides a definition of marketing of transport services, a system of elements, considers the role and types of analysis of demand in the market of transport services. The main factors of the process of development and implementation of a marketing strategy in the system of passenger transportation at JSC "Uzbekistan Temir Yollari" are presented. As a result, proposals were developed to improve this area.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, мамлакат ҳаётида ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш, фан-техника тараққиётини (ФТТ) жадаллаштириш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунга иқтисодиётга киритилган янги инвестициялар ва мавжуд моддий-техника асосини модернизация қилишдан ташқари бошқарувнинг демократик тамойилларини кучайтириш, корхона, фирма ва уларга тенглаштирилган ишлаб чиқариш тузилмаларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ мустақиллик доирасини кенгайтириш, сиёсатнинг иқтисодиётдан устунлигига барҳам бериш, инсон фаолиятининг барча соҳа ва тармоқларида ташаббускорлик, изланиш ва ҳоказоларнинг ривожланиши ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.

Барча хўжалик юритиш тизимининг бозор муносабатларига ўтиши иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланувчи корхона мақомининг сезиларли равишда ўзгаришига сабаб бўлди. Корхоналар эндиликда давлатга тегишли бўлган пайтлардагидан фарқли ўлароқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятларини директива кўрсаткичлари асосида эмас, балки Ўзбекистон Республикаси "Корхоналар тўғрисида"ги Қонуни ва бозор талабларига асосан мустақил равишда юритмоқда. Улар ўзларига керак бўлган ишчи-ходимлар

Калит сўзлар: темир йўл транспорти, мижоз, бозор конъюнктураси, маркетинг, маркетинг тадқиқоти, маркетинг стратегияси, ташиш жараёни, транспорт хизматлари бозори, нарх.

сонини мустақил белгиламоқда, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси, тежамкорлик режимига риоя қилиш масалалари билан шуғулланмоқда, замонавий маркетинг ва менежментни йўлга қўймоқда ҳамда жорий ишлаб чиқариш режалаштирилиб, ривожланишнинг зарурий прогнозлари амалга оширилмоқда.

XXI асрнинг дастлабки йилларидан инсоният ҳаёти ва фаолияти жабҳаларининг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар содир бўлаётгани қувончли ҳолдир. Бу ўзгаришлар мустақил Республикамизнинг фан ва илмий тадқиқотлар, техникани ривожлантириш, янги материаллар, технологиялар яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, уни бошқаришда яққол намоён бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг сал кам ўттиз йиллиги даврида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаларида оламшумул ютуқларга эришилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Темир йўл соҳасида йўловчи ва юк ташиш, эксплуатация ва хизмат кўрсатишни бир-биридан ажратиш, яъни, табиий монополия қисмини алоҳида, хусусий секторни жалб қилиш мумкин бўлган йўналишларни алоҳида ривожлантириш лозим" дея таъкидлаган.

Бозор иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида "транспорт маркетинги (транспорт хизматларининг маркетинги) – бу истеъмолчиларнинг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжларини самарали равишда қондиришга, шунингдек, асосий фаолият сифатини оширишни таъминловчи турдош хизматларга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуидир. Бу транспорт хизматларини бозорга олиб чиқишга қаратилган фаолият"[1].

Ҳозирги даврда транспорт маркетингининг иқтисодий моҳиятини яхшироқ тушуниш учун асосий элементларнинг комплекс тизимини шакллантириш лозим (1-жадвал).

1-жадвал.

Транспорт маркетингининг асосий элементлар тизими[2]

Элемент	Моҳияти
Транспорт корхонасининг маркетинг сиёсати	Даромадни таъминлаш ва ошириш мақсадида товар, нарх, сотиш ва реклама сиёсатини ташкил этиш бўйича самарали ҳаракатларни шакллантиришга қаратилган қоидалар тўплами.
Транспорт маркетингининг функциялари	- транспорт бозорини комплекс ўрганиш ва унинг тизимли таҳлили; - мавжуд захиралар, имкониятлар ва истиқболли ресурсларни ҳисобга олган ҳолда транспорт компаниялари хизматларини режалаштириш ва башоратлаш; - транспорт компаниясининг тариф сиёсатини ишлаб чиқиш; - транспорт компаниясининг маркетинг фаолиятини бошқариш, унинг самарадорлигини баҳолаш; - истеъмолчилар талаби ва бозор конъюнктурасининг ўзгаришини назорат қилиш ва унга мослашиш.
Транспорт маркетингининг асосий тамойиллари	- фойдаланувчилар манфаатлари ва якуний натижага йўналтирилганлик; - техник воситалар ва технологик жараёнларни доим янгилаб борилиши; - транспорт фойдаланувчиларига хизмат кўрсатиш сифатининг оширилиши.
Транспорт маркетингининг асосий мақсадлари	- ташиш ҳажмини ошириш мақсадида қўшимча мижозларни жалб қилиш; - потенциал йўловчилар ва юк эгалари уларга сифатли транспорт хизматларини кўрсатишда муаммоларга дуч келмайдиган шароитларни яратиш; - молиявий ва иқтисодий барқарорликни, ижтимоий ва инфратузилма хавфсизлигини таъминлаш.
Маркетинг комплекси (маркетинг-микс)	Мижозларнинг транспорт эҳтиёжларини самарали қондира оладиган ва талабга таъсир этувчи омиллар асосида ишлайдиган маркетинг воситаларининг тўплами.
Транспорт бозорини ўрганиш усуллари	Кузатиш, сўровномаларни ўрганиш, ҳисобот ва башорат қилинган ахборот манбаларини таҳлил қилиш, телефон орқали суҳбат ва бошқалар.

[1] Морозова И.А., Тагиров Ш.М. Методология управлени конкурентоспособных рыночным поведением транспортных предприятий. Махачкала: МФ МАДИ, 2014. 180 с.

[2] Муаллиф томонидан тузилган.

Транспорт хизматлари бозорини самарали бошқариш мақсадида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, мақсадга мувофиқдир.

Маркетинг стратегияси бу корхонанинг ташқи ва ички муҳитида юзага келган ўзгаришлар асосида, корхона мақсадга эришиш тактикасини ишлаб чиқишдир. Айнан транспорт компанияси учун маркетинг стратегияси аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш имконини беради.

Маркетинг стратегияси корхона томонидан истеъмол бозорини танлаш, уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, эстеъмолчиларнинг эҳтиёжларининг ўзгаришига тез мослашишга йўналтирилган маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларга тузатиш киритишнинг доимий жараёни ёрдамида корхонанинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган фаолиятнинг шаклидан иборат.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, йўловчи ташиш тизимида маркетинг стратегияси ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнида қуйидаги асосий омилларнинг тўртта гуруҳга ажратилади *(2-жадвал)*.

маркетингга йўналтирилганлиги, уни шакллантиришнинг қуйидаги босқичларини ажратишни талаб этади:

– транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва компаниянинг рақобат устунликларидан (рақобатбардош тариф сиёсати, қулайлик, йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифати ва бошқалар) прогнозлаштириш даврида энг самарали фойдаланишга кўмаклашувчи ривожланиш стратегиясини танлаш;

– уларга эришиш прогнозланадиган давр шароитида компания рақобатбардошлиги ўсишини таъминлашга имкон берадиган компаниянинг стратегик мақсадларини таҳлил қилиш (харажатларни камайтириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, аутсорсинг ва ҳоказо);

– компаниянинг ишлаб чиқариш-ресурс салоҳиятини мустаҳкамлаш (ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, ходимларни оқилона бошқариш, инфратузилмани ривожлантириш ва ҳоказо) ва миллий иқтисодиёт ривожланишининг устуворликлари билан шакллантирилувчи мақбул шарт-шароитлардан фойдаланиш (ташқи ва ички

2-жадвал.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг йўловчи ташиш тизимида маркетинг стратегиясининг омилли таҳлили [3]

Т/р	Гуруҳи	Моҳияти
1	Маркетинг ташқи муҳитини яхшилаш	Транспорт хизматлари бозорида талаб тавсифи, йўловчилар эҳтиёжлари, хизмат кўрсатиш тизими, институционал тартибга солиш, B2B, B2C соҳалардаги тенденциялар, хизматларнинг ҳудудий тақсимланиши шартлари
2	Транспорт хизматларининг алтернатив турлари ўртасида рақобатчилик хусусиятлари	Транспорт хизматлари алтернатив турларининг асосий рақобатчилари ва уларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари
3	Компаниянинг ишлаб чиқариш-ресурс салоҳияти	Молиявий-иқтисодий, кадрлар, инновацион, ахборот, инфратузилма, ташқи иқтисодий ҳамда транспорт хизматлари бозорида уларнинг рақобатдош устунликларини аниқлаш
4	Компанияни ривожлантириш стратегияси ва унинг рақобатбардошлигини ошириш	Компаниянинг миссияси, асосий стратегик йўналишларидаги мақсадлари ва вазифалари

Кўриниб турибдики, маркетинг стратегиясини танлашга компаниянинг ички имкониятлари ҳам (унинг ички муҳити, жумладан мавжуд ресурслари ва ваколатлари), ташқи муҳитининг ҳолати ҳам (талаб, рақобатчилик хусусиятлари, институционал омиллар ва ҳоказо) таъсир кўрсатади.

Темир йўл транспорти фаолияти стратегик

сайёҳликни ривожлантириш, аҳолининг мойиллик даражаси ошиши ва ҳоказо) ҳисобига стратегик мақсадларга эришишнинг энг иқтисодий самарали воситаларини танлаш;

– компаниянинг прогнозланадиган даври учун ривожланишининг инновацион стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш (транспорт

[3] Зияева М.М. Хизматлар бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси ("Ўзбекистон темир йўллари" АЖ мисолида). Автореферат. Тошкент: Академия ноширлик маркази, 2018.

хизматларининг янги турларини бозорда таклиф этиш, тадқиқот сектори билан кооперацияни кенгайтириш, инфратузилмани ва ҳаракатланувчи таркибни модернизациялаш, технологик жиҳоз-ускуналарни янгилаш ва бошқалар).

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг маркетинг стратегияси мақсадлари қуйидагилардан иборат:


– темир йўл транспортига жалб қилиш мақсадида, янги, ноанъанавий хизмат кўрсатиш йўлларини излаш;

– ишлаш сифатини ва мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар, шу жумладан, техник ва технологик чора-тадбирларни таҳлил қилиш, танлаш ҳамда амалга оширишни назорат қилиш;

– транспорт хизматларига талабни рағбатлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

– темир йўл хизматини кўрсатувчи минтақада унинг кўпроқ самарали фаолият юритиши мақсадида, темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш имкониятларини излаш;

– брендни шакллантириш ёки зарур бўлганда ташкилотда ребрендинг жараёнини ўтказиш;



1-чизма. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг маркетинг стратегияси дастури[4].

[4] Зияева М.М. Хизматлар бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси ("Ўзбекистон темир йўллари" АЖ мисолида). Автореферат. Тошкент: Академия ноширлик маркази, 2018

– қўшимча фаолият турлари, шу жумладан, темир йўлнинг бошқа фойдаланувчиларига ҳам хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни таҳлил қилиш ва ривожлантириш (1-чизма).

Транспорт бозорида маркетинг тадқиқотини амалга ошириш, истемолчилар талабининг хусусиятларини таҳлил қилишни кўзда тутади, бу эса темир йўл транспортининг ресурс эҳтиёжларида устуворликларни аниқлаш имконини тақдим этади. Ўзбекистон ҳудудлари бўйича умумфойдаланилувчи темир йўл транспортида ташилган йўловчилар бўйича маълум бир дифференциация мавжуд.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖда маркетинг стратегияси дастури унинг амалда барча таркибий бирликларининг маркетинг тактик чора-тадбирлари даражасида фаолиятини қамраб олади, мижозларга тезкор, сифатли хизмат кўрсатиш ҳисобига фойдани ўсиши, ташишлар рентабеллиги ва даромадлигини оширишга эришиш учун уларнинг фаолиятини умумлаштиради.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг йўловчи ташиш тизимини такомиллаштириш учун қуйидагиларни жорий этиш таклиф этилади:

1. Маркетинг стратегияси компаниянинг рақобатбардош афзалликлари ҳисобига йўловчи ташиш ҳажмларини ошириш учун истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига тез мослашишга йўналтирилган маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларга тузатиш киритишнинг доимий жараёнини йўлга қўйиш;

2. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

3. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг маркетинг стратегиясини қайтадан ишлаб чиқиш ва бу борада малакали мутахассисларни жалб этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

2. Морозова И.А., Тагиров Ш.М. Методология управления конкурентоспособным рыночным поведением транспортных предприятий. Махачкала: МФ МАДИ, 2014. 180 с.

3. Балалаев А.С., Балалаев С.А., Климентьева И.И. Основы маркетинга на транспорте. Учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп. Хабаровск: ДВГУПС, 2013 г. 162 с.

4. Зияева М.М. Хизматлар бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси ("Ўзбекистон темир йўллари" АЖ мисолида). Автореферат. Тошкент: Академия ноширлик маркази, 2018 й.

5. Морозова И.А., Тагиров Ш.М. Кластерно-маркетинговый подход к управлению конкурентоспособным рыночным поведением транспортных предприятий. Махачкала: МД МАДИ, 2013 г. 202 с.

УЎТ: 334

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси

Опыт зарубежных стран в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства

Advanced foreign countries 'experience in small business and private entrepreneurship development

Жамшид ЭРГАШЕВ,
Наманган муҳандислик-технология институти ассистенти.

Аннотация

Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари бўйича маълумотлар берилган ва давлатлар томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари баён этилган.

В статье представлена информация об опыте зарубежных стран в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства и описаны механизмы поддержки со стороны государства.

This article provides information on the experience of foreign countries in the development of small business and private entrepreneurship and describes the mechanisms of support by states.


Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида кичик бизнес кўп сонли ташкилотлардан иборат бўлган, кўплаб янги иш ўринлари яратилаётган, ишсизлик даражасини пасайтиришга хизмат қилаётган соҳалардан биридир. АҚШ, Япония, Хитой Халқ Республикаси давлатларида кичик бизнес яхлит иқтисодиётнинг бир бўлаги сифатида фаолият юритади. Шунингдек, Тайвань ва Индонезияда кичик бизнесни жадал ривожлантириш ҳисобига йирик иқтисодий бозорга эга бўлдилар. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик бизнес босқичма-босқич ривожланиш хусусиятига эга. Масалан, Италияда кичик корхоналарнинг катта қисми мамлакат шимолида, кичик қисми эса жанубда жойлашган. Унга сабаб сифатида тарихий ривожланиш хусусиятлари ва капитални тўпланиши кўрсатилади [1]. Европа иқтисодиётида фаолият юритувчи кичик бизнес корхоналари ташқи ва ички ўзгаришларга тез мослашувчан бўлганлиги сабабли, улар ўз фаолиятларига инновацияларни кенг жалб этмоқда ва тез суръатлардаги иқтисодий ривожланиш даражасига эришмоқдалар. 2019 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларида 21,6 млн.дан ортиқ кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган, экспорт маҳсулотлари таркибида 33 фоизни ташкил этди. Эскпорт таркибини технологиялар, асбоб-ускуналар, саноат маҳсулотлари ташкил этди. Юқори даражада экспорт активлигини ўрта бизнес компаниялари кўрсатди. Европа мамлакатларида кичик ва ўрта бизнесда 89,6 млн.дан ортиқ киши банд бўлди. Кейинги беш йил ичида Европада кичик ва ўрта бизнес компаниялари томонидан 85 фоиз янги иш ўринлари яратилди [2]. Кўплаб ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан ишлаб чиқаришни кенгайтиришмоқда. Бизнес юритишнинг самарали ва самарали моделларидан кенг фойдаланишга ўтишмоқда. Ривожланган давлатлардан ташқари, асосан ривожланаётган, бозор иқтисодиётига ўтаётан мамлакатларда ҳамда

Калит сўзлар: кичик бизнес, кичик корхона, инновация, гигант корпорациялар, ихтисослашув, ўрта бизнес.

Шарқий европа мамлакатларида бир мунча бу соҳани ривожланиши секин бормоқда.

АҚШ, Италия, Япония ва бир қатор ривожланган мамлакатларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта қизиқиш мавжуд. АҚШда кичик ва ўрта бизнес объекти бўлиши учун 500 кишилик корхона бўлиши керак. Шу билан бирга кичик фирмалар ишчи-ходимлар сони бўйича бир неча гуруҳларга бўлинади: 20 кишилик фирма; 20-100 кишилик фирма; 100-499 кишилик фирмалардан иборат бўлади. Шу билан бирга ёлланма ишчи кучидан фойдаланишида [1]. АҚШ нафақат гигант корпорациялар мамлакати бўлмасдан, кичик ва ўрта бизнесда 5,6 млн. кишидан иборат.

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес дунёнинг энг ривожланган соҳаларидан биридир. Соҳада ихтисослашув жараёнининг чуқурлашуви натижасида 100 дан ортиқ кичик фирмалар дунёнинг барча минтақаларида тўрт мингдан ортиқ хизматчилардан бўлган жамоаси билан фаолият олиб бормоқдалар. Италияда эса кичик бизнесни ривожлантириш XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб жадаллашди ва бу жараён мамлакатни Европа Иттифоқига қўшилиши фонида янгича ўзгаришларга олиб келди. Дунё бозоридаги юқори даражадаги рақобатнинг юзага келиши таъсирида мамлакат маҳсулотларининг экспорти муаммолари юзага келди. Италия иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес корхоналари кучли ривожланган бўлиб, мамлакат ҳудудида 3,8 млн. кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаолият юритади ва аҳолининг 80 фоизини ташкил этади.[3] Кўплаб кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали шуни аниқлаш мумкинки, Италия Европа мамлакатлари орасида энг кўп кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига эга бўлган мамлакатдир.



1-чизма. АҚШларида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш йўналишлари[1].

Европада Германия кўплаб кўрсаткичлар бўйича кичик бизнес ривожланиши даражасига кўра етакчилик қилмоқда. Умумий кичик бизнес компаниялари сони бўйича эса Италия (3,7 млн. компаниялар) етакчилик қилади ва Германиядан



2-чизма. Европа мамлакатлари кичик ва ўрта бизнес обороти, млрд. евро[2].

1,5 марта кўп саналади (2,4 млн. компания). Италияда кичик бизнес компаниялар асосан фойдали қазилмаларда, Норвегияда нефть, газ, полиметалл рудалар соҳасида, Буюк Британияда эса кичик компаниялар қурилиш, ахборот ва телекоммуникация хизматлари кўрсатишда етакчилик қилади. Шу билан бирга Европа мамлакатларида истиқболдаги йўналишлар сифатида савдо, ишлаб чиқариш, қурилиш, илм-фан, инжиниринг соҳалари алоҳида ажралиб туради. Кичик ташкилотларда 10 кишидан иборат жамоа билан фаолият юритмоқда. Ўрта компанияларда 50-249 киши ишчи ходимлар жамоасидан иборат. Бу компаниялар ўз навбатида фаол бизнес стратегиясига эга бўлганлиги сабабли кўплаб тармоқларда етакчилик қилмоқда. Буюк Британия 330 млрд. фунт стерлинг (410 млрд. АҚШ доллари, яъни мамлакат ЯИМнинг 15 фоиз) маблағни маҳаллий бизнес вакилларини қўлаб-қувватлаш учун сарфлади. Кичик ва ўрта бизнес ташкилотларидан 45 млн. фунт стерлинг (56 млн. АҚШ доллари) айланма маблағга эга бўлганларга фоизсиз 5 млн. фунт (6,2 млн. АҚШ доллари) маблағ ажратди. Ҳукумат вакиллари 25 минг фунт стерлинг (31 минг АҚШ доллари) маблағни клублар, театрлар учун кучли пандемиядан иқтисодий зарар кўрганларга ажратишни режалаштирди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, дунё хўжалиги тизимида сўнгги йилларда жадал ривожланиш таъсирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларининг аҳамияти ва роли ортиб борилаётганлигини инобатга олган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан фойдаланишни янада ривожлантириш талаб қилинади. Бу билан соҳани янада жадал кенгайишига, соҳа фаолиятини янада аҳамиятини янада оширади. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан кутилаётган натижа эса аҳолини иш билан бандлигини ошириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали иқтисодиётда янги касб-ҳунарларни шакллантиришдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Горфинкель В.Я. Малый бизнес: учебное пособие - М.: КНОРУС,2009, 218 с.

2. Мкртичян Н.Г. Стратегия управления экспортом товаров малого и средного бизнеса и пути повышения ее эффективности (по материалам экспорта продовольственной продукции РА). Диссертация на соис.ученой.степен.кандидата эконом.наук. Ереван. Республика Армения, 2017 г. 24-с.

3. Особенности малого и средного бизнеса Италии, возможности и стратегиии выхода на новые рынки. Архив научных публикаций, www.rusnauka.com/20 TSN 2016/ Economiks/2213996.doc.htm

УЎТ: 330.01

Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишида институционал ўзгаришларнинг хорижий тажрибаси
Зарубежный опыт институциональных изменений в развитии реального сектора экономики
Foreign experience of institutional change in the development of the real sector of the economy

Равшан КАЛАНДАРОВ,
ТМИ мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, реал сектор тармоқлари ривожланишида институционал ўзгаришлар бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган.

В статье раскрываются особенности развития реального сектора экономики. Также был изучен опыт зарубежных стран по институциональным изменениям в развитии реального сектора.

The article describes the specifics of the development of the real sector of the economy. The experience of foreign countries on institutional changes in the development of real sector sectors was also studied.

Ўсиб бораётган эҳтиёжларга жавоб берадиган институционал тизимни яратиш учун давлатнинг иқтисодий тизимдаги янги ўрнини белгилаш лозим. Мавжуд иқтисодий ва сиёсий тенденцияларга асосланиб бундай кўп укладли иқтисодиёт ҳамда унда давлат ўрнининг сақланиб қолиши ривожланиш йўналишининг энг мақбули деб ҳисобланиши мумкин. Бу ижобий (инвестицион инқирознинг олдини олиш ва устувор йўналишларда саъй-ҳаракатларнинг концентрацияси) ва салбий (рақобат муҳитининг заифлашиши, бюджетга инфляцияга қарши босим ва бошқалар) натижалар ҳам бериши мумкин. Агар давлат хўжалик юритувчи субъект сифатида бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг бошқа функциясини – "ўйин қоидалари"ни белгилаш ҳамда уларга риоя қилишни назорат қилса, бу ижобий таъсир кучайтириши ва салбийлари заифлаштириши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига қўшиш жараёнларига катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси қабул қилинган бўлиб, унга кўра 2030 йилга қадар аҳоли жон бошига ЯИМни икки баробар ошириш вазифаси қўйилган.

Шу нуқтаи назардан, илғор мамлакатда тажрибадан ўтган институционал ўзгаришларни ва уларнинг қисқа вақт ичида иқтисодиётнинг юқори ўсишини таъминлаши учун шароит яратиши, шу орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича етакчи ўринларни эгаллашини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Европа мамлакатлари ва АҚШнинг реал секторида юқори ўсишни таъминлаб берган институционал ўзгаришлар моделлари – иқтисодий менежмент ва иқтисодий сиёсатнинг қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Калит сўзлар: иқтисодиёт, реал сектор, институционал ўзгаришлар, инновация, самарали бандлик.

– либерал, бунга АҚШ мисол бўлади;

– ижтимоий-либерал (неолиберал), Германияда амалга оширилган;

– социалистик бозор иқтисодиёти модели ёки Хитой модели;

– ижтимоий-демократик – хусусиятлари швед ва бошқа давлатлар иқтисодиётида намоён бўладиган модел[1].

Ривожланган мамлакатларнинг ижобий тажрибаси шуни кўрсатади-ки, индустриаллаштириш босқичидан ўтмасдан постиндустриал жамиятни тузиш мумкин эмас. Фақатгина индустриал асосда ривожланишни ташкил этиш орқали постиндустриал "сакраш" учун зарур шарт-шароитларни яратиш мумкин.

Бундай сиёсатни амалга оширишнинг ёркин мисоли сифатида меҳнат унумдорлигининг юқори даражасини ҳамда меҳнатнинг юқори самарадорлиги ва шахсий муваффақиятга йўналтирилган хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга асосланган АҚШ (либерал) моделини кўрсатиш мумкин.

АҚШ замонавий иқтисодий тараққиётининг муҳим хусусиятларидан бири – иқтисодиёт ва аҳолининг тез ўзгариб турадиган эҳтиёжларига мослашиш қобилиятига эга ФТТга асосланган диверсификацияланган ва кичик ҳажмдаги ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигидир. Бу микропроцессорлар ҳамда микроэлектроникадан кенг фойдаланишга асосланган янги ишлаб чиқариш ускуналари ва технологияларини реал секторнинг барча тармоқларига жорий этишга ёрдам беради.

Реал секторнинг тармоқларидан ташқари микроэлектроникага асосланган техника ва технологиялар банк ва суғурта соҳаларига катта таъсир кўрсатиб, молиявий секторда инқилобга олиб келди. Микроэлектроникани жорий этишга асосланган савдо, таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг моддий-техник базасида фаол ўзгартириш амалга оширилмоқда. Дастурлаштириладиган автоматлаштириш АҚШ ижтимоий ишлаб чиқаришининг етакчи кучига айланди. Буларнинг барчаси эҳтиёжлар ва талабнинг ўзгаришига мослашувчан, дарҳол жавоб берадиган мутлақо янги турдаги ишлаб чиқаришга ўтишга имкон беради [4].

АҚШ иқтисодиёти ҳозирги ҳолатининг яна бир асосий хусусияти билим даражасининг ошиши билан характерланади. Шу билан бирга, бир томондан илмий-тадқиқот ишлари учун харажатлар ўсмоқда, уларнинг таркиби ва кадрлар салоҳияти яхшиланмоқда, иккинчи томондан эса иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш натижалари тўғридан-тўғри илмий-тадқиқот харажатларига боғлиқ бўлган тармоқлар сони ортмоқда. 2018 йилда

1-жадвал.

ИТТКИга энг кўп маблағ ажратаётган давлатлар (ҲҚП бўйича 2018 йил, млрд.АҚШ доллари) [5]

Ўрни	Давлат	Миқдор	Ўрни	Давлат	Миқдор
1	АҚШ	581,6	11	Канада	29,0
2	Хитой	554,3	12	Испания	23,6
3	Япония	171,3	13	Австралия	22,6
4	Германия	141,4	14	Туркия	21,7
5	Жанубий Корея	98,5	15	Нидерландия	21,5
6	Франция	68,4	16	Швейцария	19,1
7	Буюк Британия	53,1	17	Швеция	18,1
8	Тайвань	43,3	18	Исроил	17,7
9	Россия	41,5	19	Белгия	16,5
10	Италия	36,0	20	Австрия	16,0

АҚШдаги ИТТКИи учун харажатларнинг умумий ҳажми 581,6 миллиард АҚШ долларини (ҲҚП бўйича, ЯИМнинг 2,8 фоизи) ташкил этди ва бу мамлакат тарихидаги рекорд даражага етди [5].

Сўнгги 20 йилнинг (1999-2018 йиллар) таҳлили АҚШ ИТТКИдаги харажатлари дунё ИТТКИ харажатларидаги улуши 40 фоизидан 27 фоизигача камайгани ҳолда, уларнинг ЯИМдаги улуши ва мутлоқ миқдори доимий кўпайиш тенденциясини

[1] Турли мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати ва трансформация жараёнлари таҳлил қилишда қуйидаги материаллардан фойдаланилди: Всемирная история модернизации // Эксперт. Специальный выпуск. - 29.

[2] Global Research and Development Expenditures: Fact Sheet Updated April 29, 2020. Электрон ресурс. https://fas.org/sgp/crs/misc/R44283.pdf

сақлаб қолганлигини кўрсатмоқда[2]. ИТТКИда инсон омилидан фойдаланиш жуда муҳим: 2018 йилда тадқиқотчилар улуши ҳар 10 минг ишчига 87 киши тўғри келди.

Сўнгги йилларда (2013-2018 йиллар) ИТТКИларига харажатларининг 62 фоизидан ортиғи тадбиркорлик сектори томонидан молиялаштирилиб, 2018 йида 360,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Федерал ҳукумат томонидан ИТТКИига харажатларининг 30 фоиздан ортиғи молиялаштирилади.

Юқоридагилар бирга тадбиркорлик сектор ИТТКИга ажратилган маблағни ўзлаштирувчи асосий сектордир. Бу секторда 72 фоиздан кўпроқ маблағлар ўзлаштирилади.

2018 йилда АҚШда юқори технологияли маҳсулотлар экспорти жорий нархларда 156,4 млрд. долларни (жами экспортнинг 18,9 фоизи) ташкил этди. Унинг таркибида турли хил ракета ва космик транспорт воситалари, компьютерлар, фармацевтика воситалари, илмий асбоблар ва электр жиҳозлари мавжуд.

Иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий-либерал (неолиберал) модели ордолиберализм назариясига асосланади. Ордолиберализм, аслида, классик либерализм назариясига асосланган неолиберализм назариясининг немисча туридир.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан ҳозирги кунгача аҳоли орасида ишлаш учун бундай кучли рағбат бошқа ҳеч қайси давлатда кузатилмаган. Ўша йиллардан Германия иқтисодиётининг барча тармоқлари барқарор ўсишни намоён этди ва 2019 йил якунлари бўйича жаҳонда номинал қиймати бўйича 4-ўринда (3996 млрд. АҚШ доллари), ХҚП бўйича 5-ўринда (4660 млрд. АҚШ доллари) туради.

Германия иқтисодий тизимини ривожлантиришда ҳал қилувчи ўринни айнан ижтимоий бозор модели ўйнади. Унга мувофиқ давлат сиёсатининг вазифаси эркинлик, тартиб-қоидалар, шахсиятпарварлик ва жамоатпарварликни "барча учун фаровонлик" мақсадида бир бутунга уйғунлаштиришдир. Мақсад эса ҳар шахс учун зарур минимал талабни қондириш ва шундай шароитлар яратишдан иборатки, ҳар бир шахс ўзининг ҳаракати билан ўз хоҳиш-истакларини максимал қондириш имкониятига эга бўлишидир. Демак, жамиятнинг барча аъзолари учун ўз хоҳишига кўра имкониятларини рўёбга чиқариш учун тенг шарт-шароит яратилган бўлиши керак. Шахсий муваффақият даражаси маълум бир кишининг қобилиятлари даражасига ва уларни амалга оширишга сарфлаган ҳаракатларига боғлиқ бўлиши керак.

Германия иқтисодиёти ҳаддан ташқари саноатлаштирилганлиги билан тавсифланади. Дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларига нисбатан ЯИМ таркибида саноатнинг улуши салмоқли (ЯИМнинг 1,1 фоиз қишлоқ хўжалигида, 34,5 фоиз – саноатда, 64,4 фоиз хизматлар – ЯИМда). Бу шунчаки тасодиф эмас, Германиянинг жаҳон иқтисодиётидаги ихтисослашуви саноат (биринчи навбатда, машинасозлик) маҳсулотларини ишлаб чиқаришдир.

Бошқаришнинг ижтимоий-демократик модели бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан ЯИМнинг асосий қисмини қайта тақсимлаш; нафақат аҳолининг энг заиф қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатишни, балки аҳолининг катта қисмига ижтимоий кафолатлар беришни таъминлайдиган кенг кўламли ижтимоий сиёсат юритиш; иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ижтимоий механизмлардан фойдаланиш каби фаол тартибга солиш сиёсатига асосланади. Иқтисодиётни тартибга солишнинг дастурий усули, индикатив режалар кенг қўлланилади. Давлат харажатларининг кўплиги солиқларнинг юқори даражасига олиб келади. Иқтисодий жараёнларни тартибга солишда давлат билан биргаликда турли хил нодавлат ташкилотлар муҳим ўрин эгаллайди.

Хитойда ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсади кучли ва замонавий давлат қуришдир. Ушбу мақсадга эришиш учун иккита стратегик мақсад қўйилади:

биринчидан, иқтисодиётни анъанавий экстенсив (харажатли) шаклдан, замонавий, самарали, билим, илм-фан, янги техника ва технологияларга асосланган замонавий тизимга ўтказиш;

иккинчидан, мавжуд иқтисодий тизимни (социалистик бозор тизими) сифат жиҳатидан ўзгартириш.

Умуман олганда, Хитойда ислоҳотлар даври қишлоқдаги ислоҳотлар билан бошланган. Ислоҳотнинг моҳияти халқ жамоалари ўрнига оилавий пудратга ва иқтисодий кооперативларни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини эркинлаштириш, ушбу соҳада бозор механизмини ва бозор тармоғини ривожлантириш, хусусий ташаббусларни рағбатлантириш ва ҳоказоларни ўз ичига олган. Аммо ер давлат ва жамоа мулкида сифатида сақлаб қолди.

Шаҳар иқтисодиёти ва ушбу соҳадаги хўжаликлар шакллари ислоҳоти хусусийлаштириш йўлидан бормади, балки давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш ва хусусий секторни рағбатлантириш, хорижий капитал иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш орқали амалга оширилди. Бу жараёнда иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга тармоқлари давлат назорати остида қолди. Давлат энг йирик корхона ва компанияларни Ғарбий мамлакатларнинг ТМКлари билан ички ва ташқи бозорларда рақобатлаша оладиган тармоқли, халқаро ва экспортга мўлжалланган ТМКларга айлантирди. Асосий вазифа саноат корхоналарини социалистик бозор иқтисодиётининг юқори рақобатдош субъектларига айлантиришдан иборат эди.

Ислоҳотлар натижасида Хитой иқтисодиёти сезиларли иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий ва маданий тараққиётга эришди.

Узвий равишда олиб борилаётган трансформация жараёнлари шаклланаётган иқтисодий тизимнинг барқарорлигини (яхлитликни, сифатли ишончни, ички тизим уланишлари ва ўзаро таъсирларни мустаҳкамлаш), унинг хавфсиз ишлашини (яхлитлиги, яхлитлиги, синергистик таъсир мавжудлиги туфайли бузувчи таъсирларга қарши туриш қобилияти), шунингдек, жамиятнинг барча аъзолари ҳаёти учун адолат шароитларни таъминлайди. Шунингдек, келиб чиқишидан қатъи назар энг фаол жамият аъзоларини ўз ўрнини топиб олишлари учун махсус ижтимоий дастаклар яратилади. Ушбу ўзгартириш иқтисодий тизимнинг сифатини ва самарадорлигини оширишга қаратилган.

Либерал АҚШ, социалистик бозор иқтисодиётига асосланган Хитой ва ижтимоий йўналтирилган Европа моделларини таққослаш асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди. Ижтимоий йўналтирилган Европа модели маълум бир қарама-қаршиликлар эга бўлиб, қарамлик, ортиқча истеъмол қилиш, иқтисодий тизимнинг беқарорлиги билан намоён бўлмоқда; социалистик бозор иқтисодиётига асосланган Хитой ғарб ва шарқ институтларининг самарали бирлашуви билан асосланади; Либерал АҚШ модели инновацион асосда ривожлантириш моделидир. Юқорида ўрганилган барча моделлар инсон ривожланиши учун шароит яратиб, ҳаёт даражаси ва сифатини оширди. Институционал ўзгаришларга асосланган иқтисодий тизимларнинг янги шаклларини вужудга келтириш АҚШ, Хитой ва Европа ривожланиш моделларининг салбий томонларини енгиб ўтишга асосланган бўлиши ва мавжуд тенденцияларни ҳисобга олиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Всемирная история модернизации // Эксперт. Специальный выпуск. - 29 дек. - 10 янв. 2010 г.

2. Иноземцев В.Л. Пределы «догоняющего» развития. - М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2000.

3. Пилипенко И.В. Конкурентоспособность стран и регионов в мировом хозяйстве: теория, опыт малых стран Западной и Северной Европы. - Смоленск: Ойкумена, 2005.

4. Супян В. Американская экономика: новые реальности и приоритеты XXI века. М., «Анкил». 2001.

5. Global Investments in R&D. Fact Sheet No. 59 June 2020 FS/2020/SCI/59. Электрон ресурс. http://uis.unesco.org/sites/default/files/documents/fs59-global-investments-rd-2020-en.pdf

УЎТ: 677.01

Ўзбекистонда тўқимачилик кластерларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асослари
Организационно-экономические основы управления текстильными кластерами в Узбекистане
Organizational and economic bases of textile cluster management in Uzbekistan

Комила ХОНКЕЛДИЕВА,
Фарғона давлат университети тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада тўқимачилик кластерлари интеграцияси, хусусан, тўқимачилик саноати корхоналари, яъни корхоналар ресурсларини бирлаштириш ёки уларни кооперация қилиш ҳисобига қўшимча самарага эришиш йўллари очиб берилган бўлиб, ташкилотларнинг бирлашиши корхоналарнинг юқори натижаларга эришиш учун ишлаб чиқилган корпоратив стратегияси бошқариш муаммолари очиб берилган.

В статье рассматриваются вопросы интеграции текстильных кластеров, в частности предприятий текстильной промышленности, то есть пути достижения дополнительной эффективности за счет объединения ресурсов предприятий или сотрудничества с ними, слияния организаций, раскрываются проблемы управления корпоративной стратегией, которая разработана для достижения высоких результатов деятельности предприятий.

The article deals with the issues of integration of textile clusters, in particular textile industry enterprises, that is, ways to achieve additional efficiency by combining the resources of enterprises or cooperation with them, merging organizations, and reveals the problems of managing a corporate strategy that is designed to achieve high performance of enterprises.

Миллий пахтачилик-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш ғояси бу пахта хомашёси етиштиришга ихтисослашган туманларда етиштирилган маҳсулотни чуқур қайта ишлашни ташкил қилиш асосида юқори қўшилган қиймат яратиш, ички бозорни сифатли ва арзон тўқимачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда уларни экспортга йўналтириш ҳисобига мамлакат валюта тушумини кескин ошириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ҳамда турмуш тарзини яхшилаш ҳисобланади.

Тўқимачилик кластерларини ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари кенг ёритиш учун унинг назарий жиҳатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, ҳар қандай корхоналарнинг интеграцияси, хусусан, тўқимачилик саноати корхоналари, одатда у юқори самарага эришиш мақсадида амалга оширилади, яъни корхоналар ресурсларини бирлаштириш ёки уларни кооперация қилиш ҳисобига қўшимча самарга эришилади.

Интеграция стратегияларни амалга ошириш воситаларидан бири бу уйғунлашган кўрсаткичлар тизими (Balanced ScoreCard, BSC) ҳисобланади. Ушбу стратегия шаклини Гарвард Университети ҳузуридаги Бизнес мактаб профессори Роберт Каплан ва бошқарув масалалари бўйича америкалик консультант Дэвид Нортонлар 90-йиллар бошида ишлаб чиқишган.

Роберт Каплан ва Дэвид Нортон томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келинди, жумладан, муваффақиятли фаолият

Калит сўзлар: стратегия, тўқимчилик саноати корхоналари, самарадорлик, модернизация, вертикал интеграция, кластер.

юритаётган корхоналар уйғунлашган кўрсаткичлар тизимини шакллантиришда камида тўртта омил: молия; харидорлар; ички бизнес жараёнлари; таълим ва ривожлантиришни инобатга олишлари лозим[1].

Бизнингча, юқорида келтирилган олимлар ғояси Ўзбекистонда тўқимачилик кластерларни шакллантириш учун муҳим илмий ва иқтисодий асос сифатида қабул қилишимиз мумкин.

Шу нуқтаи назардан, тўқимачилик корхоналари иқтисодий салоҳияти тўқимачилик корхоналари кластери асосида ошириш, яъни кластерни пахта хомашёсини етиштирувчилар, бирламчи ва чуқур қайта ишловчилар, хизмат кўрсатувчилар ўртасида кооперация алоқаларини мақсадли ташкил этиш қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ (1-чизма).

1. Кластер моделини амалга оширишга давлат, ҳудудлар, хўжалик юритиш субъектлари тайёрлигини баҳолаш.


2. Тўқимачилик кластернинг бош мақсадини аниқлаш.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш занжирини шакллантириш.

4. Пахтачилик-тўқимачилик кластерини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш.

Юқорида санаб ўтилган босқичларни алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз.

1. Кластер моделини амалга оширишга дав-



1-чизма. Ўзбекистонда пахтачилик-тўқимачлик кластерларини ташкил этиш босқичлари таснифи[1].

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

лат, ҳудудлар, корхоналар тайёрлигини баҳолаш.

Шу ўринда кластер тушунчасига қисқача тўхталиб ўтамиз, жумладан, кластерлар синергетик самарани ошириш учун жуда қулай восита ҳисобланади, модомики синергия одатда алоҳида элементларнинг етарли даражадаги интеграцияси тизимида вужудга келади[2].

Кластерларни ташкил этиш бўйича давлат томонидан барча ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилган. Ҳудудларда эса, пахта хом-ашёсини етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича фаолият юритаётган хўжалик юритиш субъектлари етарли салоҳиятга эга. Демак, ушбу хўжалик юритиш субъектлар фаолиятини уйғунлаштириш имконияти мавжуд ва буни бизнинг фикримизча кластер модели асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

2. Тўқимачилик кластернинг бош мақсадини аниқлаш.

Пахтачилик-тўқимачилик кластерларнинг бош мақсади замонавий тўқимачилик саноатини шакллантириш, пахта хом-ашёсини етиштиришда самарали усулларни жорий қилиш, республикада бирламчи (пахта хом ашёсини қайта ишлаш) ва чуқур (пахта толасини қайта ишлаш) қайта ишловчи корхоналар билан пахта хом-ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш, ушбу жараёнларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ҳамда ушбу соҳада меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш ҳисобланади [3].

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш занжирини шакллантириш.

Ушбу босқичда асосий хўжалик юритиш субъектлари бу пахта хом-ашёсини етиштирувчилар (фермер хўжаликлари), бирламчи қайта ишлаш (пахта хом-ашёсини қайта ишловчи корхоналар) ва чуқур қайта ишлаш (тўқимачилик саноати корхона-



2-чизма. Пахтачилик-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш мақсадларига эришганликни баҳолаш кўрсаткичлари[2]

[2] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

лари) корхоналар ҳисобланади [4,5].

4. Тўқимачилик кластерини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш.

Ушбу босқич юқорида келтирилган босқичларни давомий қисми бўлиб бунда Ўзбекистонда пахтачилик-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришнинг асосий механизмлари ва чора-тадбирларини қуйидаги йўналишлар бўйича акс эттиради:

– истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ишлаб чиқариш интеграцияси;

– техник ва технологик жараёнларни шакллантириш;

– ички тўқимачилик маҳсулотлари бозорини ҳимоя қилиш механизмларини оптималлаштириш ва бошқалар.

Тўқимачилик кластерларини ташкил этиш мақсадларига эришганликни баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш таклиф этилади (2-чизма).

Молиявий омил бўйича:

– фойдани ошириш – соф фойда;

– харажатларни камайтириш – сотилган маҳсулот ҳажмида харажатлар улуши, 1 сўм сотилган маҳсулот учун харажатлар;

– ички ва жаҳон тўқимачилик бозоридаги улушининг ортиши – маҳсулот сотишдан олинган даромад.

2. Харидорлар омили бўйича:

– сотилган маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сотишдан олинган даромад.

3. Ички ишбилармонлик муҳити:

– замонавий ва илғор асбоб-ускуналарни сотиб олиш – асосий воситаларнинг баланс қиймати;

– харажатларни бошқариш бўйича замонавий тизимни жорий қилиш – маҳсулот таннархида операцион харажатлар улуши;

– маҳсулот таркиби ва ассортиментни кенгайтириш – маҳсулот турларининг янгиланиш тезлиги.

Умуман олганда, Ўзбекистонда пахтачилик-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш пахта хомашёсини етиштиришдан бошлаб, чуқур қайта ишлаш асосида тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ушбу маҳсулотлар билан ички бозор талабини тўлиқ қондириш ва жаҳон тўқимачилик бозорига жадал кириб бориш имкониятини яратади. Шунингдек, қишлоқ жойларда замонавий иш ўринлари яратилади ва аҳоли даромадлари ошиши ҳисобига уларнинг турмуш даражасини кескин яхшиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva

2. Mirzaev, A.T (2018) "The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018: No.3,Article19.Available at: https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/ vol2018/iss3/19.

3. Ханкелдиева Г.Ш. Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №12 (25). С. 293-299. Режим доступа: http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva-g.

4. Мирзаев А.Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019 г. Т. 5. №2. С. 127-134. https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/17.

5. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика. – 2019. – Т. 17, № 5. – С. 990 – 1002. https://doi.org/10.24891/re.

УЎТ: 355.241.21:003

Ўзбекистон иқтисодиётини корпоратив бошқариш, миллий бойлик, инсонлар саломатлиги ва ижтимоий фаровонликни ривожлантиришда стратегик ташаббуслар
Стратегические инициативы в корпоративном управлении экономикой Узбекистана по укреплению национального богатства, здоровья людей и социального благополучия
Strategic initiatives in corporate governance of the economy of Uzbekistan towards development of national wealth, human health and social welfare

Шахзод МАКСУДОВ,
Тошкент давлат техника университети
"Саноат иқтисодиёти ва менежмент" кафедраси
мустақил изланувчиси.

Аннотация

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг деярли барча халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Қисқа вақт ичида мамлакатимизда ўзига хос хусусиятларни қамраб олган иқтисодий сиёсат шаклланиб, истиқболли йўналишлар белгиланди. Янги жамият, миллий иқтисодиёт қуришнинг ўзига хослиги, бу – ўз тараққиёт йўлимизни танлашда мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароит ва салоҳияти, халқимиз тарихи, миллий урф-одатларидан келиб чиқилганидадир. Мақолада мамлакатимизда давлат-хусусий шерикчилигини йўлга қўйишнинг назарий жиҳатлари ривожланган чет мамлакатлар тажрибаси асосида таҳлил қилиниб, тегишли хулоса ва таклифлар тайёрланган.

С обретением независимости наша республика стала равноправным членом практически всех международных организаций. За короткое время в нашей стране была сформирована экономическая политика, охватывающая ее специфические особенности, определены перспективные направления. Особенность построения и развития нового общества и национальной экономики это развитие исходит из политических, социально-экономических условий и потенциала нашей страны, истории нашего народа, национальных обычаев, религиозных убеждений. В статье, проанализированы теоретические аспекты становления государственно-частного партнерства в нашей стране на основе опыта развитых зарубежных стран и подготовлены соответствующие выводы и предложения.

Since the independence, our republic has become an equal member of almost all international organizations. In a short time, our country outlined the economic policy covering its specifics, and identified its prospects. The peculiarities of building and developing new society and national economy, come from political, socio-economic conditions and potentials of the country, its history, national traditions, religious beliefs. The article proposes the analysis of theoretical aspects for forming up public-private partnership in our country on the basis of the international experience of developed countries and offers relevant conclusions and proposals.

Калит сўзлар: давлат, хусусий, шерик, ижара, конфессия, аффермаж, лизинг, риск, инвестиция.

ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК

XXI асрнинг 20 йилларига келиб, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, мамлакатда моддий ва маънавий фаровонликни таъминлашда, иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожланишига ҳар бир жамият аъзосининг мавқеи, қўшаётган фаол меҳнати туфайли амалга оширилаётгани, алоҳида ўринни эгаллайди.

Демократик жамиятнинг тараққиёти кўп ҳолларда интеллектуал жиҳатдан комил жамиятнинг муҳим омилларидан бири, унда яшаётган инсонларнинг жисмонан соғлом, рухан тетик, маънавий етук, деб эътироф этилади.

Олимларнинг таъкидлашича "донолик, комиллик ва жамиятнинг тараққиёти" кўп ҳолларда интеллектуал ва аҳлоқий потенциал соғлом, ўзини яхши хис этадиган, оптимист, руҳий жиҳатдан чидамли ақлий ва жисмоний иш қобилиятига эга, фаол яшайдиган одам касбий ва турмуш қийинчиликларини енга олади.

Соғлом турмуш тарзини ташкил этиш фақатгина иқтисодий таъминланиш жиҳатидан эмас, балки соғлиқни сақлаш инсонларни маънавий, маърифий маданий савиясини оширишга ҳам тақазо этади.

Жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос бошқариш моделлари мавжуд. Уларни яратишда ҳар бир мамлакат ўзининг барча хусусиятларини ҳисобга олган. Республикамиз мустақилликка эришиб деярли барча халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Қисқа вақт ичида мамлакатимизда ўзига хос хусусиятларни қамраб олган иқтисодий сиёсат шаклланиб, истиқболли йўналишлар белгиланди. Янги жамият, миллий иқтисодиёт қурилишнинг ўзига хослиги, бу ўз тараққиёт йўлимизни танлашда мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароит ва салоҳиятидан, халқимизнинг тарихи, миллий урф-одатлари, диний эътиқодидан келиб чиқилганидадир. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти жами соҳалар, уюшмалар, корхоналар, ташкилотларнинг йиғиндиси бўлиб, улар ягона иқтисодий тизимга, умумий қонунларга ва ривожланиш мақсадларига асосланган.

Ҳозирги даврда энг муҳим масала аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашдир.


Мустақил Ўзбекистон Республикаси бу масалани кенг миқёсда ижтимоий нуқтаи назарда кўриб чиқиб, бунда муҳим ўринни соғлом турмушни ташкил этишга



қаратмоқда. Ўтиш даврининг мураккаблиги, иқтисодий муаммолар, атроф муҳитни мусаффолигини сақлаш, эпидемиялар, турли воқеа ва ҳодисалар, демографик қарама-қаршиликлар ва бошқалар, инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек долзарб вазифага алоҳида эътиборини қаратган.

Ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибаси ҳамда нуфузли ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси билан ҳамкорликда 2015-2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси энг асосий миллий бойлиги, мамлакат аҳолисининг соғлиғини сақлаш, мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини



ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегияси" белгилаб олинди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш каби устувор вазифалар белгиланган.

2018 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралиб оила институтини такомиллаштиришда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бу жараёнда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг яқин ҳамкорлигини ҳамда фаол ролини таъминлаш белгиланган.

2018 йил 27 июнда Президент Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ давлат ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган оила сиёсати аҳоли бандлигини ва реал даромадларини изчил ошириб боришга, фуқаролар фаровонлигини оширишга, ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, ҳозирда таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш тизимларида олиб борилаётган оқилона ижтимоий-иқтисодий сиёсат негизида баркамол авлод орзуси туради. Ушбу орзуни тўлақонли рўёбга чиқариш, биринчидан, ушбу соҳага масъул бўлган мутахассисларнинг, иккинчидан, эзгу мақсад йўлида камол топаётган ёшларнинг ғайрат-шижоати, интилиши ва истеъдодига боғлиқдир. Бунинг учун эса таълим-тарбия, соғломлаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш, ушбу йўналишдаги тадбирларнинг ҳаётийлиги, давомийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш доимий вазифа бўлиб қолаверади.

Умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими тизимида "Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила" фанидан дарс берадиган ўқитувчилар учун қўлланма, UNДР Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг UNFPA Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирликлари мутассадди ходимлари ҳамкорлигида тайёрланди.

Шунингдек, юртимизда таълим муассасаларида ўқитувчи-мураббийлар, тиббиёт ходимлари томонидан соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатликни тарғиб

қилишга қаратилган турли хилдаги тадбирлар, давра суҳбатлари мунтазам равишда 2020 йил давомида ҳам ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирлар эса, ўз навбатида, ёш авлоднинг репродуктив саломатлиги, юқимли касалликлар ва эпидемиологик вазиятлар, соғлом оилани барпо этиш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш тўғрисидаги тушунчаларини бойитиб, келгусида юз бериши мумкин бўлган бир қатор муаммоларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёшларимиз саломатлиги ва тарбияси ҳақида қайғуриш келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевор эканлигини эътиборга олган ҳолда "Ўзбекистон ёшлари – соғлом турмуш тарзи тарафдорлари" қўлланмаси тайёрланиб, унга асосан ўсмир қизлар ўз тенгдошларига ишонч муҳитида соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатлик бўйича маърифий-ахборот тадбирларини ўтказиш амалиётини ҳам кенг тарғиб қилинади.

Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш борасида 2020 йил "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни

Рақамли кўрсаткичлар
Соғлиқни сақлашни молиялаштириш


Ривожланган молиялаштириш тизимига, юқори даражадаги таълимга ва самарали бошқарувга асосланган фойдаланиш имкони бор юқори технологияли тиббиёт

- Мажбурий тиббий суғурталашни жорий этиш ва ихтиёрий тиббий суғурталашни ривожлантириш
- Қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш хизматидан фойдаланишни таъминлаш
- Инфратузилмани янгилаш (таъмирлаш, жиҳозлаш)
- АТ-воситаларини жорий қилиш
- Шифокорлар ва тиббий ходимларнинг таълимини ривожлантириш
- Шифокорлар иш ҳақини ва ижтимоий пакетини ошириш (ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган)
- Хусусий сектор жалб қилиш, ДХШни ривожлантириш (80% гача)
- Тиббиёт фанини тартибга солиш ва илмий тадқиқот ишлари тартибини ривожлантириш (GCP, лойиҳаларни молиялаштириш)
- Тиббиётнинг инновацион ривожланиши учун шарт-шароитларни шакллантириш (R&D учун солиқ имтиёзлари)
- Юқори инновацион тиббий ёрдам марказларини яратиш
- Давлат харидларида шаффофликни таъминлаш учун соғлиқ сақлаш технологияларини баҳолаш жараёнини яратиш
- Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, Халқаро фармацевтика тадқиқотлари ва натижаларни баҳолаш жамияти (ISPOR)

Рақамли кўрсаткичлар

	2017	2035	CAGR
Аҳоли жон бошига соғлиқни сақлаш харажатлари, АҚШ *доллари*[а].	45	1000	19%
Туғилганда кутилган умр кўриш давомийлиги, *йил*[б]	73,7	80	0,6%
Болалар ўлимининг сони, 1000 туғилишга 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг сони[в]	15,4	<10	
Фуқароларнинг шахсий тўловлари ҳисобига молиялаштириладиган соғлиқни сақлашга сарф қилинган харажатлар улуши, %	43%	<20%	

Соғлиқни сақлашни молиялаштириш



млрд АҚШ долл., йиғилган натижа билан

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Economist Intelligence Unit, очиқ манбалар маълумотлари, "Концепция Стратегии развития Республики Узбекистан" "BUYUK KELAJAK" "МННО" ишчи гуруҳнинг таҳлили.*

Соғлиқни сақлашда корпоратив бошқарувнинг 2025-2035 йилларга асосий стратегик ташаббуслари



Манба: *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Economist Intelligence Unit, очиқ манбалар маълумотлар, "Концепция Стратегии развития Республики Узбекистан" "BUYUK KELAJAK" "МННО" ишчи гуруҳнинг таҳлили.*

амалга ошириш белгиланган. Шу билан бирга, 2020-2035 йилларда Ўзбекистонни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш концепцияси лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Бу борада, 2020-2035 йилларда Ўзбекистон соғлиқни сақлашда корпоратив бошқарувининг асосий стратегик ташаббуслари ва кутилаётган натижалари берилган.

Халқимизда шундай мақол бор: "соғлигинг-бойлигинг", "соғлиқни йўқотсанг ҳаммасини йўқотасан".

2020 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг мурожатномасида "Ўзбекистоннинг миллий бойлиги бу бизнинг меҳнаткаш халқимиздир. Шунинг учун халқимиз ҳам соғ бўлса, жамиятимиз мустахкам бўлади, инсонларнинг турмуши фаровон, келажагимиз порлоқ бўлади" деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслигида барча қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз вақтида амалга оширилаётгани яна бир бор вақтнинг ўзи исботлаб бермоқда. 2020 йилда бутун дунё бўйлаб тарқалган эпидемиологик вазият бунинг яққол далилидир.

